

БОСИТХОН ИБН ЗОҲИДХОН ШОШИЙ

**«ҚОНУНИ БОСИТИЙ»:
ҲОМИЛАДОР ВА ЭМИЗУВЧИ
АЁЛЛАР ҲАМДА ГЎДАКЛАРНИ
ПАРВАРИШЛАШ ТАДБИРИ**

Эски ўзбек тилидан ҳозирги тилга айлантирувчи,
луғат ва изоҳлар муаллифи
тарих фанлари доктори
Маҳмуд ҲАСАНИЙ

«Turon Zamin Ziyо»
Тошкент - 2011

51.1(5Ў)

Ш81

Шоший, Боситхон ибн Зоҳидхон.

Қонуни Боситий :IV китобли / Боситхон ибн Зоҳидхон Шоший; масъул муҳаррир Б.Абдуҳалимов; эски ўзбк. тилидан ҳозирги тилга айлантирувчи, луғат ва изоҳлар муаллифи М.Ҳасаний; ЎЗР ФА, Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик ин-ти. - Т.: TURON ZAMIN ZIYO, 2011.

К.П: Ҳомиладор ва эмизувчи аёллар ҳамда гўдакларни парваришlash тадбири. - 80 б.

УДК: 618.2:613.99

ББК 51.1 (5Ў)+57.32

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
Абу Райҳон Беруний номидаги
ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

Масъул муҳаррир: тарих фанлари доктори
Баҳром АБДУҲАЛИМОВ

Тақризчи: тиббиёт фанлари номзоди
Абдукарим УСМОНХЎЖАЕВ

Боситхон ибн Зоҳидхон Шоший (1877-1959) етук табиб, шоир, фақиҳ, рассом, моҳир таржимон, луғатшунос ва ношир сифатида фаолият кўрсатган олимлардан биридир. У ўзбек тилида биринчи марта «Қонуни Боситий» номли тиб қонунлари китобини ёзган. Унинг араб тилидан таржима қилган ва фаннинг турли соҳаларига бағишланган ўнлаб китоблари Тошкентда тошбосма усулида чоп қилинган. Шошийнинг «Қонуни Боситий» (1-2 жилд), «Фарҳанг ал-мабсут», «Ҳадиси Усфурий», «Манбаъ ул-маъориф» номли китоблари мустақиллик йиллари Тошкентда нашр этилди. Ислом ҳуқуқшунослигига оид «Илми фаройиз» ва геометрияга оид «Амали хандаса» номли китоблари нашрда турибди. Бугун диққатингизга ҳавола этилаётган рисола Шошийнинг «Қонуни Боситий» китоби асосида тайёрланди.

Рисола ЎЗР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг Илмий Кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган.

ISBN 978-9943-335-05-9

© «Turon Zamin Ziyο», 2011.

БОСИТХОН ИБН ЗОҲИДХОН ШОШИЙ

Боситхон ибн Зоҳидхон Шоший ҳозик табиб, етук шоир, моҳир таржимон, луғатшунос, рассом ва ношир олимлардан бири эди. У 1877 йили тошкентлик моҳир табиб Зоҳидхон ҳаким оиласида дунёга келди. У ёшлигиданоқ отасидан табобат илмини ўргана бошлади. Боситхон ўзининг «Таржимаи ҳол ва хулосаи омор» номли мақоласида: «Отам менга савод ўрнига тиб китоби ўқитар эдилар» деб ёзади. Бошқа бир ерда эса: «Отам мени етти ёшлик вақтимдан бошлаб тибга оид китобларни ўқитиш билан тарбия қилган эди» деб ёзади.

Боситхон табиб Тошкентдаги Хожа Аҳрори Валий номли мадрасада диний ва дунёвий илмларни ўрганган. Отаси вафот қилгандан сўнг Тошкентда ном қозонган табиб Мулла Муҳаммад Расул (тахаллуси Жоми Шароб) ҳамда Сиддиқхўжа ҳакимдан табобатдан таълим олади. Кейинчалик Бухорога бориб, мадраса илмларини ўзининг ўтқир зеҳни ва қобилияти туфайли қисқа муддатда эгаллайди ва мадрасани хатм қилиб, Тошкентга қайтади.

Боситхон табиб 1917 йилгача қизгин илмий ва адабий фаолият билан машғул бўлади. Тошкент олимлари ва шоирлари билан мулоқотлар олиб боради ва кўпроқ вақтини одамларни даволаш билан ўтказди. «Мадрасани хатм қилганимдан сўнг, — деб ёзади у, — фақат табиблик хизмати ила ҳозирги мавжуд одамлар учунгина хизмат қилмоққа виждоним қаноат қилмади». Энди у китоб ёзиб, халққа фойда етказишга аҳд қилади. «Сўнгги вақтлардаги халқ фойдалари учун ҳам бир фойда ва ёрдам берадиган асар қолдириш мақсадида 13 донга китоб ёздим, жумладан, 8 донга босилиб чиқди, 6 таси ҳануз босилгани йўқ» деб ёзади табиб. Бу саккиз донга китоб 1917 йилгача босилган эди.

1917 йилдан кейин Боситхон табибнинг ижодида узилиш рўй беради. У баъзан дўстларининг вафоти ҳақида таърих хронограмма, яъни таъзия шеърларини ёзиб турса-да, бироқ китоблар тасниф қилмади. Табиб ўзини сақлаш ва қирғинлардан омонда қолиш учун идораларда қоравуллик қилиш билан кун кечирди. Бироқ ота касби табибликни яширин ҳолда бўлса ҳам давом эттирди. Унинг омон қолишининг сабабларидан яна бири ҳозик табиблиги бўлиб, баъзи давлат одамлари унинг қўлида яширинча даволаниб турганлар.

Боситхон табиб 1940 йилларда яна қўлига қалам олади. У ўзининг кўп йиллик тиббий тажрибалари асосида ўзбек тилида «Тиб қонунлари»ни ёзишга киришади ва бунга унинг дўстлари сабабчи бўлади. Улар ўзбек тилида тиб қонунлари йўқлиги, агар шундай китоб ёзилса, одамлар учун катта фойда бўлишини таъкидлайдилар. Бу пайтда ҳали ЎЗР ФА ШИ олимлари Ибн Сино «Тиб қонунлари»ни таржима қилишга киришмаган эдилар. Боситхон табиб 1942 йилда «Қонуни Боситий» («Боситхоннинг тиб қонунлари») китобнинг 1-жилдини ва 2-жилдини ёзиб тугатади. 1944 йилда эса «Фарҳанг ал-мабсут» номли тиббий луғатни ёзади.

Боситхон табибнинг тиббий маҳорати атрофга таралгач, 1950 йилда ЎЗР Фанлар академияси кўрсатмасига мувофиқ «Фавоид ул-адвия» («Дориларнинг фойдалари») номли китобни ёзишга киришади. Орадан бироз вақт ўтгач яна бир кўрсатма асосида «Асоми ул-амроз вал-адвия» («Касалликлар ва дориларнинг номлари») китобни ёза бошлайди. Афсуски бу китоб табибнинг соғлиғи ёмонлашуви ва вафоти сабабли тугалланмай қолади.

Боситхон табиб томонидан ёзилган асарларнинг рўйхати қуйидагилардан иборат:

1. Қонун ал-Мабсут (Кенгайтирилган қонун китоби). Унинг муаллиф қўли билан кўчирилган янгона нусхаси ЎЗР ФА Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондида 8921 рақами билан сақланмоқда. Бу асарнинг 1-жилди бўлиб, 1942 йили ёзилган.

2. Қонун ал-Мабсут. Юқоридаги асарнинг 2-жилди. 1942 йил ёзиб тугатилган. Муаллиф қўли билан кўчирилган нусхаси 8922 рақами билан ЎЗР ФА ШИ фондида сақланмоқда.

3. Фарҳанг ал-мабсут (Кенгайтирилган луғат) ёки бошқача номи «Истилоҳот ул-аттиббо фи интифиъот ул-аҳиббо» (Дўстларнинг фойдаланишлари учун тузилган тиббий истилоҳлар луғати) 1944 йилда ёзиб тугатилган. Муаллиф қўли билан кўчирилган ягона нусхаси ЎЗР ФА ШИ нинг қўлёзмалар фондида 8921 рақами билан сақланмоқда.

4. Фавоид ул-адвия ва мавоид ул-ағзия (Дориларнинг фойдалари ва тузалган дастурхон овқатларининг манфаатлари). 13 фаслдан иборат бу асарда табобатнинг турли масалалари ўз ифодасини топган.

5. Амали ҳандаса (Геометрия амаллари ҳақида китоб). Бу асар 11258 рақами билан ЎЗР ФА ШИ фондида сақланмоқда.

6. Муқаддимаи илми фаройиз (Мерос тақсими илмининг муқаддимаси). Бу ҳам ЎЗР ФА ШИ фондида сақланмоқда.

7. Фовайид ул-муслимийн (Мусулмонларга фойдалар). Бу китоб Имом Суйутийнинг «Анис ул-жалис» китобидан таржима қилинган. ЎЗР ФА ШИ фондидаги инвентар рақами 1237. Китоб 1913 йилда Тошкентда тошбосмада нашр этилган.

8. «Манбаъ ул-маъориф» таржимаи «Мажмаъ ул-латойиф» («Мажмаъ ул-латойиф» китобининг таржимаси бўлган «Манбаъ ул маъориф» асари). У 1914 йилда Тошкентда чоп этилган.

9. Дўзд ва қози (Ўғри билан қози). 1907 йилда Тошкентда нашр қилинган.

10. Ҳақойиқ ул-асрор (Ҳақиқатлар сири). Тошкентда тошбосмада нашр қилинган. Мустақиллик йилларида олим С.Ҳасанов томонидан чоп қилинган.

11. «Ҳадиси Усфурий» ёки «Мисбоҳ ул-анвор» (Нурлар чироғи). 1910 йилда Тошкентда чоп қилинган. 1993 йили М.Ҳасаний томонидан Адабиёт ва санъат нашриёти орқали чоп қилинган.

Юқорида санаб ўтилган асарларнинг номлариёқ табиб — олимнинг билим доираси кенг ва тиниб-тинчимас инсон бўлганини кўрсатиб турибди. Библиограф олим А.Носировнинг ёзишича, Боситхон табибнинг саҳҳоф (муқовасозлик) бозорида китоб сотадиган дўкони ҳам бўлган. Айни пайтда соатсозлик касби билан ҳам шуғулланган. Боситхон табиб яхшигина шоир ҳам бўлган. А.Носировнинг ёзишича, Боситхон табиб ўз шеърларини тўплаб, «Мажмуаи ашъори Ҳариқий» («Ҳариқий шеърларининг тўплами») деган бир тўплам тузган. Яна «Ҳадиййат ус-сибён» («Болаларга тухфа») номли асар ҳам ёзган. Бироқ булар нашр бўлмаган. А.Носиров бу икки китоб Боситхон табибнинг ўғиллари қўлида сақланаётгани ҳақида хабар қилади.

Рўйхатдан кўриниб турганидек, Боситхон табиб кенг қамровли олим бўлган. Фаннинг ҳар хил соҳалари бўйича қалам тебратган. «Дўзд ва қози» номли таржима асарига ўзи расм чизиб берган. Олимнинг набираси Тоҳирхон Шокирхоновнинг айтишича, Боситхон табиб ўзбек тилида Оқилхон Шарафиддинов ёзган алифбе китобига ҳам расм чизиб берган.

Кимнингдир илтимоси билан Совет тузумининг илк даврида очилган мактаб ўқувчилари учун мактаб ҳақида шеърлар ёзган. Кекса марҳум олим А.Носировнинг ёзишича, болаларга атаб шеърини китобча ҳам тузган.

Боситхон табиб қаерда ва қайси касбда бўлмасин, у том маънода табиб эди. У ёшлигидан шуғулланган ва ота мерос бўлган табобатни ташлаб кетолмас эди. У 1940 йиллардан бошлаб табобатга оид асар ёзиш иштиёқида бўлади. Унинг атрофидаги обрў-эътиборли кишилар ҳам табобат соҳасидаги билимлари беҳуда йўқ бўлиб кетмаслигини, уларни тўплаб, бир асар ёзишни илтимос қиладилар. Бу ҳақда табибнинг ўзи: «Ҳукамойи замон ва зурафойи овон (давр донолари) миздан бир неча аҳли ижлос (ҳамсуҳбат)лар ушбу хусусда Туркистон шеваси (тили) да ҳам бир «Қонуни туркий» мудавван (ёзилган) бўлса, аҳли Туркистон учун бир ҳидоят ва раҳбарлик бўлур эди деб, ... фақирга илтимос қилдилар», — дейди. Нима учун «Қонуни туркий» ёзилиши керак бўлиб қолганини эса қуйидагича тушунтиради: «Туркистон қитъасининг ҳукамойи файласуфларидин Абу Али ибн Сино, Абу Наср Форобий, Шоҳобуддин Форёбий, Муҳаммад Ҳусайн, Али Акбар Ҳусайний каби зотларнинг ташаббуслари ила кўб муфассал ва мўътабар девони ҳикмат асарлар зухур этиб, жилвагар бўлди, лекин аларнинг таҳриротлари (ёзганлари) лисони арабий (араб тили)да баён бўлгонликдин аҳли Туркистон мутолааси ҳараж (қийин) бўлғони каби нўкоти ҳомизаси (ҳикматли фикрлари) ва тафсилоти амиқаси (чуқур тафсилот)лари тоқат зарфи (идиш)дан хориж эди».

Демак, аввал ёзилган тиббий асарлар араб ва форс тилларида бўлгани учун табиб туркий тилда «Қонун» ёзишни мақсад қилади ва бунга илм аҳлларининг илтимослари туртки бўлади. Муаллиф ўз «Қонун»ини 1942 йилда ёзиб тугатади. Асар 10 мақоладан иборат бўлиб, икки жилдни ташкил этади. Боситхон табиб ўз асарини туркий тилда ёзганини алоҳида таъкидлайди. У ҳозирги ўзбек тилида ёзиши ҳам мумкин эди, бироқ қадимий анъанани давом эттириш мақсадида эски ўзбек тилида ёзишни афзал кўради. Чунки унгача ёзилган ўзбек тилидаги асарлар, жумладан, Абулғози Баҳодурхоннинг «Манофиъ ул-инсон», Ҳаким Яйпонийнинг «Тариқ ул-илож»,

Ҳозораспийнинг «Мултақит ат-тибб» асарлари ҳам туркий тилда битилган эди. Бундан ташқари, XIX аср ҳамда XX асрнинг бошларида тиббий асарларни туркий тилга таржима қилиш авж олган эди. Тошкентлик Муҳаммад Шоҳхўжа Маҳмуд Чағминийнинг «Ал-қонунча», Юсуфийнинг «Жомий ул-фавойид» асарларини туркий тилга таржима қилади. Султон Али табибнинг «Муқаддимаи дастур ул-илож» асари ҳамда бошқа бир неча рисоалар ҳам туркий тилга таржима қилинган бўлиб, улардаги таржима усуллари бир-бирини такрорлар ва анъана асосида эди. Демак, Боситхон табиб ҳам айнан шу усулга ва анъанага амал қилган.

Муаллиф ўз асарини 10 мақоладан иборат қилиб ёзмоқчи экани ҳақида гапирса ҳам, бироқ унинг 1 ва 2-китобларида фақат 5 та мақола борлигини кўрамиз. Биринчи китоб ўз ичига кириш ва уч мақолани олади. Биринчи мақола — тиббий ишлар баёнида. Иккинчи мақола — ташриҳ, яъни инсон баданининг ҳолатлари ва уларни келтириб чиқарадиган нарсалар баёнида. Мақолалар ичида кўплаб фасллар мавжуд.

Боситхон табиб асарни «Қонун Боситий» мавсум ба «Қонун ал-Мабсут» («Қонун ал-Мабсут» деб аталувчи «Қонуни Боситий») деб атади. Демак, уни «Қонуни Боситий» («Боситхон «Қонун»и») ёки «Қонун ал-Мабсут» («Кенгайтирилган қонун») деб аташ ҳам мумкин», Қонун ал-Мабсут»даги «мабсут» сўзининг «Босит» сўзи билан ўзаги бир бўлиб, муаллиф ўзининг Босит исмидан фойдаланиб, «Мабсут» сўзини ишлатган.

Бугун китобхонлар диққатига ҳавола этилаётган рисола «Қонуни Боситий» китоби асосида тайёрланди.

**Маҳмуд ҲАСАНИЙ,
Гулноза ЗИЯМУҲАМЕДОВА**

ҲОМИЛАДОР ВА ЭМИЗУВЧИ АЁЛЛАР ВА ГЎДАКЛАРНИНГ ТАДБИРИ ҲАҚИДА

Билмоқ керакки, ҳомиладор аёллар қон олдириш, қортиқ қўйдириш, сурги қилиш ва қусишдан сақланишлари керак. Бироқ зарурат юз берганда манъ этилган ишларни қилишга рухсат этилади. Бу нарсаларнинг манъ этилиши, ҳаммадан ҳам мумкин эмаслироғи ва хатарли вақтларини шу фаслнинг охирида муфассал баён қиламиз.

Шунингдек, ҳомиладор аёл кўрқинчли ҳолатни кўришдан, кўрқинчли баҳайбат овоз чиқаришдан ёки эшитишдан, таомларнинг ҳидини бирданига катта хоҳиш билан ҳидлашдан сақланиши лозим. Аммо, меъдани тозалаб, бақувват қилиш, ҳомиладорлик таъсири билан лой ва кесак ейишни талаб қиладиган иштаҳани йўқотиш учун доимо гулқанд ва сиканжубин истеъмол қилишга одатланиш муносибдир.

Фойда. Билмоқ керакки, ҳомиладор аёлга қон олдириш, қортиқ қўйдириш; сурги ва қусиш барча вақтда манъ этилган бўлиб; бироқ ҳомиланing муддати тўрт ойга тўлмаган вақтда янада қатъийроқ манъ этилган. Шунингдек, ҳомила муддати етти ойга тўлгандан сўнг то туққунча янада манъ этилган. Айтилган тўрт ойидан биринчи ойнинг йигирманчи кунигача бағоят таъкид билан манъ этилган. Хусусан, биринчи ҳафтанинг то уч кунигача қаттиқ манъ этилган. Агар шу уч кун ичида қон олдирса, қортиқ қўйдирса, қусса ёки сурги қилса, шубҳасиз, ҳомила тушади.

Демак, мазкур муддат ўртасида ҳомилани кўзғотадиган ҳар хил сабаб ва ҳаракатлар ҳомиладор аёлга ҳаромдир. Ҳатто бунга сабаб бўладиган жоҳил ва нодон табиб ҳомилага зоминдир.

Ҳомиладор аёлга қон олдириш мумкин эмаслигининг сабаби

Ҳомиладор аёлнинг қон олдириши мумкин эмаслигининг сабаби шуки, қонни чиқариш раис аъзони (юрақ, мия ва жигар)ни заиф қилади, қувват ва мизожни суст қилади. Бу нарса бачадонга ҳам таъсир қилиб, уни ҳам кўпинча суст ва

ожиз қилади. Бу эса ўз-ўзидан боланинг ҳаракати ва тушишига сабаб бўлади. Хусусан, боланинг ўрнашуви бачадонда мустаҳкам бўлмаган кунларда қон олинса кўпинча болани туширади. Боланинг бачадонга алоқаси гўё меванинг шохга алоқаси кабилар. Чунончи, меванинг пайдо бўлишидан токи тўлишадиган вақтининг ярмигача дарахт шохига маҳкам ўрнашуви кам ва заиф бўлади. Бинобарин, ҳавонинг озгина таъсири ёки ҳавонинг салгина ҳаракати билан шохдан жудо бўлиб, ерга тушади. Халқда буни “огриб тўкилди” дейилади. Қолган ярим муддатда эса ўрнаши маҳкам бўлади ва меванинг жисми мукамал бўлгандан сўнг, пишишга юз тутгандан бошлаб, яна мустаҳкамлиги камая бошлайди, салгина ҳаракат билан шохдан узилиб тушади. Ҳатто, тўлиқ пишгандан сўнг шохга ўрнаши тамом йўқолиб, ўз-ўзидан узилиб тушади.

Ҳомила ҳам шунга ўхшаганки, боланинг дастлабки пайдо бўлишида унинг алоқаси бачадонга йўқ даражада заиф бўлади. Сўнг аста-секин алоқаси кучайиб бориб, тўрт ойда мустаҳкам бўлади. Тўрт ойдан аввал баъзи сабаблар юз бериб, болани ҳаракатга солса, тушириб юбориши мумкин. Тўрт ой тўлишидан аввал қанчалик сабаб юз берса, шунчалик тушиш хатари кучлироқ бўлади. Тўрт ойдан сўнг то еттинчи ойгача ҳомиланинг бачадонга алоқаси маҳкам бўлади. Етти ойдан сўнгги даврда эҳтиёт ғоятда зарурдир. Чунки бошланишдаги каби еттинчи ойдан сўнг боланинг бачадонга алоқаси яна заифлашиб, туғиш вақтида бутунлай узилади. Бинобарин, шу икки вақтда эҳтиёт жуда шартдир. Хусусан, бошланиш пайтида боланинг бачадонга алоқаси жуда заиф бўлади.

Саккизинчи ойда туғилган бола яшай олмайди ва ҳалок бўлади. Бунинг сабабини юқорида иккинчи мақоланинг еттинчи фаслида баён этилди.

Аммо, саккиз ойдан сўнг ҳам табиат тақозосича хилоф равишда ночорий ҳаракат билан туғилиши ҳам яхши эмас. Болани кўзғотадиган нарсаларни ейишда савоб йўқ. Бироқ боланинг танаси тўлиқ етилгани сабабли табиат хоҳишисиз баъзи ҳаракат воситасида туғилганда кўп зарари йўқ.

Ҳомиладор аёл қачон қон олдириши мумкин?

Ҳомиладор аёл ўзининг саломатлиги учун қон олдиришига зарурат бўлса ва олдирмаса ҳаётида хавф юз берса, чунончи, хўноқ, яъни бўғма касали ёки ҳақиқий зотилжам бўлган бўлса бу тақдирда унинг ҳомиласини ўйлаб ўтирмай қон олдириш лозим бўладики, ҳомиладор аёлни сақлаш ҳомилани сақлашдан муҳимроқдир. Агар ҳомиладор аёл ҳалок бўлса унинг ичидаги ҳомила ҳам албата ҳалок бўлиши муқаррардир. Агар қон олдириб, ҳомиладор аёл сихҳат топса ҳомила тушиб кетиши муқаррар эмас, фақат эҳтимол бор холос, агар тушиб кетмаса ҳар иккиси ҳам саломат бўлади. Агар ҳомила тушиб кетса ҳам ҳомиладор аёлнинг ўзи саломат қолса бу фойдадир. Бундан сўнг тушган ҳомиланинг ўрнига бошқа ҳомила ҳосил бўлишидан умид боқийдир.

Бироқ қон олдиришда яхшироқ тадбир шуки, агар тўсиқ бўлмаса, қон оз-оздан бўлиб чиқарилади. Шунда бузилган қонни чиқариш билан ҳомилани сақлаш ҳосил бўлади. Раис аъзолар (юрак, жигар, мия)га малол келтирмай, бўлиб-бўлиб оз-оздан олишда ҳомилани сақлаш ҳам мумкин бўлади. Агар бу тадбирга тўсиқ бўлса, масалан, ҳомиладор аёлнинг аҳволи хатарли ва бўлиб-бўлиб олишга фурсат йўқ бўлса, шу онда ҳомилани сақлашни ўйламай, тез қон олиш шарт бўлади. Агар қон олдириш қаттиқ шарт бўлмай, муҳлат бор бўлса, бу ҳолда ўртароқ кунларгача, яъни ҳомиладорликнинг бошланишдан эътиборан тўрт ойдан сўнг ва етти ойдан аввал бўлган кунлардан бирида қон олишга рухсат берилдики, бу кунларда ҳомиланинг алоқаси бачадонда мустаҳкам бўлиб, камхатар бўлади.

Ҳомиладор аёлдан кўп қон олиш мумкин эмас

Аммо, қандай бўлмасин, ҳомиладор аёлдан кўп миқдорда қон олишга рухсат берилмайди. Аммо қон олиш зарурати ҳомиладор аёлнинг аҳволини яхшилаш учун бўлмай, балки ҳомиланинг аҳволини яхшилаш учун бўлса ва қон олинмаса бошқа даволар билан мумкин бўлмаса, қон олиш жоиз бўлади.

Хусусан, бу қон олиш ҳомиладорлик муддатининг тўртинчи ва бешинчи ойига тўғри келса янада яхшироқ бўлади, шунда боланинг ўсиши тоза қондан ҳосил бўлиб, умид қилинган манфаат айнан ҳосил бўлади. Чунончи, ҳаким Муҳаммад Акбар Арзоний (Аллоҳ унга раҳмат қилсин) ўз саргузаштларидан ҳикоя қилиб қуйидагича ёздилар.

ҲИКОЯТ

Бир аёл бор эди, ҳомиладор бўлган кунларда унда бузилган қоннинг белгилари пайдо бўларди. Туққанда эса боласи иллатли, баданида яра ва рангги қизил бўларди. Умри бир ёшга етмай ўлиб қоларди. Шу тариқа унинг тўртта фарзанди вафот этди. Сўнг бу ҳодисанинг хабари Парвардигорнинг илтифоти билан бу фақирнинг қулоғига етди.

Тасодифан мазкур аёл бешинчи марта ҳомиладор бўлганда менинг ҳузуримга келди. Ҳомиласи беш ойли бўлган экан. Аёлдан қон олдим ва мўътадил миқдорда қон олгач, қон олишни тўхтатдим. Сўнг тоза қон пайдо қилувчи овқат ва бадан қонини тозалайдиган даволарга буюрдим. Аллоҳ таъолонинг марҳамати билан бу гал туғилган фарзанди бадани тоза ва ўзи саломат ҳолда туғилди. Умри ҳам узун бўлди.

Шундан сўнг яна икки фарзанд кўрди. Ҳар гал ҳомиласи беш ойлик бўлганда қон олдирди. Бу фарзандларнинг умри ҳам боқий бўлди. Бошқа жойларда ҳам шунга ўхшаш ҳодисалар юз бергани кузатилди.

Бу ҳикоят зимнида қоида мавжуд бўлгани учун сўз узайса ҳам бу ерда келтирилди.

Ҳомиладор аёлга зулук қўйиш

Зулук қўйиб олинган қон ҳам қортиқ қўйиб олинган қоннинг ҳукмидадир. Бироқ қортиқда баданни тиф билан тилиш оғриғига ва қонни тортишига чидолмаса, аммо зулукнинг озорига сабр қилса зулук қўйиш яхшироқдир, аслида эса қортиқ афзал бўлади. Чунки зулук кичик жойни тишласа ҳам чуқур тишлайди. Бинобарин, кўпинча ундан тўхтамай қон оқади. Бу эса ҳомила учун яхшимас.

Сурги дори бермасликнинг сабаби

Ҳомиладор аёлни сурги ичишдан манъ қилишнинг сабаби шуки, бачадон билан ичакнинг бир-бирига яқинлиги, бинобарин, фойда ва зарарда бир-биридан таъсир олишда ўзаро шериклик бор. Мусҳилдан юз берадиган ўзгариш ва ичкетишидан ичакда бўладиган аҳволдан бачадон ҳам таъсирланиб заиф бўлади. Ушлаб турувчи қувват бачадонни тутиб туришга қодир бўлолмай, уни ўзидан бўшатади. Натижада ҳомила ўзининг табиий оғирлиги билан тушади.

Бундан ташқари қучли сурги дорилар заҳардан холий бўлмайди. Фақат ундаги заҳар кам бўлганидан маълум миқдорда ичган кишида сезилмайди, аммо кўпи ҳалок қилади. Демак заҳарли нарсаларнинг истеъмолидан ҳомиладор аёлга тўлиқ тақиқ бор. Фақатгина ҳомиладор аёлнинг ичи қабз бўлиб қотса юмшатувчи нарсани истеъмол қилиш манъ қилинмайди, балки унга буюрилади. Ични юмшатиш доимо лозим ва кўп фойдага эга.

ҲИКОЯТ

Ҳаким Муҳаммад Акбар Арзоний (Аллоҳ унга раҳмат қилсин) ёзадиларки, бир аёл киши бўлиб, икки фарзандини ўз табиий одати бўйича соғу саломат туғди. Сўнг унда бир нотабиий одат юз бериб, ҳар гал ҳомиладор бўлса, ҳомиладорликнинг олтинчи ойига ўтганда ичи қотиб, етти ойда боласи тушиб кетар эди. Шу тартибда учта боласидан жудо бўлди. Тўртинчи фарзандга ҳомиладор бўлганда бу фақирга мурожаат қилиб, бошидан ўтганини баён қилди.

Мен аҳволнинг ҳақиқатидан огоҳ бўлиб, унинг ҳомиласи олти ойга қадам қўйганда аввало бироз пиширувчи дори бериб, сўнг фулуси хиёршанбарнинг уруғини бодом ёғига қўшиб бердим. Шу куни уч-тўрт марта ичилди. Бир ҳафтадан сўнг иккинчи марта яна ўша доридан бердим. Шу билан унинг ич қотиши йўқолди ва еттинчи ойга саломат ўтди. Тўққизинчи ойда ҳомиласи ҳам одатга мувофиқ саломат туғилди. Бошқа кўп жойларда ҳам ҳомиладор аёлга юмшатувчи дорилардан берилиши уларни кўп офатлардан омон бўлишларига сабаб бўлгани кўрилди. Шунинг учундирки, ҳомиладор аёллар ичларини мулойимроқ қилиб юришларини лозим деб биладилар.

“Қонуни Боситий” китоби муаллифи Боситхон табибнинг

фикри: Мен мискиннинг фикрим шуки, агар ҳомиладор аёлга ични юмшатиш лозим бўлса шўрва ёки бошқа муносиб овқатлар билан мақсад ҳосил бўлса яхши. Бошқа юмшатувчи дорилар истеъмол қилса яхши бўлмайди. Агар айтилган овқатлар кифоя қилмаса ширхишт, яъни янтоқшакар ёки сутнинг зардоби каби нарсалардан ичириш керак. Хиёршанбардан ҳам озроқ ичириш мумкин. Бироқ бодом ёғидан қўшиш, ҳомиладор аёлнинг хиёршанбар ичишга қадимдан одат қилган бўлиши, юрак буруғ касалига одат пайдо қилмаган бўлиши шартдир. Умуман, мизож ва одатга риоя қилиш ҳамма вақт зарурдир ва ҳар дамда унинг мулоҳазаси вожибдир.

Яна ҳомиладор аёлга тamarҳиндийни гулқандга қўшиб ёки таранжубинни гулобда эритиб ичириш ҳам мумкин. Лекин ҳаммадан яхшироқ, аксар мизожга мувофиқроқ ва ҳар доим топиш мумкин бўлган нарса ҳомиладор аёл учун қизилгулдирки, унинг қуритилганидан ҳожат ва табиат тақозоси бўйича уч дирам ёки кўпроғини бир кеча гулобда ивитиб қўйиб, тонгдан сўнг сув қўшиб, яхшилаб эзиб, мулойим ва майда қилиб, бироз қанд ёки новвот билан ширин қилиб икки уч марта едирилса беозор ва фароғатли ҳолда ични суради. Ични суришига қарамай, ҳомилани, қувватларни ва ички аъзоларни муҳофаза қилади. Агар гулнинг мавсуми бўлиб, ҳўл гул муяссар бўлса ва айтилган усулда эзиб берилса қуритилган гулга нисбатан бақувватроқ ва фойдалироқ бўлади. Бу фақир кўп марталаб тажриба қилган.

Бинафша ва гулхайридан эҳтиёт лозим

Баъзи юмшатувчилар борки, уларни ҳомиладор аёлга берилиши мутлақо нораводир, масалан, бинафша, гулхайри кабиларни, ҳар бир нарса, агар ширадор бўлиб, болани бачадондан тойдирадиган ва меъдани заиф қиладиган бўлса уни истеъмол қилиш ва истеъмол қилишга буюриш ҳаром каби манъ қилинади.

Аммо, бинафшадан манъ қилишнинг асл ҳикмати шуки, бинафша юрак учун мувофиқдир. Баъзи мизожда эса қайғу ва ғам пайдо қилади, меъда ва ичакларни заиф қилади.

Уларнинг заифлиги эса ёндошлик ва шериклик сабабидан таъсир олиб, бачадон ҳам заиф бўлади. Бу ҳолатларда бола тушишининг хавфи бор.

Аммо гулхайридан манъ қилинишининг сабаби шуки, гулхайри ҳайз очувчидир. Ҳар қандай нарса, агар бачадон томирларининг оғзини очиб, ҳайзни ҳайдаса, бола тушишига ҳам сабаб бўлиши мумкин. Хусусан, ҳомиланинг бошланғич даврида ё беш ойдан зиёда вақт ўтганда, алалхусус, ҳомиладор аёлда бола ташлаш одат бўлса, мизожи заиф бўлса, бундай пайтда хатар кўпроқ бўлади. Ҳомиладор аёл учун бошқа баъзи истеъмоли муносиб бўлган ёки ундан сақланиши лозим бўлган нарсаларни куйироқда муфассал баён қиламиз, иншааллоҳу таъоло.

Қусишдан манъ қилиниш сабаби

Ҳомиладор аёлни қусишдан манъ қилишнинг сабаби шуки, қусиш баданни ҳаракатга киргизади. Бинобарин, қусишни табиблар зилзилат ул-бадан (бадан зилзиласи) деб атаганлар. Демак бошдан оёқ баданни ҳаракатга киргизгани, жумладан, бачадонни ва болани ҳам ҳаракатга киргизгани учун болани ҳам тушириш хавфи бор. Бироқ ҳомиладор аёлга қусиш ўз-ўзидан келса, яна беозор ва осон бўлса, уни қайтармаслик керакки, табиатга зарарли бўлган бузуқ ортиқча моддага табиий қувват ғолиб бўлиб, уни йўқ қилишга юзланган бўлади. Демак уни тўхтатиш табиатни мағлуб қилиш бўлади ва табиат тақозосига қарши ҳаракат мумкин эмас. Борди-ю қусиш ҳаддан ошиб, ҳомиланинг тушиш хавфи бўлса, бу тақдирда муносиб шарбатлар билан тўхтатиш лозим бўлади.

Демак ихтиёрсиз қусишнинг ўзи ҳомиладор аёллар учун шу қадар мумкин бўлмаса зўр қустирувчи дориларнинг истеъмоли янада ҳаром даражада мумкин эмас. Фақат қусиш учун зўрроқ зарурат юз берса бу ҳолда камқувватроқ, енгилроқ ва камозорроқ дорилар билан эҳтиёт бўлиб қусишга рухсат берилади.

Ҳомиладорликдаги умумий тадбир

Билмоқ керакки, ҳомиладор аёллар учун умумий тадбир шуки, улар доимо ичларини мўтадил ҳолда мулойим қилиб юришлари керак. Бунинг учун энг яхши нарса серёғ шўрва ичишдир. Яна доимо мўтадил даражадаги риёзат билан машғул бўлиш ва оҳиста пиёда юриб туриш сазовордирки, бағоят фойдалидир. Чунки бу мўтадил ҳаракатлар билан баданнинг ва бачадоннинг табиий ҳарорати зиёда қувват ҳосил қилади ҳамда ҳомилани ушлаб туриш учун қувват ҳосил қилади. Овқатни яхши ҳазм қилиб, ундан пайваста янги ва тоза қон ҳосил қилишга, бу қондан эса ҳомилага озик етиб, ҳомилани тарбия қилишга, ҳомила учун зарарли ва тушиб кетишига сабаб бўладиган чиқинди ширадор рутубатларни бачадондан эритиб тарқатишга шу ўртача риёзат ва оҳиста пиёда юриш сабаб бўлади.

Аммо ортиқча риёзатдан сақланиш лозимки, у ортиқча тарқатишга ва қувватнинг заиф бўлишига сабаб бўлиб, ушлаб турувчи қувватнинг ожиз бўлишига ва боланинг тушиб кетишига сабаб бўлади.

Ҳомиладор аёл ҳаммомга тушмасин

Яна ҳомиладор аёлга лозимки, ҳаммомга тушишни ўзига ҳаром деб билсин. Чунки ҳаммомнинг иссиғи баданни суст ва қувватни заиф қилади, жумладан, бачадонни ҳам бўшаштиради ва ҳомилани ушлаб турувчи қувватни заифлаштиради. Яна ширадор рутубатни эритиб, баданда оқиб турувчи қилади, жумладан, бачадон йўлидан ҳам оқизиб, йўлни тайғоқ қиладики, бу нарсаларнинг ҳаммаси ҳомиланинг тушиб кетиш эҳтимолига яқиндир.

Хусусан, бачадоннинг чиқинди моддасидан буғлар кўтарилса бачадон, юракка ва мия ўртасидаги томирлар воситаси билан мазкур буғлар юрак ва мияга етиб беҳуш қилади. Беҳушлик эса ҳомила учун жуда хавфли ва бундай ҳолатда кўпинча бола тушади. Фақатгина бола тўлиқ етилса ва туғилишига фурсат яқин қолганда ҳаммомга тушиш баъзи аёлларга яхши фойда қилади ва таваллуднинг осон бўлишига сабаб бўлади.

Ҳомиладор аёлларнинг соч парвариши

Яна, маълумки, аёлларнинг кўпчилигида шундай одат борки, бошларига баъзи ёғлардан суртиб, сочларини созлаш ва жило беришга машғул бўладилар. Ҳомиладор аёлга муносиб шуки, ёғни камроқ суртиши, балки умуман суртмасин. Чунки мазкур ёғда анчагина қуюқлик ва ширалик борки, бу билан соч толаларини тартибли ва рангини чиройли қилади. Демак шу ғализлик ва ширадорлик тери тешикларини бекитиб қўйса тарқаша керак бўлган сувли буғларнинг мияда қамалиб қолишига, йиғилишига ва ундан назла пайдо бўлишига сабаб бўлади. Агар бу назла ўпка томон оқса шиддатли йўтал пайдо қилади. Ҳеч шубҳа йўқки, шиддатли йўтал баданни силкитиб, ҳаракатга келтиради, жумладан, бачадонни ва болани силкитиб, беором қилади ва болани тушишга тайёр қилади. Шунинг учун табиблар ўз истилоҳларида йўтални мазаъза ул-бадан (баданни силкитгувчи) дейдилар.

Аммо ҳозирги замонда бу тариқа ёғ суртиш бағоят ривож топганидан баъзи аёллар учун табиий одат даражасига етган бўлиши мумкин. Демак ҳомиладор аёлга ҳам шу нарса одат бўлса унинг учун бу одатни бирданига тарк этиш оғир, балки бош оғриғи ва бошқа офатлар боис бўлар. Шунинг учун бу дарвиши камандиш назарида маъқул иш шулки, ёғлашга одат қилган аёл ҳомиладор бўлса бу одатни тарк қилмасин, балки суртадиган ёғини ислоҳ қилсин, яъни миянинг латифлигини ва қувватини ошириб, тешикларини очадиган дорилар, масалан, туёқўт, долчин, зарованд, рум райҳони, шивит ва бошқалардан қайси бири муяссар бўлса, уни сувда қайнатиб, кучини сувга ўтказиб, сўнг сузиб, сувини ўша одат бўлган ёғ билан қайнатсин, сув тамом йўқолиб, ёғнинг фақат ўзи қолганда, мазкур ёғдан бошга суртилса фойдадан ўзга ҳеч нарса бўлмайди.

Бу ёғнинг очувчилик таъсири аввалги ёғнинг тешикларни бекитувчи таъсирига қарши созловчи бўлади. Мияни латиф қилувчи ва кучайтирувчи таъсири нафсоний ҳамда табиий қувватларни бақувват қилиш билан ҳомилани ушлаб турилишига ва сақланишига кўмак қилади. Назла ва тумов пайдо қилмайди.

Ҳомиладор аёл амал қилиши зарур нарсалар

Яна ҳомиладор аёлга зарурки, сакраш, йиқилиш, туртилиб зарба ейиш, жинсий алоқа, хусусан, ортиқча ҳаракат ва узоқда тугайдиган жинсий алоқадан, буларнинг ҳаммасидан гоятда эҳтиётлик билан сақланиши лозим. Аммо сакраш, йиқилиш ва тўқнашишдан сақланишнинг сабаби аёндирки, булар болани силкитиб кўзготади ва туширади.

Аммо жинсий алоқадан сақланишнинг сабаби шуки, катта лаззатдаги ҳолат шундайки, унга нафс, табиат ва қувватга кучли рағбат билан юзланади ва мойил этади ва ўзларининг асл вазифаларини унутадилар. Бинобарин, уруғ ажралиш вақтида бадан тамом бўшашиб, қувватда заифлик пайдо бўлади. Хусусан, кўп ҳаракатли алоқада лаззат ҳам кўпроқ ҳосил бўлиб, баданни кўпроқ бўшаштиради. Жумладан, бачадоннинг ўзи ҳам бўшашиб, ушлаб турувчи қуввати камайишга мойил бўлади ва бола тушади. Яна бачадондан сизиб чиққан мазий ва оқишдан ҳосил бўлган манийлар йўлни тайғоқ қилиб, боланинг тушишига йўл очади. Ҳатто, лаззат олишда шу қадар таъсир бўладики, борди-ю табиатга ёқимлироқ бир таомнинг ҳидини қаттиқроқ ҳидласа шу ҳиддан ҳосил бўладиган лаззат бола ташлашга сабаб бўлиши мумкин.

Огоҳлантириш: Баъзилар бу сўзга шубҳа билдириб, бу ишларни бутун олам халқи қилади, аммо ҳеч қандай зарар кўрмайди, энди нима учун ҳомиладор аёлни бу нарсдан манъ қилиш керак, десалар, уларга жавоб шуки, узоқни кўрувчи табиблар шундай эҳтиёт чораси билан оқибат ҳақида фикрлайдиларки, замирида салгина зарар бўлган нарсалардан ҳам одамларни қайтардилар. Гарчи бу зарар озгина бўлиб, сезилмаса ҳам, келгусида даража билан кўпроқ зарарга сабаб бўлиб, бир катта офатни туғдирадиган бўлсин, хоҳ зарари қатъий ҳолда бўлмасин, балки эҳтимолли бўлиб, гоҳида баъзи одамдагина юз берадиган зарар нарса бўлсин, барибир огоҳ қиладилар. Жинсий алоқанинг зарари, баъзида оз бўлса ҳам, ақл ва тажриба юзасидан борлиги аниқдир.

Ҳомиладор аёл ўта тўйиб емасин

Яна ҳомиладор аёл тўйиб таом ейишдан, ғазабланишдан, ғамдан ва бошқа нафсоний ишлардан иложи бориचा сақланиши лозим. Чунки тўйиб овқат ейишдан меъда чўзилиб, ҳажми зиёда бўлади, бачадонни босиб, ичидаги болани сиқиб қўяди. Демак шу тўқлик ҳолатда меъда ҳазм қилишга ноқис бўлса таомдан ел кўпроқ пайдо бўлиб, меъданинг ҳажмига кўшимча бўлиб, бачадонни кўпроқ сиқиб босса, болани тушириб юборади. Ёки шу тўқликда таомнинг ҳазмига меъда бутунлай ожиз бўлса ҳазм бўлмасдан ночор ташқарига чиқади, ич кетиши юз беради ва ич кетишнинг болага зарари юқорида айтиб ўтилди.

Ортиқча тўқ ҳолатда бирор сабаб билан қаттиқ атса урса ёки йўталса ўпканинг ҳаво билан тўла ҳолидаги ҳажмининг меъдага борган зарбаси меъданинг ҳажми ва сиқишига кўшилиб, бачадонни босиб, болани сиқса кўп ҳолда бола тушади. Яна кўп овқатдан кўп чиқинди рутубат пайдо бўлиб, бачадонга бориб, уни суст қилади ва ушлаб турувчи қувватни заиф қилади. Шираси билан бачадон йўлларини тайғоқ қилиб, ҳомилани тушишга ҳозирлайди.

Ўта шодликдан ҳам эҳтиёт бўлиш керак

Аммо кучли шодликда маҳбубга тезроқ етишиш шавқи учун руҳ ва нафс, унга эргашиб қон ҳам ташқи томонга ёйилади ва майл этади. Шунинг учун шодликда юз қизил бўлади. Агар шодликнинг сабаби муҳимроқ бўлса нафс, руҳ ва қувватни шавқ билан ташқи томонга қилган тўлқинидан баъзи ихтиёрий ёки ихтиёрсиз ҳаракатлар содир бўлади. Масалан, ханда, қаҳқаҳа, қичқириқ, рақс, сакраш каби ҳаракат нафсоний қувватдан содир бўлади.

Шодликка сабаб бўлган маҳбубга етишишнинг лаззатига руҳ ва қувватлар шундай интилиб, мойил бўлсалар ва аввалги хизмат ва вазифаларни тарк қилсалар тамоми баданда сустлик, ғайри табиий ва ғайри ихтиёрий ҳаракатлар бўлиши ва жумладан, бачадон ҳам суст ва ушлаб туриш қуввати заиф бўлиб, ҳомилани кўйиб юбориши, ҳомила ночор ўз табиий

оғирлиги билан тушиб кетиши мумкин. Шодлик сабаби жуда муҳим ва шиддатли бўлса руҳ ва қувват бу ёқимли нарсага тез етишиш учун катта шавқ билан бадандан чиқиб кетадики, шодмарг (шодлик ўлими) шундан иборатдир.

Ўта ғазаб ҳам зарарли

Шунингдек, ғазабда ҳам хориждаги нафратли воқеадан нафс ўч олиш билан қаршилиқ кўрсатиш учун бадан юзаси томонга юз тутади ва мойил бўлади. Унга эргашиб руҳ, қувват ва қон ҳам ташқарига юз тутади. Агар ғазабда нафс ўша нафратли нарсани дафъига қодир ва ваҳимасиз бўлса қон ва Қувватлар бадан юзасига жуда шиддатли тўлқин билан юзланади. Бинобарин, юз қизариб, тутақиб туради. Қувватларнинг тўлқинидан баданда иродасиз титроқлар пайдо бўлиб, гўё бу ҳаракатлар ташқаридаги нафратли воқеани дафъи учун нафс диққатининг намунаси дир.

Демак, агар ташқаридаги нафратли нарсадан нафснинг эҳтиёжи бағоят шиддатли бўлса барча қувватларини қаршилиқка ва мудофаага сарф қилади. Бадандаги мудофаа қуввати ҳаракатга тушади. Ушлаб турувчи қувват заиф ва мағлуб бўлади. Шу пайтда бачадоннинг мудофаа қуввати нафратли нарсага қаршилиқ кўрсатиш учун бадан ташқарисига чиқса, бир гал ваҳиманинг ғалабаси билан нафратли нарсадан сақланиш учун бадан ичига қайтишга сарф бўлиб, нафс ва табиат изгиробда қолади.

Маълумки, агар қувватлар нафрат билан бадан ичига ва бадан маркази бўлган юракка қайтсалар бадан атрофида қувват кам қолади. Ҳеч бир аъзо ўзида бўлган омонатни сақлашга қодир бўлолмайди. Чунончи, шиддатли қўрқинчда қовуқ ўзида омонат турган сийдикни тутиб туришга қодир бўлолмай, дарҳол сийиб юбориши ва ичаклар ўзида бўлган чиқиндини туголмай, беихтиёр чиқариб юбориши кузатилган. Шунингдек, бачадон ҳам болани тутиб туришга қодир бўлолмай, тушириб юбориши яқин эҳтимолдандир.

Агар ғазаб шодлик билан бирга бўлса мудофаа қувватининг ғолиблиги сабабли тушиш бўлади. Агар ғазаб ваҳима билан бирга бўлса баданнинг камқувватлиги сабабли тушиш бўлади.

Агар ваҳима, ғам, қайғу кўп юз берса ҳам, шунингдек, ташқи кулфатдан халос бўлиш умиди узилгани сабабли нафс, руҳ ва қувватлар бадан ичига қайтиб, бадан атрофининг тутувчи қуввати заифланиши сабабли бола тушишининг хавфи бўлади. Демак бундай ҳолатлардан иложи борича узоқ туриш ҳомиладор аёлга шартдир. Хусусан, ҳомила муддати тўрт ойга тўлмаган вақтда ва олти ойдан ўтган вақтда, алалхусус, ҳомила вақти бир ойга тўлмаганда асло мумкин эмас.

Яна ҳомиладор аёлга шу нарса сазоворки, бел, биқин ва қоринлари устидан мулойим шол ёки бошқа нарсани ўраб юрсин, токи ташқи ҳавонинг совуғи ҳомиладор аёлнинг қорнига ва бачадонига таъсир қилмасинки, бу яхши эмас. Болани ушлаб турилиши учун мазкур шол кўмак қилади.

Ҳомиладор аёл еб-ичишда парҳиз қилиши керак

Ҳомиладор аёл таъми аччиқ, ўткир, тахир ва турли нарсалардан, масалан, қалампир, мурч, ковул, турмус (Миср боқласи) ва хом зайтун каби нарсаларнинг истеъмолидан ва яна ҳайз ҳайдовчи нарсалардан, чунончи, ловия, нўхот ва кунжут кабиларнинг истеъмолидан сақланиши керак. Овқатлардан гўштнинг қайнатма шўрваси, хусусан, парранда гўштининг шўрваси каби ориқлиги кўп ва тезҳазм овқатларга қаноат қилади. Доимий тўйиб ейишдан ва ҳазми оғир овқатдан парҳез қилади, ногоҳ бўкиш ҳамда ҳазм бузилиши рўй бермасин ва бундан ҳайза юз бермасинки, ҳомиладор аёл учун зарар қилишда ҳеч бир касаллик ҳайза (бўкиш)дан ёмонроқ эмас.

Мевалар жинсидан майиз, ширин беҳи, нок, ширин олма ва турш олмани қўшиб ейиш, анорнинг ҳам аччиқ ва ширинини қўшиб истеъмол қилиш яхшироқ. Шунингдек гулқандга уд ва мастакий қўшиб, меъдага қувват бериш ва меъдада йиғилган моддаларни эритиб тарқатиш учун қуввати оширилган бўлса, шулардан ҳомиладор аёлга бериб туриш лозим.

Гоҳ-гоҳ баданни иситадиган, қобиз ва хушбўй даволардан марҳам қилиб, ҳомиладор аёлнинг қорнига чаплаш лозим.

Фойда: Ҳомила сабабли ҳомиладор аёлларда пайдо бўладиган касалликларнинг баёнини табиблар одатда касалликларни даволашнинг аёлларга махсус бўлган касалликлар бобида баён қиладиларки, бу жузъиёт (майда қисмлар) бобидир. Бу фақир ҳам бу жой куллиёт (назарий) қисм бўлгани учун уларни баён қилишдан қўл тортдим. Унинг баёнини жузъиёт бобида муфассал баён қиламан, иншааллоху таъоло.

Бироқ бу жойда ҳомиладор аёлларда пайдо бўлувчи баъзи иллатларга тааллуқли тадбирларни баён қилишни муносиб кўрдимки, бу китобни ёзишдан мақсад умумий ҳолатларнинг тадбирларидан огоҳ этишдир.

Кўнгил айнаш ва қусиш (бошқоронғулик) тадбири

Билмоқ керакки, ҳомиладор аёлларнинг кўпида кўнгил айнаш ва қусиш юз беради. Агар зарурий бўлмаса уни тўхтатишга асло уринмаслик керак. Хусусан, ҳомиладорликдан тўрт ой ўтмаган бўлса уни зинҳор йўқотишга уринмаслик керак. Чунки бу вақтларда зарарли модда қусиш билан йўқ бўлиб туради. Агар уни йўқотишга уринилса бу бадан тарбияси ва тозаланиши учун табиатнинг киришуви ва одатига хилоф бўлиб, табиий қувват заиф ва йўқ бўлади. Бачадон ва бадан мазкур модда билан тўлиб, шу модданинг тайғаноқлиги билан ҳомила тушиб кетади.

Агар қусишнинг кўплиги сабабли қувватнинг заиф бўлиши ва қусишнинг шиддатли ҳаракати билан ҳомиланинг қўзғалиш хавфи бўлса ёки ҳомила муддатидан тўрт ой ёки зиёда вақт ўтган бўлса, у пайтда қусишни тўхтатиш учун муқаррар бўлган нарсалар билан тўхтатиш лозим бўлади. Агар қусиш юз бермай, фақат кўнгил беҳузурлиги қийнаса ва бирозгина кўмак билан қусиш осонроқ муяссар бўлса шивит уруғи ва турп уруғи билан қусиш мумкин. Чунки бу икки уруғ гарчи ҳайз очувчи бўлса-да, бироқ улар жигарга етмай, қусиш билан қайтиб тушади ва ҳайзга таъсир этмайди. Чунки ҳайз ҳайдаш учун аввало жигарга бориб, жигардан мосариқо томири орқали бачадонга ва қовуққа етиши шарт, йўқса, ҳайз ҳайдолмайди.

Агар таом егандан сўнг қусиш кўпроқ содир бўлса, овқатдан сўнг қобиз ва хушбўй нарсалардан, масалан, оловга кўмиб, кабоб қилинган беҳидан тановул қилиш, хусусан, уни кабоб қилаётган вақтда уднинг шохини бир неча ерига суқиб туриб қилинган бўлса қусишни тўхтатиш учун фойдали ва тажриба қилинган.

Яна қўл ва оёқнинг гўштарини доимо сиқиб, босиб-босиб туриш, пиёда оҳиста йўл юриш каби оҳиста ҳаракатлар хилларни камайтириши ва тортиши сабабли қусиш ва кўнгил айнашни қолдиради.

Яна меъдани бақувват қиладиган нарсалардан меъданинг устига боғланса ва анорнинг дони билан ялпизни баробар вазнда кўшиб, оғизга солиб шимилса ва гилватани чарви ёғи билан кўшиб яланса ҳам қусиш ва кўнгил беҳузурлигини қолдиради.

Бузилган иштаҳани тuzатиш тадбири

Билмоқ керакки, ҳомиладор аёлларнинг баъзиларида, хусусан, қиз болага ҳомиладор бўлганларида бир бузуқ иштаҳа пайдо бўладик, табиатлари доим кесак ва лой ейишни тақозо қилади. Агар бу иштаҳа салгина бўлса тадбир учун ҳаракат қилиш лозим бўлмайди, чунки бола камолга етиши билан бу иштаҳа ўз-ўзидан йўқ бўлади. Иштаҳа зўр бўлса у тақдирда гулқанд ёки ҳомиланинг ҳолига муносиб бўлган бошқа енгил дорилар билан меъдани тозалаш лозим. Тозалашдан сўнг меъдани турш таъмлиқ нарсалар билан ислоҳ қилиш керак. Бунинг учун гўр узум сувининг қиёми ва шарбати фойдали ва синалганки, гўр узум сувига шакар ёки асал солиб қайнатилган бўлади. Бачадоннинг ушлаб турувчи қувватини ҳам бақувват қилиш билан боланинг сақланишига ҳам ажойиб таъсири бор.

Агар аёлнинг лой ва кесак ейишига орзуси зўр бўлса унинг бадалига қуруқ крахмал (нашоста) ейиш ҳам бу орзунини сўндиради, яна болани сақлаш ҳамда меъдани тозалаш учун ҳам фойдалидир. Гоҳида ўткир таъмли бўлган нарсаларни, масалан, хардал (горчица) ва шунга ўхшашларнинг истеъмоли ҳам бузилган хилларни меъдадан кўчириши сабабли мазкур иштаҳанинг йўқолишига фойда қилади, бузилган иштаҳага

тўсиқ бўлиб, чин иштаҳа пайдо қилади. Лекин эҳтиёт учун мумкин қадар ўткир таъмли нарсалардан сақланиш лозимки, чунончи юқорида айтиб ўтилди.

Иштаҳа йўқолишини даволаш тадбири

Билмоқ керакки, агар ҳар вақт ҳомиладор аёлнинг иштаҳаси йўқ бўлса дарҳол серёғ овқат ейишдан ва ўта ширин нарсани истеъмол қилишдан тўхтатиш лозим. Пиёда оҳиста юриб, мулойим ҳаракат қилишга буюриш керак. Суюқроқ райҳоний шаробидан оз-оз ичириб туриш фойдали, бу кўнгил айнаши ва қушишни сўндиради. Кўп ичиш эса зарардан холий эмас.

Шунингдек, агар муяссар бўлса овқатдан олдин ва кейин оздан зарованднинг тановули ҳам иштаҳа пайдо қилади. Яна меъданинг устига беҳи мевасини, қиннаб баргини, қамишни (қасаб уз-зарира) ёки сунбулни эски райҳоний шаробига қўшиб, боғлаб қўйиш ҳам меъданинг қувватини ошириб, иштаҳа пайдо қилади.

Шунингдек, ҳар қандай даво, агар бироз қобиз ва мизожи бироз ҳароратга мойил бўлса, меъдага қувват берувчи ва иштаҳани очувчи бўлса, ундан едириш мумкин.

Хафақоннинг тадбири

Билмоқ керакки, баъзида ҳомиладор аёл меъдасининг юқори қисмига бир хилт ёпишган бўлиб, меъданинг юракка шериклиги сабабли меъдадаги бу хилтдан юракка озор етади. Юрак беҳузур бўлиб, шиддатли ҳаракат қилади ва ҳомиладор аёл хафақони шундан иборатдир.

Маълумки, ҳомиладор аёлнинг бачадонида ҳарорат кўп бўлади. Ҳомила ва йўлдошнинг ҳарорати ҳам унга кўмакчи бўлади. Бачадондаги чиқинди рутубатни қизитиб, ундан ҳарорат ва буғ ҳосил қилади. Меъдани бачадонга ширкати (шериклиги) кўп бўлгани учун бачадондан кўтарилган ҳарорат ва буғлар меъдага таъсир қилиб, ундаги хилтни ҳам қизитиб, рутубатни таркатади ва моддасини қуюлтиради. Лекин меъданинг паст қисми кўпинча таомдан бўш бўлмагани учун ундаги хилт овқат рутубатидан ислоҳ топиб ва овқатга қўшилиб йўқ бўлиб туради.

Аммо меъданинг юқори қисми кўпинча овқатдан холий бўлгани учун таркиби гализ ва ширадор бўлиб, бу ерда боқий ва мустаҳкам бўлиб, юракка таъсир қилиб, хафақонга сабаб бўлади. Бу хилдаги хафақон қайноқ сувни хўплаб-хўплаб ичиб туриш билан йўқ бўлиб кетади. Чунки қайноқ сув доимо етиб туриши билан уни оҳиста эритиб ҳамда суюлтириб меъдадан йўқ қилади. Ҳатто баъзи ҳомиладор аёлнинг хафақони қайноқ сувдан ичиш билан тезда йўқолади.

Шунингдек, мўътадил риёзат ҳам мазкур хафақоннинг йўқолишига кифоя қилади. Агар булар билан хафақон босилмаса юракни даволаш керак бўлади.

Меъда ва ичакда юрадиган ел тадбири

Билмоқ керакки, баъзи ҳомиладор аёлларга ҳомилани оғирлигидан бачадонга ва табиатга малоллик юз бериб, табиат барча диққатини бачадонга ва ҳомилани сақлашга сарф қилиб, меъда тарбиясига диққати камаяди ва меъда заифлашади. Ёки бачадоннинг ҳарорати меъдага кўпроқ таъсир қилиб, овқатни қайнатиб, ундан ел (бод) ва буғлар ҳосил қилади. Бас, бу бодлар меъда ва ичакларда қамалиб айланиб юради. Буни йўқотиш учун меъдага қувват берадиган талқон дори (суфуф)лар, зира маъжуни (маъжуни каммуний) ва шунга ўхшаш меъдага қувват берувчи ва елларни тарқатувчи нарсалардан кейин озгина овқат истеъмол қилиш фойда қилади. Аммо мўътадил миқдордаги ҳаракат бағоят фойдалидир.

Баъзи ҳомиладор аёлларнинг оёғи юзида пайдо бўладиган шиш тадбири

Уни йўқотиш учун карам баргини сувда қайнатиб, пишириб, боғлаш ёки зира дарахти ширасини карам суви билан эзиб суртиш ёки сабри Сақутарий, фуфал ва сандал каби нарсаларни инаб ус-саълаб, яъни итузумнинг суви билан қўшиб суртиш керак. Ёки гул ёғини сиркага қўшиб суртиш ва тузни сиркада эритиб суртиш ёки эски набизни сиркага қўшиб суртиш кифоя қилади ва шишни тарқатиб, йўқ қилади.

Аёллар жинсий аъзосидаги қичишиш ва оловланишнинг тадбири

Билмоқ керакки, бачадоннинг ҳарорати баъзида паст томонга таъсир қилиб, ҳомиладор аёлнинг фаржи (жинсий аъзоси)да қичишиш ёки қизамиқ каби тошма ва жароҳат пайдо қиладики, бу гўё захм каби қўйиб, шуъла ва хориш билан бетоқат қилади. Бу қичишиш ва қуйиш гоҳида фаржнинг ичида ва гоҳи ташида пайдо бўлади.

Бу иллатни йўқотиш учун хитмий, яъни оқ гулхайрининг илдизи ширасини ёки саршуй гулини махсус жойига суртиш керак. Шунингдек, саршуй гулини қувада пишган айронда ёки итузумнинг сувида ёки тарвузнинг сувида ивитиб, бу сувга беморнинг ўтириши бағоят фойда ва тез таъсир қилувчидир. Фаржнинг ташини ва ичини шу даво билан намлаб туриш кўпинча қичишиш ва қуйишишни йўқ қилади. Агар бу билан тезроқ йўқ бўлмаса, қонни бироз камайтириш зарур бўлса, қон олиш ҳам жоиздир. Аммо махсус жойига зулук қўйиб қон чиқариш ҳомиладор аёл учун раво эмас.

Қориннинг катталашуви ва таранглашувининг тадбири

Билмоқ керакки, гоҳида буғлар ва боланинг оғирлиги сабабли орқа мушакларда ва қоринда тўлалик ва таранглик пайдо бўлиб, бундан ҳомиладор аёлда чарчаш ва зўр малоллик юз беради. Демак бу ҳолда қорин ва биқинларига гул ёғи суртиш, эчкининг тезаги ва арпа унидан хамир қилиб, ундан нон пишириб, нонни иссиқ ҳолда латтага ўраб, мушакларга оҳиста босиш керак.

Овқат учун латиф овқатдан камроқ миқдорда ейишга қаноат қилиш, бошқа овқатдан ва кўк ейишдан сақланиш керак. Орқанинг, бўйиннинг, елка ва қўл елка қисмининг гўштлирини қаттиқ уқалаш ва ишқаш кўп фойда беради.

Қон кетишнинг тадбири

Билмоқ керакки, ҳомиладор аёлларда гоҳида боланинг ва йўлдошнинг ҳажми ва оғирлиги сабабли бачадонда чўзилиш ва таранглик пайдо бўлиб, бачадон томирларининг оғзи очилади

ва ундан қон сизиб, оқиб чиқади. Қон бачадонда йигилиб, сўнг ташқарига оқиб чиқади. Демак, тўхтатиш учун ясмиқ ва анорнинг гули, анор пўсти, қуритилган анжир, ҳалила, мози, бузғунаж ва аччиқтошни, агар муяссар бўлса ҳаммасидан тенгма-тенг миқдорда қўшиб, фақат мавжуд бўлганларини аввал сувда ва сиркада қайнатиб, сўнг сувига ҳомиладор аёлнинг ўтириши ҳамда чўкмасини эзиб, қовуғига суртиши керак.

Агар қон кўпроқ оқиб, уни тезроқ тўхтатишга зўр эҳтиёж бўлса бу пайтда ҳар икки қўлнинг қўлтигидан маҳкам бўғиб боғлаб, ҳар икки сонни ҳам юқорисидан маҳкам боғлаш керак. Шунда оёқ ва қўллардан қон танага ўтишига тўсиқ бўлса, фақат тананинг қони бироз оққандан сўнг боқий қонни бадан тортиб тўхтатади ва оқишига йўл қўймайди. Баъзилар ҳатто ҳар икки эмчакни ҳам остидан бўғиб боғлашни буюрадилар. Каҳрабо кулча дориси ҳамда бошқа ҳайзни боғлайдиган дорилардан ҳам бериш лозим бўлади.

Огоҳлантириш. Билмоқ керакки, ҳомила муддати саккиз ойга тўлиб, тўққизинчи ой бошланганда ҳомиладор аёл ширин бодомнинг ёғидан уч дирамдан ичиб туриши лозим. Турш емишлардан ва қуюқ нарсалардан парҳез қилиши керакки, бундай тадбирлар фарзандни беозор ва гоятда осонлик билан таваллуд топишига сабаб бўлади.

Шунингдек, сигирнинг сутидан ҳар куни тоқат кўтаргунча ичиб туриш ҳам туғишнинг осон бўлишига сабаб бўлади. Яна туғиш кунлари яқинлашса ҳомиладор аёл ҳаммомга кириб терлаши, тоқати кўтарган даражада иссиқ сувда чўмилиши керак. Ёки карам, қашқарбеда, шивит ва зиғирларни қайнатиб, унинг сувига ўтириши керак.

Яна қорнига ва орқасига шивит ёғидан ёки бобуна ёғидан ё кунжут ёғидан суртиб туриши лозим. Овқатга серёғ таомлар, хусусан, серёғ қуймоқ, ҳалвойтар ейиш ва ширин бодом ёғидан ичишни ўзига шарт билиши керак. Буларнинг ҳаммаси туғишни осонлаштирувчилардир. Бу билан аёлнинг туғиши тез ва осонлик билан юз беради.

Эмизувчи аёл тадбири

Мурзиъа, яъни болани эмизувчи аёл, хоҳ боланинг ўз онаси бўлсин, хоҳ бегона бўлсин, унинг тадбири шуки, жинсий алоқа

қилишдан ва узоқ бир ерда беҳаракат ўтиришдан сақланиши керак. Чунки жинсий алоқада қон ва бошқа хилтларда ғайри табиий ҳарорат пайдо бўлиб, улардан кўзғолган чиритувчи буғлар сутни бузади. Ортиқча ором олиб ўтиришда сутнинг чиқинди рутубати эриб тарқамай, у ҳам сутни бузади.

Боланинг тадбири

Боланинг тарбияси учун тадбир шуки, унинг ахлоқини соз ва ислоҳ қилиш, болада ғазаб, ғусса ва кўркув пайдо бўлишидан сақлаш шартдир. Чунки бу нарсалар боланинг хурсандчилигини йўқ қилиб, эркин ўсишига тўсқинлик қилади.

Бу қадар баён умумий баённинг мухтасари бўлиб, бундан фойдаланиш қийин бўлгани учун, бунга тааллуқли бўлган жузъий (майда) тадбирларни бир қанча фойдалари билан яна шарҳ этиб тушунтириш лозимдир.

Боланинг туғилган вақтидан то йўлгаклагунча амалга ошириладиган тадбирлар ҳақида

Билмоқ керакки, бола туғилганда унинг танасини ҳавонинг қуруқлигидан муҳофаза қилиш лозим. Чунки бачадонда чиқинди рутубат ичида тарбия топган бола бирданига қуруқ ҳаводан таъсир олса, бу таъсир унинг учун табиатиға хилоф бўлиб, зўр офатга сабаб бўлиши мумкин.

Боланинг киндиги билан йўлдошиға ёпишган йўлни (уни эл орасида ҳам киндик дейдилар) боланинг баданиға уланган ериға яқин жойдан бош бармоқ ва кўрсаткич бармоқ билан тутиб, ичида қолган нарсани бола тарафдан йўлдош тарафға оҳиста сидириш керак, оҳисталик сабабли болага озор етмасин. Сидириш билан унинг ичида бўлган хилт ва рутубатлар йўлдош томонға ҳайдалиб, киндик ҳам пок бўлади. Сўнг чалароқ эшилган ва ёғ билан юмшоқ қилинган ип билан киндикни икки жойдан бўғиб боғлаш керакки, бири боланинг киндигиға яқин жойдан, иккинчиси ундан бир қарич узоқроқдан боғланади. Аммо бу ип ҳам жуда мулоийм бўлиши керак. Сўнг мазкур иккинчи бўғилган жойдан яна икки уч бармоқ эни қадар узоқ жойдан ўткир тиг билан кесиш керак.

Фойда: Билмоқ керакки, киндикни икки жойдан бўғиб боғлаб, сўнг кесиш, оддий одамлар орасида одат бўлмай, фақат тўрт бармоқ эни қадар бир жойдан боғлаб, сўнг кесиш одатдир. Бироқ икки жойдан айтилган усулда боғлаб, сўнг кесишда кўп фойдалар борки, авомуннос доялари бундан беҳабардирлар.

Чунончи, тажриба аҳлларининг китобларидан маълумки, киндикни яхшилаб сидириб, хилтлардан тозалаб, айтилган усулда икки жойдан боғлаб, бир қаричдан ортиқроқ қолдириб кесиш киндикнинг ўсиб, баланд кўтарилиб қолишига йўл қўймайди. Яна боланинг қовуғидаги ушлаб турувчи қувват бақувватлашиб, ихтиёрсиз ўринга сийиб қўйишига тўсиқ бўлади. Агар бир қаричдан камроқ қолдириб кесилса бола катта бўлгунча беихтиёр ўрнига сийиб қўядиган бўлади.

Киндикни яхшилаб оҳиста сидириб ел ва хилтлардан тозалаб, сўнг боғлаб кесилмаса киндикда қолган ел ва хилтларнинг таъсири билан, агар чақалоқ ўғил бўлса моягида, агар қиз бўлса жинсий аъзосида бод (ел) пайдо бўлиб, қовуғида ёки меъдасида ёки бачадонида иллат пайдо бўлади. Гарчи “Қонун” ва бошқа китобларда аввал киндикни кесиб, сўнг қолган киндикни боғлаш лозимлиги айтилган бўлса-да, бироқ киндикда бўлган бод ва хилтлар бадан ичига таъсир қилишидан эҳтиёт учун аввал боғлаб, сўнг кесиш яхшидир. Борди-ю, аввал кесиб қўйилган бўлса, тезлик билан боғлаш лозимки, шунда киндикдан ташқи ҳаво қоринга кирмайди ҳамда азият ва иллатга сабаб бўлмайди.

Киндикни боғлаш учун яхши ип

Киндикни боғлаш учун ҳаммадан яхшироқ ип ҳайвонот мўйининг энг нозик ва майинларидан тўпланган мўй ипдир. Уни арабларда савф, форсларда шол ва туркийда тивит дейдилар. Тивит одатда киндикни тезроқ қуритади ва бадандан тезроқ кўчиради. Яна болага озор етказадиган даражада дағал, қаттиқ ва тоби пишиқ бўлмаслиги керак. Боғлашда яна мулойимроқ боғлаш керакки, озор етказишининг ҳеч эҳтимоли қолмасин.

Яна бир парча латтани зайтун ёғига белаб, киндикни ўраб қўйиш керак, токи латта киндикни иссиқ сақласин, ёғи эса киндикни қотирмай, юмшоқ сақлайди ва ташқи ҳавонинг таъсиридан киндикни омон сақлайди. Агар бу латта зиғирпоянинг канопидан бўлса киндикни тезроқ қуришиб, бадан кўчишига ёрдам қилади. Бироқ, яхшироқ тадбир шуки, зарчава, анзарут, дам ул-ахавайн (бақам дарахти елими), ушна, зира ва муррлардан баробар қўшиб, яхшилаб майдалаб, эзиб, кесилган киндикка сепиш керак, шунда киндикни тез қуришиб, бадандан кўчиради. Киндикни кесишдан аввал ҳам бу даводан сепиш мумкин.

Чақалоқни чўмилтириш

Болани чўмилтириб, бачадонда пайдо бўлган қолдиқ рутубатлардан тозалаш ва бадан кирини поклаш ва тешикларни очиб, қолдиқ рутубатларнинг тарқалишига ёрдам бериш лозим. Чўмилтириш учун энг яхши йўл шуки, аввало тузни ғоятда майда қилиб эзиб, боланинг баданига сепиш керак. Сўнгра болани ўраб олиб, бир лаҳза сақлаб туриш лозим, шунда боланинг баданига туз яхши сингади ва зарарланишни қабул қилмасликка қувват ва истъедод ҳосил қилади. Лекин тузни майдалашга қаттиқ диққат қилиш керак, йўқса у бадан тешикларига сингимайди ҳамда баданга қадалиб озор беради.

Сўнгра чақалоқ бирорта жом, тос ёки тоғора каби очиқ идишда чўмилтирилади. Бироқ чўмилтиришда жуда эҳтиёт бўлиш лозимки, боланинг қулоғига сув кирмаслиги керак. Болани чўмилтирганда ҳам аввал намакоб билан ювиб, сўнг ширин сув билан ювиш зарур. Намакоб билан чўмилтиришда жуда эҳтиёт қилиш лозимки, оғзига, бурнига ва кўзига намакоб кирмаслиги керак. Чўмилтириб бўлгандан сўнг тоза латта билан баданини артиб, қуришиб, дарҳол тоза бир нарсага болани ўраб, ҳаводан эҳтиёт қилиш лозим. Ўраган нарсанинг иссиқлик даражаси бачадоннинг иссиқлик даражасига яқин бўлиши керак, шунда иссиқ бачадондан янги чиққан бола ташқи совуқ ҳавога оҳиста одатлантирилади.

Ўралган парда бағоят нафис, майин ва беоҳор бўлиши лозим, токи майин ва нафислиги боланинг озорсиз роҳатига сабаб бўлсин. Оҳорланмагани эса бадан тешикларини очиқ ҳолда туришига сабаб

бўлади. Агар парда оҳорли бўлса ундан ажраган оҳор зарралари бадан тешиқларига кириб, тешиқларни бекитиб қўяди. Яна боланинг баданидан чиқинди рутубатларнинг эриб тарқалишига тўсқинлик қилиб, кўп офатларга сабабчи бўлади. Фақат парда устидан бир парда ўралса ва бу парда елим каби ёпишқоқ ва қаттиқ нарса билан оҳорланган бўлиб, оҳори ҳаракат билан тўкилмайдиган бўлса, ўша билан ўрамоқ афзалдир. Шунда ташқи ҳавонинг ўтишига бу оҳор тўсиқ бўлиб, болани муҳофаза қилади.

Баъзи ҳозик табибларнинг айтишларича, аввал тузни жуда майда қилиб, боланинг ҳамма танасига юпқа қилиб сепиш керак. Шу ҳолда бир кеча-кундуз ёки кўпроқ вақт чўмилтирмай туриб, туз билан ўраб қўйиб сақлаш керак. Сўнг сув билан ювилади. Чунки, тажрибадан маълумки, агар шу тартибда қилиб, бир кеча-кундуз туз билан сақлаб, сўнг ювилган боланинг баданидан жароҳат кам чиқади ва бузилишни ҳам бундай бадан қабул қилмайди. Агар аввал намакобга чўмилтирилган бўлса, сўнг баданига туз сепмай, фақат ширин сув билан чўмилтиришни баъзилар етарли деб биладилар. Бироқ намакобга бирозгина шозана, қуст, сумоқ (татим), қашқарбеда, кийикўт каби нарсалардан хоҳ ёлғиз, хоҳ барчасини қўшиб, қайнатилган бўлса, янада яхшироқ бўладики, бу даволар чиқинди рутубатларнинг тарқашини учун намакобнинг таъсиридан зиёда бўлади ва бу бадан юзасини маҳкам ва бақувват қилади.

Агар аввал намакобда чўмилтириб, сўнг мазкур даволарни қўшиб қайнатилган сувда чўмилтирилса даво бўладики, асл мақсад бўлган баданнинг мустаҳкамлиги ва қуввати ҳосил бўлади.

Маълумки, янги туғилган бола бачадон ичида тарбияланиб, ташқи ҳаво ва бошқа нарсалар билан дуч келишга бегона ва ғоятда улардан таъсирланувчан бўлади. Бинобарин, озгина нарсанинг сабаби билан кўпгина азият ва озор топиши мумкин. Шунинг учун иложи борица аввало бадан юзасини бақувват ва чидамли қилиш тадбирини лозим деб биладилар, токи шу тадбир билан бола кўп офатлардан омонда бўлмай.

Шунинг учун, кўп таъкид қиладиларки, агар боланинг бадани кўп кирли бўлса ва кўп рутубатли бўлса бадани ҳам кўп заиф бўлади. Бу ҳолатда унинг баданига такроран намакоб суртиш

лозимдир. Сўнг тоза сув билан чўмилтириш лозим. Зероки тузнинг ишлатилиши билан бадан тешиклари бекилади ва чиқинди рутубатларнинг тарқалишига монёлик қилади. Илиқ тоза сув билан чўмилтириш тешикларни очиб, рутубатни тарқатади.

Фойда: Билмоқ керакки, намакоб билан чўмилтиришда оғиз, бурун ва кўзни эҳтиёт қилиш керак. Чунки бу аъзоларнинг пайлари хануз ғоят даражада нозик ва заифдирки, тузнинг ўткирлигидан заифланиши яқин эҳтимолдир. Қулоққа хоҳ сув, хоҳ намакоб киришидан эҳтиёт қилишнинг сабаблари аён.

Чўмилтириш пайтида доя чап кўлига боланинг кўкрагини кўйиб кўтариши ва боланинг қорни доянинг кўлига тегмай туриши лозим. Доя ўнг кўли билан ишқаб чўмилтиради. Боланинг кўл ва оёқларини атрофга ҳаракат қилдириб, тортиб кўяди. Масалан, бир марта боланинг ҳар икки кўлини орқа томонга етказиб, ҳар икки кафтини белнинг охирига етказилади. Яна бир марта юқори тарафга кўтариб, кўлни бошнинг орқа тарафига етказилади.

Оёқни бир марта орқасига қайириб, товонини думбасига етказиши ва бир марта оёқни ёзиб, узун қилишни лозим деб билгай. Бироқ ниҳоятда эҳтиёт бўлиш керакки, бу ишлардан болага ҳеч бир озор ва офат юз бермасин.

Фойда: Доянинг билагига боланинг қорнини тегизмай, фақат кўкраги билан ётқизишнинг фойдаси шуки, боланинг кўкраги қорнига нисбатан қаттиқроқ бўлгани учун билакнинг қаттиқлигидан зарарланиш эҳтимолидан узоқдир. Шундай бўлса ҳам тўш суяги ичкарига ботмаслиги учун мумкин қадар эҳтиёт қилмоқ лозим.

Агар боланинг қорни доянинг кўлига кўйилса қориннинг бўшлиги сабабли кўлнинг қаттиқлигидан озор топиши яқин эҳтимолдир. Аммо боланинг кўкрагига нисбатан орқасини билакка кўйиш, гарчи осонроқ ва ўрнаши учун текисроқ бўлса-да, бироқ орқаси билан билакка ётқизишдан эҳтиёт бўлиш керак. Чунки бу ҳолатда боланинг бош томони ва думба томонининг оғирлиги билан орқасига зўр келиб, умуртқа бўғинлари бири-биридан кўчиши, пайлари чўзилиши каби офатлар юз бериши, боланинг кўзи, буруни ва оғзига сув ва намакоб кириши мумкин.

Боланинг оёқ ва қўлларини атрофга ҳаракат қилдиришнинг фойдаси шуки, бола туғилган вақтда баданида табиий рутубат ва ҳарорат кўп бўлади. Бинобарин, аъзоси тез ўсади. Демак унинг оёқ- қўллари ҳаракат қилдирилса, йўргакда ётган шаклдаги оёқ ва қўлнинг пайванд бўлган суяқларининг бир-бирига тегиб турган жойлари сиқилиб, ўсмай қолиб, унинг атрофи кўпроқ ўсади. ўсган суяк ўсмаган суякка сиғмай, ҳаракатга тўсиқ бўлади. Демак оёқ ва қўлни ҳар куни икки-уч марта атрофга ҳаракат қилдириб, бўғим жойларини баробар ўстириш керак. Боланинг аъзолари маҳкам бўлгунча мазкур тариқада чўмилтириб, оёқ-қўлини ҳаракат қилдириб турганда бу хавфлардан ҳеч бири юз бермайди.

Чақалоқни йўргаклаш

Чўмилтиргандан сўнг мулойим ва оҳорланмаган латта билан артиб, қуритиб олиш керак, токи латтанинг дағаллиги болани тирнаб озор бериш зараридан омон бўлади. Латта оҳорли бўлса, оҳори баданга ёпишиб, бадан тешикларини бекитиши, рутубатни тарқашига тўсиқ бўлиши мумкин. Сўнг йўргак учун озода, оҳорсиз ва мулойим латтани ерга ёзиб, устига болани ерга қаратиб, қорни билан ётқизиб, сўнг яна ағдариб, орқасини бостириб ётқизилади. Аъзосининг ҳаммасини баданга муносиб ҳолда оҳиста-оҳиста силаб, уқалаб, барча аъзосини табиий шаклига муносиб ростлаб туриб, ўраб олади. Йўргакнинг устидан юмшоқ ва тобланмаган ип билан боғланади, бироқ кўп шиддатли сиқиб боғланмайди, токи боланинг баданига ботиб озор етказмасин.

Йўргак латтасининг қалинлиги ҳам шундай даражада бўлиши керакки, ундан болага ҳосил бўладиган иссиқнинг даражаси бачадоннинг иссиқлиги даражасига ўхшаш ва мос бўлиши керак. Шунда бачадон тарбиясига одатланган болага хорижий ҳавонинг таъсири бегона ва хилоф вазиятда таъсир қилмайди. Йўргакланадиган хонанинг иссиғи ҳам мазкур даражада бўлиши лозим, шунда ташқи ҳавонинг офатидан омон бўлади. Йўқса, ҳавонинг совуғидан боланинг бадан-тешиклари бекилиб, бадандаги рутубат буғлари баданда қамалиб қолиб, зотилжам, зот ус-садр ва зот ул-арз каби касалликлар юз беради.

Орқа тешикни очиш

Билмоқ керакки, бола она қорнида сияди ва сийдиги йўлдошда йиғилади, аммо бачадонда ахлат бўлмайди. Чунки ахлат бўларлик нарса боланинг бачадондаги овқатида мавжуд эмас. Бинобарин, боланинг орқа тешиги берк бўлади. Шунинг учун доя болани чўмилтираётган вақтда жимжилоғи билан боланинг орқа тешигини очиб қўяди, шунда йиғилиб қолган ахлат бўлса чиқиб кетади.

Кўз тадбири

Яна боланинг кўзига зайтун ёғидан томизиш керак. Шунда кўзни ва кўз табақаларини чирклан ва чиқинди рутубатлардан пок қилади. Агар зайтун ал-анфоқ томизилса янада яхши бўлади. Чунки зайтун ал-анфоқ бошқа зайтунларга нисбатан тозароқ ва софроқ бўлади, кўзни чирклан тозалашда ҳам бакувватроқ бўлади.

Бурун тадбири

Доя ўз тирноғини тез-тез олиб туриши керак. Тирноғи олинган бармоқ билан боланинг бурнидан чирklarини олиб туриши лозим, токи чирк сабабли боланинг бурун тешиги тораймасин. Зероки агар буруннинг тешиги тор бўлса нафас олишнинг қийин бўлишига сабаб бўлади. Нафас куч ва изтироб билан олинса томоқнинг куриб қолишига сабаб бўлади. Қаттиқ нафас олишда ташқи ҳаво совуқ ҳолда, ислоҳсиз ўпкага кириб, ўпкада мизож бузилиши ва шиш пайдо қилади. Нафас олиш билан чиқадиган ҳомиз ул-қорбун, яъни бухороти духония (карбонат ангидрид)лари ҳам йўл танглигидан кераклича ташқарига чиқолмай, бола руҳининг куйишига ва юраги қизиб кетишига сабаб бўлади. Бу билан эса боланинг асл рутубати куйиб, йўқ бўлишига ва иситма пайдо бўлишига боис бўлади.

Бинобарин, боланинг бурун чиркини доимо тоза ва пок қилиб туришни зарур ишлардан деб билиш керак. Буни тозалашни фақат бармоқ билан деб таъкидлашнинг фойдаси шуки, бармоқ мулойимроқ бўлади ва боланинг бурнига озор етказишдан

холийроқ бўлади. Бармоқ тирноғини янги олинишининг шарти ҳам шунга баноан бўлиб, тирнаб болага озор ва бурнида жароҳат пайдо қилиш эҳтимолидан узоқ бўлади.

Кўз муомаласи

Яна боланинг кўзларини ғоятда юмшоқ ва мулойим нарса билан оҳиста ва камоли эҳтиёт билан артиб туриш ҳам лозимки, кўзи чирк ва чиқинди рутубатлардан пок бўлиши керак. Бироқ кўзнинг нури сиқиш ва босиш билан тарқаб кетиши, кўз табақалари босилиб озор кўришидан сақланиш ва эҳтиёт бўлишни шарт деб билиш керак.

Қовуқ ва пешоб тадбири

Яна ҳар икки-уч марта боланинг қовуғини бармоқ учи билан салгина босиб, қовуғидан сийдикнинг чиқишига ёрдам бериш лозим, шунда боланинг қовуғидан сийдиги тўлиб чиқиб туради. Чунки янги туғилган боланинг қовуғида ҳайдаш қуввати жуда заиф бўлади ва сийдик йўли ғоятда юмшоқ бўлади. Шу сабабли холий турган йўл пачоқ ҳолда бўлиб, уст тарафи ост тарафга ёпишиб туради. Боланинг сийдиги катта одамнинг сийдигига нисбатан ўткирлиги кам бўлгани учун қовуқнинг ҳайдовчи қуввати ҳам камроқ ҳис этади ва уни ҳайдашга камроқ диққат қилади.

Демак, боланинг қовуғидан сийдикни бармоқни босиш билан чиқишига ёрдам берилмаса кўпинча боланинг сийдиги қовуғда қамалиб қолиб, кўп зарар қилади. Яна маълумки, қовуғдан сийдик ташқари чиқиши учун, албатта, йўлнинг очиқ бўлиши шартдир. Ваҳоланки, янги туғилган боланинг сийдик йўли бири-бирига ёпишган бўлади, уни очиб, сийдикни равон қилиш учун ва ҳайдаш қуввати заифлиги учун бола ўз хоҳиши ва ҳаракати билан бу йўлни очишга қодир бўлмайди. Демак кўл билан қовуқни босиб сийдикнинг чиқишига ёрдам бериш зарурийдир. Бу босишни ҳам камоли эҳтиёт ва мулойимлик билан амалга ошириш зарур. Қовуқда сийдик йиғилган вақтни сезган пайтидагина босиш керак, бошқа пайтда асло босиб бўлмайди.

Фойда: Билмоқ керакки, боланинг киндиги кўпинча уч ё тўрт кунда тушади. Гоҳида баъзи боланинг киндиги олти ёки етти кунгача кечикади. Бас, қачонки киндик тушса, унинг ўрнини қуришиб, тез битирадиган нарсалардан киндикка сешиб, битишига ёрдам берилади.

Жароҳатни қуритадиган нарсаларнинг ҳаммадан яхшироғи садафнинг куйдирилган кули, урқубнинг кули ва калийнинг кули, яъни қалайдан бўлган упадир. Садафнинг моҳияти эса маълум. Аммо урқуб оёқнинг товонида бўладиган йўғон пайдан иборат бўлиб, халқда таъзир бериш учун пай қирқиш шу пайни кесишдан иборат. Бу пай барча ҳайвонларда бор. Ҳайвонларнинг пойчаларини ҳам урқуб дейдиларки, унинг кулида ҳам жароҳатни битириш хосияти бор. Бузоқ пойчасининг кулида, гарчи ямаш ва битириш қуввати бўлса ҳам, бироқ катта ҳайвонларникида ямаш ва битириш қуввати бақувватроқдир.

Огоҳлантириш: Билмоқ керакки, болани йўргакда сақлаш муддатини фалон кунгача деб таъйин қилиш мумкин эмас, балки модомики боланинг аъзоси ҳануз бўш ва мулойим экан, албатта, уни йўргакда сақлаш лозим. Чунки, йўргакда сақлашнинг фойдаси шуки, болани кўтарган вақтда аъзоларидан бирига бирорта офат ва зарар етмаслиги учун ҳамма аъзосини табиий шаклда сақлаб туради.

Маълумки, баъзи тана соф ва зуваласи мустаҳкам туғилган боланинг тани кучли бўлиб, тўрт ё беш кунда қувват ва салобат ҳосил қилади. Баъзи заиф баданли туғилган бола ниҳоятда нозик ва заиф бўлиб, унинг тани қотиши учун кўп вақтгача йўргакда эҳтиётлик билан тарбия қилишга тўғри келади. Бинобарин, йўргакнинг лозимлиги маълум муддат муқаррар эмас. Аммо кўпчиликка биноан ўртача муддат уч-тўрт ой бўлиши кузатилган. Сўнг йўргакни тарк қилиб, оддий либос билан тарбия қилиш мумкин бўлади.

Дояларнинг хатоси

Ҳозирги замонда олти ёки етти кунгача йўргакда сақлаб, сўнг бешикка солиш баҳонаси билан кўп жойда йўргакни бутунлай тарк этишнинг одат тусига кириши ўзларини хизматдан озод

қилиш фикрида бўлган дояларнинг хатоларидир. Илло, бешикка ҳам тўсиқ бўлмайдиган равишда муносиб йўрғак қилиши лозим, шунда боланинг аъзоси офат ва зарарлардан эмин бўлади.

Яна билмоқ керакки, болани йўрғакка ўрашда аввало боланинг ҳар қандай аъзосини ушлашда доя ўз қўлини мазкур аъзонинг шаклига ҳамшакл қилиб, гўё аъзога доя ўз қўлини қолип қилган каби ва ўша аъзога гўё ёрдам тариқасида ғоят мулойимлик билан ушлаб, ҳамма аъзосини тўғри қилиши керак, яъни боланинг пешонаси, кўкраги ва орқаси каби сатҳи текис бўлган аъзоларни ушлашда доя ҳам ўз қўлининг кафтини кенг ва текис ёйиб туриб ушлаши керак. Боланинг қўли, оёғи ва панжалари каби нозик аъзоларини ушлашда доя қўлининг кафтини мазкур аъзонинг ҳажмига муносиб вазиятга келтириб ушлаши керак. Шунда бола аъзоларининг шакли энг яхши даражада бўлиб, тарбия топади.

Яна боланинг оғирлиги ва баданининг тоқатига муносиб қувват билан ушлаб тўғрилаш керак. Ортиқча куч билан сиқиб ушламаслик керак, оҳиста ҳаракат билан ростлаш лозим, токи болага ҳеч қандай озор ва азият етмасин. Шу икки йўл билан боланинг ҳар икки қўлини ёзиб, ҳар икки сонига етказиб қўйилади. Оёғининг буралиб қолишидан эҳтиёт қилиб, бармоқларини юқорига тўғри қилинади. Боланинг бошига тавит каби ғоят даражада юмшоқ ва иссиқ нарсадан дўппи кийдириш, унинг устидан эса юмшоқ нарсадан саллача ўратиш керак. Унинг устидан покиза ва беоҳор нарсадан айтилган тариқада йўрғак ўраш керак. Унинг устидан ғоятда мулойим ва тугуни йўқ ип ёки латта билан боғланади. Уни ҳам кўп қаттиқ боғлаш раво эмас, боланинг баданига озор етмаслиги керак.

Йўрғак боғичидаги фарқ

Ўғил боланинг йўрғак боғига нисабатан қиз боланинг йўрғак боғини бўшроқ боғлаш лозимки, қиз боланинг қорни йўрғак вақтида ўсиши учун боғлангани халақит бермасин. Чунки уларнинг балоғатга етгандан сўнг ҳомиладор бўлишлари учун қоринлари катта ва кенг бўлиши яхшидир. Маълумки, уларнинг қоринлари сиқиб боғланса қоринининг ўсишига тўсқинлик қилади.

Йўргакни ҳар тўққиз ё ўн соатда ечиб, бир ёки икки соатгача ечилган ҳолда қўйилади, токи бола оёқ ва қўлини ўз ихтиёри бўйича ҳаракат қилдириши ва ҳаракат қилишга одатланиши ҳамда ҳаракат таъсири билан чиқинди рутубатларни тарқатиши ва мушаклари қотиши керак. Сўнг яна оҳиста ва эҳтиётлик билан ушлаб, айтилган усулда йўргакка ўраб боғланади, токи бола ҳаракат қилиши ва кўтаришда озордан ва синишдан эмин бўлсин.

Уйқуда туш кўриб қилган ҳаракати жиддийроқ бўлса бу ҳаракати ташқарида ҳам аъзосида акс этиб, ўз ҳаракатидан ўзи чўчиб, қўрқиб уйғониши ва қўрқув агар доимий такрорланса болада хафақон ва ваҳима пайдо бўлишидан омон бўлади.

Ҳануз киндиги тушмаган болани йўргакка ўраш ва ечиш вақтида кўп эҳтиёт қилиш лозим. Токи киндиги йўргакка илашиб тортилиш ва эзилишдан омон бўлсин.

Киндиги тушмаган болани йўргаклашда киндигига ёққа беланган дока латта қўйиб йўргакка ўраса ёки чарви ёғи ва зарчавадан қилинган марҳамдан киндигига қўйиб йўргакласа яхшироқ бўлади.

Агар сийдик ва ахлат учун йўргакнинг ичидан боланинг остига ёзилган латтаси сийдик билан ҳўл бўлса дарҳол йўргакни ечиб, тезда ўша латтани бошқа қуруқ латтага алмаштириш керак. Чунки сийдикнинг ўткирлиги билан боланинг баданига озор етиб, натижада жароҳат чиқиши мумкин.

Огоҳлантириш: Йўргакдаги боланинг бошига мулойим ва иссиқ нарсадан дўппи қилиб кийдириш ва саллага ўратишнинг лозимлигига сабаб шуки, бачадоннинг ҳароратли тарбиясига одатланган ва ташқи ҳавонинг таъсирига бегона бўлган бола учун ташқи ҳавонинг салгина таъсири ҳам зўр офатга сабаб бўлади. Масалан, саръ (тутқанок) касали (эл орасида умм ус-сибён дейилади), тумов, назла, бош оғриғи, босинқираш ва шунга ўхшаш офатларнинг юз бериши кучли эҳтимоллардандир. Бинобарин, боланинг бошини ташқи ҳаводан муҳофаза қилиш зарурки, мазкур офатлардан эмин ва саломат бўлгай.

Бола сақланадиган уй

Бола сақланадиган уйнинг ёруғлик ва равшанлиги мўътадил, балки бироз қоронғуликка мойил бўлиши лозим. Чунки, маълумдирки, ўткир ёруғлик кўзнинг нуруни нобуд қилади. Бас, янги туғилган боланинг бачадондан янги чиққан вақтида кўзи заиф ва нури кам бўладики, унга ўртачадан ортиқ бўлган ёруғлик кўп таъсир қилиб, кўзнинг нуруни нобуд қилиши мумкин.

Болани қаттиқ йиғлашдан асраш

Болани баланд овоз билан йиғлашдан, кучаниш ва шунга ўхшаш аъзоси ва ахлоқига зарарли ҳолатлардан эҳтиётлаб сақлаш лозим. Чунки баланд овоз билан йиғлаш ва кучанишда ўпканинг тазйиқи билан ичидаги аъзолар, чунончи, қорин, ичак, чарви ва қовуқлар сиқилиб, ўз жойларидан бошқа жойга кўчиш тақозоси билан булар ҳам ўпкага муқобил томонларни сиқиб торайтиради. Маълумки, боланинг барча аъзоси заиф бўлади, хусусан, киндик бачадонда бола учун озиқланиш тешиги бўлиб, бу тешик ҳануз мустаҳкам бўлмагани учун ички аъзоларнинг сиқишига чидолмай, янада кенгайди. У орқали ичак ва чарвилар ташқарига чиқади. Бироқ тери ташқи ҳаво таъсири билан қотгани ҳамда асабдан тўқилган жисм бўлгани учун тешикдан чиқолмай, ночор тери остида йиғилиб, киндик терисини баландга кўтариб турадики, буни эл орасида киндиги ўсган дейилади. Ваҳоланки бу бир хил даббалиқдир.

Шунингдек, моюкнинг йўли бўлган асл илдизини ички томондан қовуққа ўтган тешиги ҳам ҳануз қуввати заиф бўлгани учун бу сиқишга чидаёлмай, яна йиртилиб кенгайди. Ундан ичак ва чарвига ўтиб, қовуқ халтасига тушадики, бу ҳақиқий даббадир. Шунингдек, бола агар кўп йиғласа ва унинг бирор мақсад талабида йиғлаши маълум, масалан, сут талаб қилиб, хоҳ ҳаракат талаб қилиб йиғласа, мақсади ҳосил бўлмагани сабабли унинг ғазаби ёки ғамгинлиги кўпайиб, нафсоний ҳолати мўътадилликдан чиқади. Асабий касалликлар юз беради, хулқи ёмон бўлади, танаси ўсиши ва камолот ҳосил қилишда нуқсонга учрайди. Бинобарин, баланд овоз билан йиғлашдан асраш керак.

Бола олдида бақуриб бўлмайди

Боланинг ҳузурида бошқалар ҳам шиддатли баланд овоз чиқариши гоёта зарарли, балки хатарлидир. Чунки баланд овозни ҳеч эшитмаган бола бирданига шиддатли овозни эшитса унда қаттиқ кўрқув пайдо бўлади ва юрак изтиробни билан ҳалок бўлади. Ёки ички бешта сезиш бу овознинг тасавури ва хаёлидан изтироб билан ожиз бўлади. Бу изтиробнинг шиддати билан табиий мўътадилликдан чиқиб, шундан сўнг тасаввур ва хаёлга қодир бўлолмайди. Натижада беҳушлик ва жиннилик юз беради ёки боланинг барча аъзоси ҳануз заиф бўлгани каби қулоқнинг эшитиш пардаси ҳам албатта заиф бўлади ва шиддатли овоздан ҳосил бўлган шиддатли ҳаво тўлқинига сабр қилолмай, ёрилади ва абадий қар бўлиб қолади. Карлиги сабабли ҳеч бир сўз эшитиб ўрганолмаганлигидан тили ҳам гунг бўлади. Шунга ўхшаган кўп офатларга шиддатли овоз сабаб бўлади. Бинобарин, боланинг ҳузурида баланд овоз чиқаришдан эҳтиёт бўлиш зарур.

Қирқ кунгача чўмилтириш

Билмоқ керакки, бола қирқ кунга тўлгунча ҳар куни бир марта чўмилтириб туриш лозимки, боланинг танаси ўсиб, бадани кўп офатлардан омон бўлишига чўмилтириш кўп фойда қилади. Ҳатто, ёз фасли бўлса баданнинг чиркини ва терлаган бўлса терини йўқотиш учун ҳар куни икки ёки уч марта чўмилтириш лозим бўлади. Агар бола заиф мизожли бўлса ёки қиш фасли ё ҳаво совуқ бўлса икки ё уч кун, балки кўпроқ кун ўтказиб, сўнг чўмилтириш муносибдир.

Бола қирқ кундан ошгандан сўнг ҳар ҳафтада бир марта ёки икки марта чўмилтириш кифоя қилади. Хусусан, ёз фасли бўлса ҳар ҳафтада икки марта чўмилтириш афзал, ҳаво иссиқ вақтда илиқ сув билан чўмилтириш керак. Ҳаво совуқ вақтда уйни яхшилаб иситиб, шу иссиқ жойда баданни қуйдирмайдиган даражадаги иссиқроқ сув билан чўмилтириш керак. Шунда боланинг тешикларидан ташқи совуқ ҳаво бадан ичига кириб, ички аъзосига таъсир қилишдан ёки тешиклари совуқ ҳаводан бекилишдан, чиқинди моддаларнинг тарқалишига тўсиқ

бўлишдан, зотилжам, зот ус-садр ва зот ул-араз каби офатлардан омон бўлади. Чўмилтиришда ё мўътадил даражадаги ҳаммомдан ёки ҳаммом каби иссиқ, атрофи ўралган уйда чўмилтириш керак. Шунда боланинг баданига ҳеч совуқ шамол тегиш эҳтимоли бўлмайди.

Демак, агар ҳаммомда чўмилтириш муяссар бўлса, боланинг баданида қизил ранг ҳосил бўлган вақтда ҳаммомдан чиқариш лозим. Бундан ортиқча туриш раво эмас. Чунки бундан кўп туриш боланинг баданидаги асл рутубатни тарқаб кетишига сабаб бўлади. Ёш боланинг рутубати тез тарқаб кетишга мойил бўлади.

Чўмилтириш вақти

Чўмилтириш учун энг яхши ва соз вақт кўп ухлаб тургандан сўнг дарҳол чўмилтириш ҳамда эмган сути тўлиқ ҳазм бўлгандан сўнгги вақтдирки, бу икки ҳолатнинг юз бериши эрта билан наҳорда мумкин бўлади. Бинобарин, эрта билан наҳорда эмизмаган вақтда чўмилтириш сазовордир. Агар чўмилтириладиган сувга қашқарберда, шодана, кина, қуст, тотим ва кийикўт каби тарқатувчи нарсалардан қўшиб қайнатилган бўлса яхшироқ ва бехатарроқ бўлади.

Бола баданини ёғлаш

Чўмилтириб, баданини артиб қуритгандан сўнг баданига ёғ суртиш керак. Аммо боланинг киндиги тушган бўлиб, бироқ унинг ўрни ҳануз қуримаган бўлса у жойга зинҳор ёғ тегизилмайди. Сўнг йўракка ўраб, баданини тез-тез ёғлаб туришни ўғил бола учун то тўрт ойгача, қиз бола учун то ўн ойгача давом эттириш лозимки, шунда ёғ баданга сингиб, бадан озиги бақувват бўлади. Яна ташқи ҳаво таъсиридан баданни муҳофаза қилади. Мазкур муддатлардан сўнг ҳар ҳафтада бир марта ёғ суркаш кифоя қилади.

Билмоқ керакки, ўғил бола учун ёғларнинг афзали сариёғ, думба ёғи ва чарви ёғи бўлиб, янги ва айнамаган бўлиши шарт. Қиз бола учун бинафша ёғи, зайтун ёғи ва кунжут ёғи билан тайёрланган бўлиши керак, Шунингдек, бодом ёғи ҳам қиз бола

учун яхши ва муносибдир. Ёғ суртган вақтда боланинг орқасидаги мухра (умуртқа) суягининг ҳар икки томони ёнида бўлган пайлар ва мушакларни то гардангача ёғ суриб, беш бармоқ билан оҳиста-оҳиста силаш керак, шунда бешикда ва йўргакда кўп ётгани сабабли босилиб ва эзилиб чарчаган бўлса силаш билан тоза қон ва руҳ келиб, чарчабини бартараф қилади.

Чунки, кўп кузатилганки, ёш болаларда шиддатли йиғи пайдо бўлиб, ҳатто беҳуш бўлиш даражасигача етган эдилар ва ҳеч бир йўл ва тадбир билан йиғиларини тўхтатиш мумкин бўлмаган эди. Охирида мазкур йўл билан силанган эди, йиғилари тўхтаб, ором олиб ухлайди. Маълум бўлдики, уларнинг орқаларидаги пайлари ва нозик мушаклари узоқ босиб ётиб, азият чекканлик сабабидан бетоқат бўлиб йиғлар эдилар. Силаш билан азиятлари бартараф бўлди. Бу ҳолни халқ истилоҳларида, чунончи, форслардаги пўшт ва туркийлар орқа томир дейдилар. Бундай пайтда муносиб шиёф (шамча)лар билан боланинг ичини мулойим қилиш ҳам фойдалидир.

Бешикка солиш

Билмоқ керакки, боланинг туғилганига уч кун тўлгандан сўнг, кўп тўхтатиб турмай, бешикка солиш афзалдир. Бешикка солишда боланинг остидаги жиҳозни ғоят эҳтиёт билан текшириб кўриб, текислаш лозим. Шунда баъзи жойи баландроқ бўлса боланинг баданига ботиб, баъзи мушакларини эзиб, озор бермайди. Яна бурга ва бошқа газанда ҳашаротлар бўлмайди. Боланинг қўлини сонига етказиб, тўғрилаб қўйиш керак, оёғининг ҳам ҳар иккисини баробар қилиб, оёқ панжаларини осмонга тўғрилаб, сўнгра мулойим ва иссиқлиги бачадон иссиқлигига мутаносиб парда билан ўраб боғланади.

Ёғлашда ҳам камоли эҳтиёт лозимки, қўл боғи ва оёқ боғини тортишда қўлни ва оёқни ҳам зўр билан бир томонга тортиб мойил қилмаслик керак. Чунки боланинг барча аъзоси ғоятда нозик ва жисми эса тез ўсишдадир. Демак бу нарсага бепарво бўлиб, боланинг қўли ва оёғи кўп вақт буралиб, бир томонга мойил бўлиб ётса, шу шаклда ўсиб мустаҳкам бўлади.

Сўнгра уни тузатиб бўлмайди. Кўп одамларнинг шу нарсага бепарволигининг касри билан оёғи буралган ёки эзилган ҳолда бўлиб қолганини, қўл ва оёғини эҳтиётлик билан ёзмаганлари сабаби билан бола йўлга кирган вақтда оёғи бир-биридан узун ва қисқаликда тафовутли ва оқсоқ бўлиб қолгани кузатилган.

Яна боланинг оёқ-қўлини боғлашда кўп қаттиқ тортиб боғламаслик керак. Зероки қаттиқ боғланса тиззанинг кўзи орқа томонга букилиб, ҳар икки иликнинг ўртасида сиқилиб, кўп ўсолмайди. Сўнгги вақтда юк кўтаришда юкнинг оғирлиги билан оёқни орқа томонга қайрилиб кетишига тўсиқ бўлишга ва оёқни муҳофаза қилишга ёрдам беролмайди. Ҳатто ўз танасини кўтаришга оёғи қодир бўлолмай, тиззаси орқа томонга букилиб қоладиган бола ўз замонамизда кузатилди.

Қаттиқ тортиб боғлашнинг зарари

Агар қўлини қаттиқ боғласа кўкраги сиқилиб, нафас олишда юракнинг ва руҳнинг ҳожатига лойиқ ҳаво олишдан ўпка ожиз қолади. Олган ҳавоси юракни, руҳни ва қоннинг талабига лойиқ кифоя қилолмайди. Демак руҳ қизиби, ундан баъзи қисми тарқаш билан куйиб йўқ бўлади. Юраги ва қони ҳам нуқсонли бўлади. Натижада сўнгги вақтда қолган аслий рутубати ҳарорат билан тарқаб, баданга айлана олмагани учун боланинг танаси яхши ўсмайди. Қони қуюлиб, бузилиши ва бегона ҳарорат пайдо қилиб, иситма ва баданда жароҳат ёки кейинроқ савдовий касалликлар ёки мохов касалини бунёд қилади. Боланинг юраги ҳароратли бўлгани учун иссиқ хафақон ва ваҳима каби офатлар юз беради.

Кўкрак ҳам етарлича кенгаймагани учун кўкрак аъзолари ҳам яхши ўсолмайди. Демак бу азий аъзолар нуқсонли бўлганда уларнинг тарбиясига муҳтож бўлган бошқа аъзоларнинг саломатлиги ҳам нуқсонли бўлиши табиийдир.

Агар ҳеч қандай касаллик юз бермаслиги фараз қилинганда ҳам руҳ тарқаш билан камайгани сабабли ва унинг ўрнини тўлдириш учун қон суюқлигининг касри билан руҳ етишолмагани сабабли, руҳ бадан тарбияси учун камлик қилгани учун баданнинг учта қуввати, яъни ҳайвоний қувват, нафсоний қувват ва табиий қувват кам ва заиф бўлиб, баданга тарбиялари етарлича бўлмайди.

Демак боланинг гавдаси ингичка, ўсмаган ва заиф бўладики, бу офатларнинг ҳаммаси кўпинча бешикда боланинг кўкрагини сиқиб боғлашнинг натижасидир. Демак боланинг кўкрагини зинҳор сиқиб боғламаслик керак. Бироқ бўш боғлаганда бола уйқуда бешикдан йиқилиш, оёғи билан осилиб қолиш хавфи ҳам бор. Бас, бунинг яхши ва осон тадбири шуки, аввало бешикка бир рўмол каби нарсани ёзиб, сўнг унинг устига болани ётқизиш керак. Сўнг ўша рўмолни икки тараф учини боланинг икки биқини билан қўли орасидан чиқариб олиб, яна ҳар икки қўлининг устидан айлантириб, қолган учларини ҳар икки қўлининг тагидан қайтариб, боланинг остига бостирилса бола уйқуда қўлини ўша рўмолдан суғуриб ололмайди, гўё икки қўли орқасига боғланган каби ётади.

Бешикда эмизиш

Маълумки, бола қўлини қўлбоғидан чиқармаса қўлбоғи ҳам ортиқча бўшамайди ва бола йиқилмайди. Демак болани бешикка белагандан сўнг эмизиб тўйдиришни лозим деб билиш керак. Чунки бола бешикда узоқ вақт ухлаб ором олиши манзурдир. Яна уйқуда овқат тезроқ ва яхшироқ ҳазм бўлади. Демак уни эмизиб, яхшилаб тўйдирилмаса, уйқуда боланинг қорни очиб, уйқудан ором ололмай, тезда уйғониб кетади ва онасининг уйқусига ҳам ҳалал беради.

Агар бола уйқудан уйғонолмай узоқ ётиб қолса, аввалги овқати ҳазм бўлиб, меъдаси бўш қолгани сабабли меъдасида хилтлар йиғилиб, бетоб бўлади ҳамда боланинг бадани овқатдан бебаҳра қолиб, ўсишида нуқсон бўлади. Яна меъда холий қолгани сабабли табиий ҳарорати сутни ҳазм қилиш ўрнига руҳни тарқатишга диққатини қаратади. Натижада боланинг руҳи камайиб, аъзосига ва қувватига нуқсон етади.

Болани бешикда эмизаётган аёл ўзи зинҳор бешик устида ухلامаслиги керак, бедор туриб эмизиши лозим. Чунки уйқуда ҳарорат ҳамда руҳ ичкарига ружуъ қилади ва эмчакда табиий ҳарорат ва руҳ табиий мўътадилликдан камроқ қолади. Бинобарин, эмчакдаги сут табиий ҳарорат ва руҳ тарбиясидан камбаҳра, ҳазм жиҳати ҳам ноқис ва табиатга ёқимсиз бўлади.

Бундан ташқари, ухлаётган она бедорликдаги ўз вазиятини уйқуда сақлаб қоламайди. Демак уйқуда боланинг устига кўпроқ эгилса эмчагининг ширдони, яъни елини боланинг оғзи ва бурнига босилиб, боланинг нафас йўлини бекитади ва ҳалок қилиш хавфи туғилади. Бундай воқеа бир қанча жойларда юз бергани нақл қилинади.

Ёстиқни баландроқ қўйиш

Билмоқ керакки, болага ортиқча қийин бўлмаслик учун иложи борича ёстиқни баландроқ қўйиб, одатлантириш сазовордир, шунда бешиқни тебратишда боланинг эмган сути чайқалиб, оғзига келиб, қусиш эҳтимоли бўлмайди. Тебратганда ҳам қаттиқ ҳаракат билан силкитиб табратмаслик керак, токи халал ва малол юз бермасин. Зероки бундай ҳаракат бола учун кучли риёзат бўлади. Хусусан, эмизгандан кейин бундай ҳаракат меъдадаги сутни чайқатади. Натижада қусиб юборади ёки ҳазм бўлмасдан аввал меъдадаги сутни чиқариб юборади.

Алла қандай айтилади?

Бешиқни тебратувчи одам ширали ва ёқимли овоз билан хиргойи қилиши керак. Чунки ширин овознинг оҳанг салосидан руҳ озиғи ҳосил бўлиб, бола лаззат топади, ёқимсиз ва оҳангсиз овоздан нафрат қилади. Яна бешиқда ёки бошқа жойда бўлсин, албатта, боланинг бошини баландроқ қилиб ётқизиш керак, токи баданнинг чиқинди моддалари бошига киришдан бола омон бўлсин.

Ҳидни йўқотиш

Ҳар вақт боланинг гарданида, кулоқ орқасида, қўлтигининг тагида ва човининг орқасида ҳид пайдо бўлса дарҳол муруд баргини янчиб, гулисаршуйга қўшиб сепмоқ керак, шунда жароҳат пайдо бўлмайди. Агар аччиқтошни гулобга ёки сувга эритиб, унга бироз сирка қўшиб, пахта билан суртилса яхшироқ бўлади. Хусусан, унга гилвата ёки гулисаршўй ҳам қўшилган бўлса янада яхши бўлади. Агар қиш вақти бўлса танҳо гулисаршўйни сепиш кифоя қилади.

Бола эмишиш ва унинг тадбири ҳақида

Билмоқ керакки, онанинг бачадонида бўлган боланинг овқати қондан бўлиб, боланинг киндигидан ўтиб, барча аъзосига таралади. Аммо оғиздан овқатланмайди. Бинобарин янги туғилган боланинг табиати ва меъдаси еб-ичишга одат қилмагани учун табиатида сут эмиш учун хоҳиш ва истаги тугал бўлмайди ва меъдасида чин иштаҳа ҳам бўлмайди. Сўнг баданнинг овқатга муҳтожлигидан табиати оҳиста огоҳ бўлиб, овқат талаб қилишга диққат қилади. Меъда ҳаракат қилиб кенгайди ва ҳақиқий иштаҳа пайдо бўлади. Бу ҳолатнинг аста-секин ҳосил бўлиши икки кеча-кундузгача кечикиши мумкин.

Демак икки кунгача, мумкин бўлса, ҳеч эмизмаслик керак, токи боланинг ўзи овқат қидириб, ҳаракат қилсин. Йиғлаб, чин иштаҳа пайдо қилсин, меъдаси ва томоғи ҳаракатга келиб, кенгайиш ҳосил қилсин. Агар бу муддатгача эмизмай туриш мумкин бўлмаса, чунончи бола кўп йиғласа ва бетоқат бўлса, у пайтда туғилган вақтидан нақадар кечиктириб эмизилса шу қадар яхши бўлади. Агар икки кунгача ҳам бола овқат талаб қилмаса, сўнг ночор эмизиш лозим бўладики, икки кундан ортиқ оч ва овқатсиз туриши боланинг тоқатидан ташқаридир.

Бола биринчи марта эмизилганда

Агар болани ҳарқачон биринчи марта эмизиш лозим бўлса, аввало озгина асални бармоқ билан боланинг оғзига солиб, сўрдириш керак, шунда асал боланинг меъдасига жило бериб, тарбия қилади ва сутни ҳазм қилишга тайёрлайди. Асалнинг ширинлиги табиатга ёқимли бўлгани учун бола табиатини огоҳ қилиб, овқат учун унинг диққатини жалб этади.

Эмизишдан аввал доя бош бармоғини асалга ёки бошқа ширинликка тегизиб, шу бармоқни боланинг оғзига солиб, танглайига мазкур ширани яхшилаб суртиши керакки, бунинг номи эл орасида танглай кўтариш дейилади. Бу амалдан сўнг эмизиш раво бўлади. Тажриба билан исбот бўлганки, боланинг танглайини қайси нарса билан кўтарилса ўша бола бутун умрида шу нарсадан зарар кўрмайди. Агар зарар кўрса, бошқа одамларга

нисбатан жуда кам зарар кўради. Ҳатто боланинг танглайини кўтаришда чаённи янчиб, новвот билан кўшиб, сўнг шу билан танглай кўтарганлар ва натижада шу болани умри давомида неча бор чаён чақсада, бироқ унга алам ва озор етмагани нақл қилинади.

Билмоқ керакки, болани эмизишда озгина эмизиш керак. Сўнг даражама-даража кундан-кунга орттириб борилади. Чунки биринчи мартабада боланинг табиати ва меъдаси овқатга одат қилмагани сабабли ҳамда она сути ҳануз зардоб ва чиқиндидан тоза бўлмагани сабабли кўп сут эмса ҳазми хатарли бўлади. Озгина сутнинг бёзарар ҳазм бўлиши тажрибадан ўтган ва тадрижий кўпайтирилган сут хатардан холийдир.

Болани эмизиш вақти

Болани ҳар гал эмизишда яхши вақт шуки, боланинг ўзи сут талаб қилиб йиғлаган бўлсин. Чунки боланинг йиғлаши чин иштаҳага белгидир. Яна йиғлаш бола учун риёзат бўлиб, ҳарорат кучаяди, ҳазм қуввати бақувват бўлади, сутни ҳазм қилишга иқтидор пайдо қилади. Эмизиш навбати эса бир ҳафта бўлгунча кунига икки ё уч вақт бўлиши керак. Меъдани бирданига тўлдириб эмизиш кўпинча меъдада бод пайдо қилади, юракда дам ва чўзилиш юз беришига сабаб бўлади ҳамда бошқа офатларни келтириб чиқаради. Агар тасодифан шундай воқеа юз берса эмизишни тўхтатиб, болани узоқ муддат кузатиш керак. Қачонки боланинг меъдасида енгиллик пайдо бўлса ва бола ўз хоҳиши билан эмишни талаб қилса ва она шу пайтда эмизишга киришса, аввало эмчакни икки уч марта соғиб ташлаб, сўнг эмизиши лозим. Хусусан, агар сути айбли бўлса бу вақтда албатта соғиб ташалаш зарур. Айбдор сутни ислоҳ қилиш ва сўзлашни алоҳида фойда билан баён қиламиз, иншааллоҳу таъоло.

Сутнинг энг яхшиси

Билмоқ керакки, бола учун сутнинг энг яхшиси ўз онасининг сутидир. Ҳаким Муҳаммад Акбар Арзоний айтадики, тажрибада синалганки, боланинг онасида мутлақо сут мавжуд бўлмай, ночор болани бошқа эмизувчига эмиздириб

тарбия қилинган эди. Унинг баданида бир неча хил азият ва нуқсон бор эди. Сўнг баъзи пайтда ўз онасининг қуруқ эмчагини сўрган эди, сути йўқлигига қарамай, қуруқ эмчак шифо бўлиб, боланинг баданидаги азиятлари йўқ бўлди.

Агар боланинг онаси узрли ва бетоб бўлса, бошқа эмизувчи соф ва соғлом бўлса, қуйроқда баён қилинадиган сифатларга эга бўлса бу пайтда ўз онасининг сутидан бошқа эмизувчининг сути яхшидир.

Мурзиъа, яъни эмизувчи энанинг яхшироғи шуки, куч бағишловчи дориларни истеъмол қилишга одатланган ва ўзининг соғлиғини яхши сақлаган бўлиши керак, токи унинг таъсири билан болага зарур бўлган қувват шу замондан ҳосил бўсинки, асл мақсад ва улуг фойда эса шудир.

Агар болани ўз онаси эмизмоқчи бўлса, боланинг таваллудига етти кун тўлгунча эмизмасинки, бу етти куннинг ўртасида унинг сути бузуқ ва чиқинди балан аралашган бўлади. Етти кун ўтса эмизиши мумкин бўлади. Баъзи табибларнинг айтишларича, бу манъ этиш ўз онасидан бошқа энага учун айтилган. Яхшиси шуки, бола биринчи марта ўз онасини эмсин, токи боланинг аслий қисм ва аъзолари аввало шу сут билан банд бўлиб, семиради. Чунки барча сутларнинг жавҳари ҳазмдан сўнг баданга қўшилиб, гўштга айланиши учун болага ўз онасининг сути гўё моя (хамиртуруш, ачитқи) кабидирки, гўё сутга томизғи солинганда сутни қатиқ қилгани каби, онанинг сути ҳам бошқа сутлар ва овқатларнинг баданга айланишига моя ва кўмакчи бўлади, дейди табиблар.

Аммо бу фикр эътиборга лойиқ эмас, чунки етти кун ичида эмизишдан қайтариш бошқа эмизувчи тўғрисидадир. Демак таажжуб қилса арзийдиган ишки, агар ўша эмизувчи энага ҳам туғиб ётган бўлса, албатта, унинг сути бузуқдир. Ўз боласига номуносиб сутнинг бегона болага ҳам номуносиблигига шубҳа йўқ. Бундай ҳолда қайтаришнинг фойдаси йўқ. Агар ўзи туғмаган энага бўлса унга етти кун муҳлатнинг шарти бефойдадирки, янги туғмаган аёлнинг сути бузуқ бўлса ҳамма вақт ҳам бузуқ бўлади, соз бўлса ҳамма вақт ҳам соз бўлади. Аммо ўз онасининг сути болага моя кабидир, деган жумла ҳақиқатга яқин бўлса ҳам, бироқ фасолдан холий бўлиши шарт.

Демак, исбот бўлдики, бу манъ этиш боланинг ўз онаси ҳақида бўлган манъодир, мазкур етти кун ичида ҳануз фосидлик сабабидан она сут эмизидан қайтарилди. Етти кундан сўнгги она сути моя (томизғи) каби фойдали экани шубҳасизки, буни инкор этиб бўлмайди. Фақат эҳтиёт шуки, тугилгандан сўнг етти кунгача она сутида фасод ва зарар хавфи бўлгани учун эмизмаслик афзалдир. Агар боланинг асл жисмий моддаси онанинг манийсидан ва ҳомила муддатидаги овқати онанинг қони бўлиб, гўё онанинг бир бўлаги бўлгани учун онанинг сүтидан ҳам бир бора эмизиши сазовордир, зиёдаси мумкин эмас. То етти кунгача бошқа энага эмизиши ва шу вақт ичида боланинг онаси ўзини соғиб ташлаб туриши ёки бошқа бир одамга эмчагини сўрдириб ташлатиши лозим. Агар сўриб ташлайдиган одам муяссар бўлса ўзи соғиб ташлаганидан афзалдир.

Етти кундан сўнг онасининг сүтига қараш керак, агар сүтининг қуюқлиги ва ранги мўътадил бўлса боласини эмизишга рухсат бўлади. Агар қивоми суюқ бўлса ва ранги бузуқ бўлса то ислоҳ топгунча яна кутиб туради. Агар боланинг онаси ҳамда дояси навбат билан эмизадиган бўлса, аввал биттасининг сути тўлиқ ҳазм бўлиб, боланинг меъдаси сүтдан бўшаб, чин иштаҳа пайдо бўлгунча иккинчиси эмизишни тўхтатиб туради. Чунки мизожда бир-бирига ўхшамаган икки хил сүтнинг бир меъдада йиғилиши гўё бир-бирига қарама-қарши бўлган икки хил сүтнинг бирга қўшилиши каби зарарлидир.

Агар она сути кўп бўлса

Билмоқ керакки, агар эмчақда сут кўп бўлса эмизувчи эмизаётган вақтда эмчагининг тугмасига яқинроқ жойдан сиқиброқ ушлаб, сут йўлини бироз торайтириб, сўнг боланинг оғзига солиши керак ва бир дамдан сўнг оғзидан тортиб олади, токи бола оғзига сүтни ютиб, оғзини бўшатиб олади. Сўнг яна оғзига эмчагини солади ва ҳақозо сүтнинг кўплиги камайган пайтгача шу усулда эмизиш керак. Шунда оғзида кўп сүт тўпланиб, боланинг томоқ йўлига сиғмай, ортиқчаси мия, бурун ё ўпка йўлига кетиб, бола қоқинмайдики, қоқинишдан болага катта қийинчилик етади. Ҳатто ўпка йўлига кетган сүт нафас олишга тўсиқ бўлиб, ҳалокатга боис бўлиш хавфи бор.

Икки томондан эмизиш

Яна эмизувчи то бир йилгача, балки кўпроқ вақтгача боланинг ҳар икки томонидан келишга риоя қилгай, яъни бир марта боланинг ўнг томонидан келиб, бир марта чап томонидан келиб эмизади. Ўсишда бола бошининг бир томони ўсиб, иккинчи томони босилиб ётгани сабабли кам ўсишдан ва гардани ҳам бир томонга кўпроқ бурилганидан эгри бўлиб қолишдан омон бўлади.

Яна билмоқ керакки, агар боланинг йиғлаши эмизиш билан таскин топса, демак йиғлашнинг сабаби очликдир. Агар эмизганда ҳам юпанмаса ёки кўкракни қабул қилмаса бу ҳолат боланинг танасида бир оғриқ борлигига ёки мизожида бирорта ўзгариш юз берганига далилдир. Чунончи, тез орада ҳар бир юз берувчи ва ўзгарувчи аломатлар баён қилинади. Шундай қилиб тезлик билан чора кўриш лозим бўлади, токи чоранинг орқага сурилиши ҳамда йиғлашнинг шиддати билан сабаб кучайиб кетмаслиги керак.

Чунончи, кўп болаларда кузатилганки, баъзиларида кўп йиғлашдан ва бунинг чораси кўрилмаганидан болада ҳушдан кетиш ва қуёнчиқ касали юз берган. Баъзиларида дабба касалига ёки киндиги ўсиб чиқиши каби офатлар пайдо бўлган.

Бола эмизувчининг шартлари ҳақида

Билмоқ керакки, эмизувчи аёл учун тўққизта шарт бор. Бироқ мазкур шартлардан беш хилининг мавжуд бўлиши зарурий ҳисобланади, қолганлари фазлийдир, яъни қолгани ҳам мавжуд бўлса бу зиёда фазилатдир. Агар мавжуд бўлмаса фарқи йўқ. Демак, аввало мавжудлиги зарурий бўлган бешта шартни баёни лозим кўрилди.

Биринчи шарт шуки, эмизувчи аёлнинг ёши йигирма бешдан кам ва ўттиз беш ёшдан зиёда бўлмаслиги керак. Чунки ёши шунинг ўртасида бўлган аёлнинг қуввати тўлиқ ва шунга нисбатан сути ҳам яхши бўлади.

Иккинчи шарти шуки, баданида ҳарорати мўътадил, семиз ва гўштдорликда ҳам мўътадил ҳолда бўлиши керак. Чунки бу мўътадилликларнинг ҳаммаси мизожнинг яхшилигига далилдир.

Чунки баданида ҳарорат кучли бўлса сути қуюқ бузилишига қобил бўлади. Боланинг меъдасида ивиб қолиш ва ҳазм бўлмаслик эҳтимоли яқин бўлади. Агар ҳарорати кам бўлса сути ювукроқ ва чиқинди рутубати кўпроқ бўлади. Шунингдек, семиз ва гўшти бўлса сутида ҳам ҳарорат ва рутубат ғолиброқ бўлади. Агар камгўшт бўлса сути совукроқ ва қуюқроқ ва сутда савдо моддаси кўпроқ бўлади.

Агар бадани семиз ва серёғ бўлса сути совук, рутабати кўп, балғам моддаси ҳам кўпроқ бўлади.

Аёлнинг бадани чиройли рангда бўлиши керак, негаки баданнинг рангги мизожга тобе бўлиб, рангнинг тозалиги мизожнинг соз ва мўътадил эканига далилдир. Яна гардани бақувват ва кўкраги кенг бўлиши лозим, негаки гарданнинг бақувватлиги миянинг қувватига намунадир. Кўкракнинг кенглиги юракнинг қувватига далилдир. Яна эмизувчининг мушаклари катта ва бақувват бўлиши керак, чунки бу нарса табиий ҳароратнинг кўплигига далилдир. Яна гўшти қаттиқ ва пишиқ бўлиши лозим, чунки гўштининг қаттиқлиги баданда чиқинди моддаларнинг камлигига далилдики, бу шартларга мувофиқ бўлса бадани соғлом ва айнаш – бузилишни қабул қилмайди.

Учинчи шарт шуки, хулқи ҳам ёқимли ахлоқ билан ораста бўлиши лозим. Нафсоний ишларнинг ҳеч биридан тезда ўзгариб, тез таъсир олмаслиги, яъни салгина сабаб билан тезда ғазаб, ғам ва кўрқув каби ҳолатлар пайдо бўлмаслиги керак. Зероки бу нарсалар аёлнинг мизожи мўътадил эмаслигини билдиради. Чиройли хулқ мизожнинг мўътадиллигини билдиради.

Сўзнинг хулосаси шуки, бадан ва нафснинг саломатлиги, мизожнинг соғлом ва мўътадиллиги сут учун тўлиқ таъсирга эга. Шунинг учун ҳам ҳазрати Набийи муҳтарам саллаллоҳу алайҳи ва саллам телба ва мажнуна аёлга эмиздиришдан қайтардилар. Бу ҳадиси шарифни ҳаким Шайх ур-раис (унга Аллоҳнинг раҳмати бўлсин) “Қонун” китобларида нақл қилиб ва бу нақлга иймонлари комил эканликларига ишорат қилиб, ҳадиси шарифни келтирганларидан сўнг “ва йуноди залика би-ъала савтиҳи” жумласини зиёда қилганлар, яъни ҳадис мазмунининг ғоятда муҳимлигига биноан, Жаноби ҳазрат огоҳлантириш учун ҳаракат қилиб, бу ҳадиси шарифни баланд овоз билан айтдилар, деб ёзганлар.

Тўртинчи шарт шуки, эмизувчининг эмчаги солиқ бўлиши керак. Эмчакнинг солиқлигидан мурод шуки, барча қисми йиғилиб турадиган бўлиши, яъни жуда юмшоқликдан осилиб тушган бўлмаслиги ҳамда ортиқча қаттиқ бўлмаслиги керак. Катта ва кичикликда ҳам ўртача бўлиши керак. Чунки эмчакнинг бу айтилган каби бўлиши мизожнинг мўътадил эканини билдиради.

Бешинчи шарт шуки, сутининг қуюқлиги ҳам мўътадил бўлиши керак. Рангги соф оқ рангли, таъми ширин, ҳиди яхши, кам кўпик ва барча қисми бир-бирига ўхшаш бўлиши лозим, яъни диққат билан назар қилганда баъзи қисмида суюқлик ва баъзи қисмида қуюқлик сезилмаслиги лозим. Билмоқ керакки, бу бешинчи шартга риоя қилиш бошқа барча шартларда зарурроқдир, чунки боланинг емиш моддаси ва ҳаётининг воситаси фақат сутдир. Бунинг эҳтиёти эса албатта вожибдир. Ҳатто ушбу шарт вожиб бўлмай, бошқа барча шартлар битта эмизувчида мавжуд бўлса ҳам унга эмиздириш мумкин эмас. Агар ушбу шарт мавжуд бўлиб, бошқа шартлари тамом топилмаса ҳам, зарурат вақтида унга эмиздириш раводир.

Яна билмоқ керакки, аксар аёллар бўладики, ўзи ўрта ёшли ва тани соғлом бўлади, бироқ эмчагининг мизожи заиф ва бузуқ бўлади. Шу сабабли унда ҳосил бўлган сут ҳам заиф ва бузуқ бўлади.

Яна кўп аёллар бўладики, уларнинг ёшлари ўрта ёшда бўлмаса ҳам, бироқ эмчакларининг мизожи ғоятда бақувват бўлади. Яна унда салоҳиятли сут ҳосил бўлади. Сутнинг салоҳиятлигига эса етти хил белги далилдир.

Биринчи белги шуки, сутнинг қуюқлиги ўртача бўлади. Қуюқлигининг мўътадил экани қуйидаги тариқ билан имтиҳон қилинади, яъни тирноқнинг юзига бир томчи сут томизилади. Агар сут тирноқ устидан оқиб кетса суюқ деб ҳукм қилинади. Агар тўхтаб қолса уни қуюқ деб ҳукм қилинади. Агар оқиб кетишга мойил бўлса, сўнг тўхтаб қолса уни мўътадил деб ҳукм қилинади. Сутнинг қуюқ-суюқликдаги мўътадиллиги сутнинг комил даражада етилганига ҳамда суви билан қолдиғи бир-бирига мутаносиб миқдорда эканига далилдир.

Иккинчи белгиси шуки, миқдори мўътадил бўлади. Чунки сутнинг камлиги мизожнинг қуруқлигига ва эмчакнинг сут пайдо қилувчи фобилининг заифлигига далолат қилади. Ортиқча кўплиги эса баданда рутубатнинг кўплигига далилдир. Рутубатнинг кўплиги сутни тезроқ айнаши ва бузилишини тез қабул қилишига сабаб бўлади. Бас, ҳар иккисининг ўртаси бўлган мўътадил даражаси афзал ва мустаҳкамдир.

Учинчи белги шуки, рангги тўлиқ оқ бўлади. Чунки бу оқ бўлган сут моддасини табиат эмчакка тамом ҳавола қилганига ва ҳам уни мукамал тасарруф қилганига далилдир, яъни эмчак билан сут ранги бир-бирига тўлиқ ўхшашлик пайдо қилган бўлади. Маълумки, эмчакнинг ширдони, яъни елинининг ранги оқ бўлади. Ҳар қандай аъзо ҳазми тўлиқ қилса ҳазм бўлувчининг ҳам рангини ўзгартириб, ўзининг рангига ҳамшакл ва ҳамранг қилиш лозим экани юқорида далиллар билан зикр этилди. Демак бундан маълум бўладики, соф оқ бўлмаган ва бошқа рангга бироз мойилроқ бўлган сутларнинг ҳаммаси яхши эмас.

Аммо камид, яъни кўрғошин рангига мойилроқ бўлган сут мизожнинг совуқлигига ва савдонинг ғалабасига далилдир. Аммо кўк рангга мойилроқ бўлгани ҳам совуқ бўлиб, бирозгина жумудлик ҳосил қилганига далилдир. Аммо жумудлик сут бақувват бўлмайди, чунки жумуд кучли қора ранг пайдо қилади. Сутнинг сариқ рангга мойил бўлиши сафро моддаси аралашганига далолат қилади. Қизил рангга мойиллиги эмчакнинг ҳазм қуввати заифлигига ва сут моддаси бўлган қонни тўлиқ даражага етқазиб оқартира олмаганига далилдир. Агар эмчакнинг қуввати бағоят ожиз бўлса сут ўрнига фақат қон келади.

Тўртинчи белгиси шуки, салоҳиятлик сутнинг ҳиди яхши бўлади. Чунки аччиқ ва бадбўй ҳид ва димоқ пардасини қабз қиладиган ҳидлар сутнинг фасодлигига далилдир.

Бешинчи белги шуки, сут ширин мазали бўлади. Зероки ширинлик сут моддаси бўлган қоннинг холис ва покизалигига, бошқа хилтларнинг таъсиридан холийлигига далилдир. Яна сутнинг бироз ҳароратга мойилроқ бўлиши сафронинг ғалабасига далилдир. Таъмининг шўрга мойил бўлиши сафро

ва балғамнинг аралашганига далилдир. Таъми бироз нордонга мойил бўлиши ва ранги оқ бўлиши нордон балғам аралашганига далилдир. Агар таъми нордон ва ранги тийра бўлиши савдонинг аралашганига далилдир.

Олтинчи белгиси шуки, ҳаммаси бир-бирига ўхшаган бўлади, бирорга қисми қуюқликда ва рангда бошқа қисмида ажралиб турмайди. Бу эса сутнинг таркиби тенг ва мукамал пишиб етилганига, таъсир қилувчининг таъсири сутга ҳамшақл бўлганига далилки, шундай сут ҳам яхши сутлардан ҳисобланади.

Еттинчи белгиси шуки, сут соғиб кўрилса кўпиги кўп бўлмайди. Чунки кўпикнинг кўплиги сутга бод (ел) нинг аралашмасига далилдир.

Агар эмизувчининг сути шу айтилган шартга мувафиқ бўлмаса, ночор қуйроқда зикр қилинадиган тадбирлар билан сути ислоҳ қилинади. Айтилган бешта шартлар зарурий шартлардир.

Олтинчи шарт шуки, эмизувчи аёл ўз ҳомиласини табиий муддатда туғиб юрган бўлиши керак, яъни ҳомиладорликнинг бошидан бошлаб то тўққиз ой ичида туғиб юрган бўлиши керак ёки бу муддатдан бошқа бир муддатга одат қилган бўлса ўша муддатида туғиб юрган бўлиши лозим. Чунки бу ҳолат ҳайз қонининг аҳволи ва бачадоннинг салоҳиятига далилки, буларнинг аҳволи сут аҳволининг салоҳиятли бўлишига боғлиқ. Чунки сутнинг моддаси ҳайз қони бўлиб, унинг бузилиши, албатта, ҳосил бўлган сутга таъсир қилади. Шунингдек, бачадоннинг ҳам эмчак билан шериклик алоқаси бор. Шу алоқа билан ичида тарбияланган боланинг камолотидан ва тез фурсатда таваллуд юз бериши сабабли сутга ҳожат борлигидан эмчакни огоҳ қилади. Бинобарин, таваллудга яқин вақтда эмчак ўсиб, сут ҳосил қила бошлайди.

Агар бачадон аҳволида бузилиш бўлса, мазкур алоқа воситаси билан унинг бузилиши сутга таъсир қилиш муқаррардир. Демак, бачадоннинг соғломлиги ва салоҳияти талаб даражасида бўлиши керак. Шунинг учундирки, боласи тушиб кетган, гарчи туғиш муддати мукамал бўлса ҳам, бироқ боласи тушиб кетадиган одати бўлган аёлнинг сути билан болани эмиздириш мумкин эмас. Чунки бола тушишига одат қилиш, албатта, бачадоннинг нуқсонидан ёки ҳайзнинг фасодидан юз беради. “Чунончи айтиб ўтилди”.

Еттинчи шарт шуки, бола эмизувчи аёл ўғил туққан ёки кўпинча ўғил туғиб юрадиган аёл бўлиши керак. Чунки ўғил туғиш ҳайз ҳолининг сиҳҳатиға ва табиий ҳароратнинг кўплигиға далилдир. Зероки боланинг ўғил бўлишида ҳайз қонининг соғ, бақувват ва тўлиқ етилган бўлиши шартдир. Баъзи ҳозиқ табибларнинг фикрларича, ўғил болани эмизиш учун энаганинг қиз туққан бўлиши, қиз болани эмизиш учун эса ўғил туққан бўлиши муносиб эканлиги, бу нарса боланинг мизожи учун мўътадиллик боиси бўлиши айтилса-да, бироқ бу беасосдир.

Саккизинчи шарт шуки, энаганинг туғиши яқин кунларда юз бермаган ёки туққанидан узоқ вақт ўтмаган, балки ўртача муддатли бўлиши керак. Зероки кўп вақт ўтганда унинг боласи сутдан бошқа овқат ейишға одатланиб, сутға ҳожати камая бошлаган сари сут ҳосил қилиш учун онасидаги табиатнинг диққати ҳам камая бошлайди ва сутни камроқ ҳосил қилади. Демак озгина миқдордаги сут иккита болага кифоя қилмай, ҳар икки бола овқатида нуқсон пайдо бўлади.

Агар жуда яқин вақтда туққан бўлса, унинг сути ҳануз чиқинди рутубат моддалардан тозаланмаган ва етилмаган бошқа моддалардан ҳолий бўлмаган ҳамда туғиш сабабли аёлнинг сути ва мизожи заифлашгани учун ҳануз сутнинг тўлиқ пишиб етилишиға қодир бўлмаган бўлади. Бинобарин, ҳар икки ҳолатда ҳам унинг сути бола учун соз ва муносиб эмас. Балки ўртача бўлган вақтидаги сути соз ва фойдалидир. Ўртача вақт эса кўпгина хотинларда туғишидан қирқ кун ўтгандан то етти ойгача бўлган даврдаги вақтдир.

Тўққизинчи шарт шуки, болани эмизиб юрган вақтларда эмизувчи аёл ўзини жинсий алоқадан ва сутнинг бузилишиға сабаб бўладиган бошқа сабаблардан эҳтиёт бўлиши керак. Баданға азият етказадиган ва нафс учун ёқимсиз сезиладиган нарсаларнинг ҳаммаси сутни бузади. Яна муносиб бўлмаган овқат ҳам сутни бузади. Чунончи, буларни шу фаслнинг охирида алоҳида фаслда муфассал баён қиламиз, иншааллоху таъоло.

Сут учун энг зарарли нарса

Билмоқ керакки, сут учун энг зарарли нарса жинсий алоқадир. Зероки жинсий алоқадан ҳайз қони ҳаракатга келади. Унда ҳосил бўлган ва кўтарилган бухорот сутга таъсир қилиб, унинг ҳидини бузади ва миқдорини камайтиради. Жинсий алоқада уруғнинг тўкилишидан баданда юз берган ҳарорат сутнинг жавҳарини фасод қилади. Яна агар шу жинсий алоқадан ҳомила пайдо бўлса ҳайз қони эмадиган боланинг овқатига сут бўлиш учун ҳамда бачадондаги ҳомилага ҳам овқат бўлиш учун тақсим бўлиб, ҳар иккисига ҳам кифоя қилолмай, катта зарар пайдо қилади.

Шунинг учундирки, ҳадиси шарифда эмизувчи аёл жинсий алоқадан қайтарилган. Чунончи, “Мишкот ул-масобиҳ” китобининг охирида “Боб ул-мубошарат фи-н-никоҳи” фаслида зикр қилинган. Биз ҳам бу ерда табаррукан келтирамиз: “Ҳан Асмо бинти Язид қолат, самиъту Расулуллоҳ (с.а.в.) йақулу ла тақтулу авлодакум сирран фаиннал-ғилла йудрик ул-фарис фа-йудъисуҳу Ҳан фарисиҳи”. Равоҳу Абу Довуд.

Луғат аҳлининг айтишларича “ғил”нинг маъноси эркакнинг эмизувчи аёл баданини қўллари билан сийпаш ва жинсий алоқа қилишдир. Баъзилар “ғил”нинг маъносини ҳомиладор ҳолда эмизиш ёки ҳомиладор ҳолда жинсий алоқа қилиш, дейдилар. “Йудъисуҳу” эса “йусқитуҳу” маъносида бўлиб, яъни ҳомилани туширади маъносида. Демак ҳомиладор ҳолда бола эмизиш ёки ҳомиладор ҳолда жинсий қўшилиш, буларнинг ҳар иккиси ҳам ақлан, ҳам нақлан мумкин эмасдир.

“Мишкоти шариф” китобининг мазкур бобидаги бошқа бир ҳадиснинг мазмунидан, гарчи ҳомиладор ҳолда жинсий алоқанинг мумкинлиги англашилса-да, бироқ муҳаддисларнинг қонунларида бир-бирига тескари бўлган икки ҳадиснинг руҳсат ҳолида бўлгандан манъ ҳолида бўлгани кучлироқ ва мўътабарроқдир ҳамда бу ҳақда ворид бўлган қайтарувчи ҳадиснинг бақувватлиги ақлан ҳам мустаҳкамдир.

Демак бу ҳадиснинг қайтаришига амал қилиш яхшидир. Хусусан, болани эмизиш учун энага олиш ва шаҳватни сўндириш учун бир неча хотин олишга қодир бўлган бадавлат

кишиларга ҳадиснинг буйруғига амал қилиш сазовордир. Фақат биттадан бошқа хотини бўлмай, ўзини сақлашдан ожиз бўлиб, ҳаром ишга кетиш хавфи бўлса, яна энага сақлашга имконияти ҳам бўлмаса, жинсий алоқага рухсат этилган ҳадисга амал қилиши раводир. Шу сабабли фикҳий китобларда бу иш манъ қилинмаган.

Бироқ эҳтиёт шуки, бундай одам иложи борича бу ишдан ўзини сақлаши лозим. “Мишкот” китобини шарҳловчи олимлар бу манъ қилувчи ва рухсат берувчи икки ҳадисни бир-бирига татбиқ қилиш учун кўпгина таъвил ва тушунтириш ёзганлар. Аммо тадқиқотлардан олинadиган хулоса юқорида зикр қилинган маънодир. “Аллоҳ тўғрилигини билувчироқдир”.

Эмизувчи аёлга муносиб овқатлар ва унга зарарли таомлар ҳақида

Билмоқ керакки, мазкур шартларга мувофиқ эмизувчи аёл муяссар бўлса болани эмизишдан бир ҳафта олдин энагага зарар қиладиган овқатлардан парҳез қилдириб, муносиб таомлар билан тарбия қилинади, токи унда яхши сут ҳосил бўлсин. Муносиб овқатнинг энг яхшироғи буғдой, жувори, қўзининг гўшти, эчки боласининг гўшти, янги ҳидланмаган балиқ гўшти ва шунга ўхшаш каймус ҳазмига салоҳиятли овқатлардир.

Сабзалардан муносиброғи кохудирки, уни туркийда қоқи ўт дейдилар. Мевалардан муносиброғи бодом мағзи ва фундук, туркийда рус ёнғоғи дейилади. Сабзаларнинг энг ёмони жиржирдирки, уни форс тилида таратизак дейишади, хардалки, уни рус тилида гарчица дейдилар, бодружки, ёввойи райхондир, буларнинг ҳаммаси сутни бузадиган нар-салардир.

Энагани мўътадил риёзатга, мўътадил ҳаммомга ва баданини мўътадил даражада уқалатишга буюриш керак. Ҳеч қачон зўр меҳнат, ғам, ташвишга йўл бермаслик лозим. Аммо гоҳ-гоҳ салгина ғазаб энага учун фойдалидир, бу унинг қони ва ҳарорати бадан юзасига мойил бўлиб, сутнинг етилиши учун эмчагига ёрдам беради. Хусусан, агар энага совуқ мизожли бўлса қасддан унинг ғазабини келтириш фойдалидир.

Огоҳлантириш. Билмоқ керакки, юқорида айтилган шартларга мувофиқ энага топилмай, балки сути қуюқ ва бадбўй бўлган энага мавжуд бўлса ёки ҳайвон сути ҳам шу айтилган тариқада бўлса, уни ислоҳ қилишнинг тадбири кўйидагича: аввал сутини идишга соғиб, сўнг бир муносиб вақтгача идиши билан очиқ ҳаволи жойга қўйилади. Сўнг болага ичирилади, негаки ҳаво ўша сутни ислоҳ қилиб тузатган бўлади.

Энаганинг сутини ислоҳ қилиш учун ялпиз, зуфо, жамбил ва саътар каби юмшатовчи нарсаларнинг уруғидан кўшиб пиширилган сиканжубиндан тановул қилдириш бадан сутини созловчидир. Балиқнинг бир қисми бўлган тарих гўштининг истеъмоли ҳам бадан сутини латиф қилади. Шунингдек, бу латиф нарсалардан бўлган овқатлардан ейишга буюриш лозим. Ҳар тўрт кун орасида сиканжубин ва иссиқ сув ичиб, қусишга буюриш керак. То сут ислоҳ топгунча шу нарсаларни амалга ошириш ва бундан зиёда бўлса ҳам, яна яхшидир.

Билмоқ керакки, бадан сутининг ислоҳига мўътадил риёзат ва иссиқ сув билан чўмилиб туришнинг ҳам ажиб таъсири бор. Райҳоний шаробини ичиш ва хушбўй таомлар ейиш сутнинг бадбўйлигини йўқотишда кўп фойдаси бор. Агар сутнинг бузилишига сутнинг кўплиги сабаб бўлиб, эмчақда кўп миқдор сут йиғилиб қолгани учун уни ислоҳ қилишга табиий ҳарорат кифоя қилмай ночор қуюлган овқат истеъмол қилиш, хусусан, кўкат овқатлардан тановул қилиш билан чекланиш керак. Зирани янчиб, сиркада қориб, эмчагига боғлаш лозим. Ёки сиркани тоза тупроқ билан қориб боғлаш ёки ясмиқни сирка билан қайнатиб боғлаш ва шўр сув ичишнинг ҳаммаси фойда қилади.

Агар энаганинг сути мўътадилликдан суюқ бўлса, бунинг ислоҳи учун риёзатни тарк этиш ва тинчликка ва қонни қуюлтирадиган хушбўй овқатларни истеъмол қилишга буюриш лозим. Масалан, муяссар бўлса оху, яъни кийик гўшtidан, йўқ бўлса, сигир гўшtidан, хусусан, ёши икки ёшга тўлмаган тана гўшtidан шўрва, қовурдоқ, кабоб қилиб, хушбўй зираворлар билан ейиш керак. Агар мазкур гўшт ва баҳорий

қизил буғдойдан ҳалим қилинса барчасидан афзалдир. Агар бирорта монельлик бўлмаса ширин таъмли шароб ичириш ва узум шарбатини ичириш кўп фойда қилади. Яна кўпроқ ухлашга буюриш керак.

Огоҳлантириш. Умумий қоидадирки, риёзат рутубатларни эритиб тарқатишга сабаб бўлади. Сутнинг суюқлиги эса унга ортиқча рутубатнинг аралашувидан экани муқаррардир. Демак бу жойда сути суюқ бўлган аёлга риёзатни тарк этиш буюрилди ва бу қоидага хилоф бўлди, деб шубҳа қилинмасин. Чунки у тез тарқаб ўтувчидир.

Бас, ҳар нарсаки, ҳазм учун тез ҳал бўлувчи бўлса, албатта, озгина сабаб билан фасод бўлувчи ҳам тез ҳал бўлувчидир. Хусусан, суюқ сутда рутубат голиб бўлиб, озгина баҳона билан ачишга қобилдир. Риёзатнинг тарқатувчилиги, маълумки, бу ҳароратни зиёда бўлиши сабаблидир. Демак, агар сути суюқ аёл риёзат қилиб, риёзатнинг ҳарорати билан сутнинг рутубати ачиш ҳосил қилса, сутни тамом фасод қилади. Демак риёзатни тарк этиши ва оромда бўлиши лозим.

Кўп ухлашга буюришда ҳам ҳикмат шуки, уйқуда ҳарорат бадан ичига ружуъ қилади, меъданинг ҳазм қилишига кўмак бериб, тоза қон ҳосил бўлишига сабаб бўлади ҳамда бадан ташқарисида ҳароратнинг кам келиши эмчакдаги сутни айнашидан сақлайди. Бундан кейин ҳосил бўладиган сутни қуюлтириш овқат тадбири билан мумкин бўлади. Агар энаганинг сутида иссиқлик голиб бўлса ва мизожи иссиқ бўлса унинг мизожини аввал мўътадил қилиш керак, шунда сут ўз-ўзидан мўътадил бўлади.

Билмоқ керакки, эмизувчи ўзи оч бўлган ҳолда болани зинҳор эмизмаслиги керак. Ўзи аввал таом еб, сўнг болани эмизади, зероки очликда ҳарорат кўп бўлади. Таом еганда ҳарорат пасаяди. Сиканжубин ва суюқ шаробнинг ҳар бири ёлғиз ёки бир-бирига қўшиб ичилса, ҳароратни сўндиришга ажиб таъсир қилади. Агар сутнинг бузилишига совуқ сабаб бўлса, баданни қизитадиган овқатлар ва даволардан истеъмол қилсин. Баданни совитадиган ва қизитадиган тадбирларни камсутлик ҳақидаги баёнга қўшиб, муфассал баён қилинади.

Камсутликнинг сабаби ва тадбирлари ҳақида

Билмоқ керакки, агар сут кам бўлса олти сабабдан холий бўлмаски, ё иссиқдан ё совуқдан ё сут бўладиган модда йўлини банд бўлганидан ёки эмчакнинг тортувчи қуввати заифлигидан ё овқатнинг кам ёки номуносиблигидан ёки нафсоний ишлардан бўлади.

Агар иссиқдан бўлса текшириб кўриш лозимдирки, иситма баданнинг ҳаммасидами ёки фақат эмчакнинг ўзидами. Бунинг сабабини аниқлаб, ўша сабабни йўқотиш керак. Сўнг иссиқни тушириш ва мизожни мўътадил қилиш учун муносиб даво қилиш лозим. Масалан, баданнинг ҳаммасида иссиқ бўлса бунинг сабаби ё сафро сабабли бўлади, бунда оғизнинг таъми аччиқ бўлади, уйқу кам, тил ва томоқ қуруқ бўлади. Иштаҳа ҳам йўқолиб, ташналик голиб бўлади. Бошда эса икки чеккадан бошланувчи оғриқ бўлади. Чекка томири тўла ва тез ҳаракатли бўлади. Юзда ва тилнинг ўстида, сийдикнинг рангида сариклик пайдо бўлади, сийдик ачишиб келади.

Демак, аввал ўткир сиканжубин ичиб, ортидан қайноқ сув ичиб, сафрони қусиш билан тушириш, орқасидан сиканжубин танҳо ичиш, ўрик ёки олхўри ёки тоғ олчасини ивитиб ичиш, зиркни қайнатиб, сувига қанд ва шакар қўшиб, қуюлтириб истеъмол қилиш билан ҳароратни сўндириш керак. Зероки, агар сафро йўқ қилинмаса ҳарорат босилмайди. Ҳарорат босилмаса сут бўладиган модданинг рутубатини тарқатиб камайтиради. Бунинг белгисини билиш учун эмчакни қўл билан ушлаб кўрганда бошқа бадандан иссиқроқ сезилади. Унга латтани совуқ сувга ҳўллаб ёпиш, кашнич, коҳу каби совуқ мизожли гиёҳларни янчиб боғлаш кифоя қилади. Яна туршакни суви каби бироз совуқ мизожли нарсани ичиш билан мизож ҳам мўътадил бўлади. Овқат учун ҳаммадан яхши нарса кашкоб, исмалоқ ва коҳу (қоқиўт) лардир.

Агар баданнинг иситмаси ташқи сабаблардан пайдо бўлган бўлса, чунончи, қуёшда кўп юриш, оловли хизматга кўп машғул бўлиш ёки оғир меҳнат қилиш каби сабаблардан пайдо бўлса бу машғулотларни тарк этиш, сўнгра талха (сачратқи) ўтини янчиб, сувда ивитиб, сувидан бир-икки қултум ичиш,

қолган сувда чўмилиш керак. Шоҳтара гиёҳи истеъмол қилинса талхадан бақувватроқ ва фойдаси тезроқ ҳосил бўлади. Хўл бедага тушган шабнам суви муяссар бўлса ҳаммасидан яхшироқдир.

Агар сутнинг камлиги совуқдан бўлса, бу ҳам ё балғам рутубатининг ғалабасидан ёки савдонинг ғалабасидан бўлади ёхуд ташқи ҳавонинг таъсиридан юз беради. Бас, агар балғам ва рутубат ғолиб бўлса, унинг аломати шуки, оғиз серрутубатли, бемаза, серуйку, кам иштаҳа бўлиб, сийдикда оқлик, баданда, хўсусан, бошда оғирлик, ҳаракатда малоллик, дангасалик, ҳеч вақт ташна бўлмаслик кабилар юз беради.

Демак балғамни аввал қусиш ва сурги қилиш билан йўқотиш керак. Балғамни қустирадиган давонинг ҳаммадан осони намакоб ичиб, ортидан оғизга қўл ёки пар суқиб, ўқчиб қусишдир. Агар бир мисқол шивит, яъни укропнинг уруғи, бир мисқол турпнинг уруғи ва бир мисқол тузни бир шиёла сувда қайнатиб ичиб, орқасидан айтилган тариқада оғизга суқиб қусса кўп яхши фойда қилади. Балғамнинг тугагани маълум бўлгандан сўнг мизожнинг ислоҳи учун наҳорда асалли гулқанд (гулқанди асалий) истеъмол қилиш ва беҳи шарбатини тановул қилиш керак. Агар анжирдан беш-олти донани майдалаб эзиб, бир коса сут билан қайнатиб, ҳар кун наҳорда бир коса ичса балғамни пишириш, балғам ва унинг рутубатини суриш, сутни кўпайтириш, ўзи латиф овқат бўлгани учун тоза қон ва сут ҳосил қилиш, қувватни ошириш ва бекилган тешикларни очишда ажиб таъсирга эга.

Чой ўрнига долчин ва занжабил қайнатиб ичиш фойдалидир. Бошқа овқат учун ҳам латиф ва бироз иссиқ мизожли нарсалардан истеъмол қилиш совуқдан бўлган камсутли аёллар учун ҳамда тиқилмадан бўлган камсутли аёллар учун ва эмчакнинг тортиш қуввати заиф бўлган камсутли аёллар учун муносибдир. Чунки унинг латофати ҳазм қувватининг озгина диққати билан комил ҳазм бўлишга қобил бўлади. Иссиқ мизожлиги моддани эритиш, тиқилмани очиш, тортиш қуввати ва ҳазм қувватига ёрдам қилиш, унга сабзи қўшиб пиширилган бўлса ва сабзининг уруғидан ва ўзидан пишириб ейиш гоятда наф қилади.

Эмчакнинг тагига оғритмайдиган ва бўшроқ қилиб банка қортиқ қўйиш ҳам сутни купайтиради. Агар сутнинг камлигига тиқилма сабаб бўлса, яъни сут моддаси бўлган қонларнинг эмчакка келадиган йўллариغا ширадор рутубатлар ўрнагани сабабли баъзи йўл торроқ ва баъзи йўл берк бўлгани учун мазкур сут моддалари керакли даражада келолмагани сабаб бўлса, бунга ҳам тарбия ва овқат учун юқорида айтилган тарбиялар муносибдир.

Бироқ тешикни очиш ва рутубатларни эритиб йўқотиш учун ҳар уч кунда бир марта бир мисқол равоч (рийванди чиний) ни бир коса сувда қайнатиб, кечаси ўрнига ётган вақтда ичиб, ўралиб ётиш зарур. Шунда равоч тамоми аъзони ичидан терлатиб, тешиклардаги рутубатларни эритиб, суюқларини тарқатиш, қуюқларини суриш билан йўқотиб, тешикларни очади.

Яна кундуз куни ҳар олти соатда оч ҳолда ярим пиёла райҳоний шаробини ичиш тешикларни очишда кўп фойдалидир. Шунингдек, яна сабзининг уруғи ва сачратқининг уруғидан хоҳ ёлғиз, хоҳ ҳар иккисини кўшиб, қайнатиб ичиш ҳам тешик тиқилмаларини очади.

Агар сутнинг камлигига эмчакнинг тортиш кучининг заифлиги сабаб бўлса овқатига юқорида айтилган шўрва муносибдир. Бироқ унга мизожи иссиқ ва қуруқ бўлган хушбўй нарсалардан, чунончи заъфарон, кабобаи чиний, долчин ва цейлон долчини (салиха)лардан қайси бири муяссар бўлса бироз кўшиб пиширилса, ҳазм қуввати ва тортиш қувватини бақувват қилади.

Агар сутнинг камлигига сабаб нафсоний ишлар бўлса, чунончи, узоқ муддатгача ғам ва андуҳга мубтало бўлса ва юракнинг ҳарорати овқатни ва бадан рутубатини кўп тарқатиб, камайтириб тургани сабабли бўлса бунинг ҳам муносиб овқати шўрвадир. Лекин шўрвага коҳу, кашнич, қовоқ ва исмалоқ каби мизожи совуқ ва ҳўл нарсалардан солиш керак, булар баданнинг ҳароратини сўндиради.

Агар мумкин бўлса ўша ғамга сабаб бўлган нарсани йўқотиш лозим. Йўқса, кўнглига тасаллий берадиган, шодлантирадиган суҳбат, ўтириш, латифа, ҳикоялар, гулзор, нағма ва тараннумлар мажлисига олиб бориш каби тадбирлар

билан гамини эсдан чиқаришни ва ҳар куни янги соғилган сут ичиш каби баданда рутубат ҳосил қиладиган нарсаларнинг истеъмолини ташкил этиш керак. Бадан терисига ҳам тузсиз сарёғ суртиш фойдалидир.

Агар сутнинг камлигига овқатнинг камлиги сабаб бўлса овқат миқдорини ҳазм тоқатига муносиб даражада аста-секин ошириш лозим. Агар арпанинг унидан ва бошқа донлар кепакдан атала қилиб берилса ажиб фойда қилади. Агар иштаҳаси йўқ бўлиб, иссиғи зўр бўлса мазкур аталанинг ўрнига ун ва кепакни ёғсиз қовуриб, сўнг сув солиб, қайнатиб, ардоб атала қилиб ичириш керак. Шунга муносиб овқатлардан ҳам даража билан кўпайтириб бериб бориш керак.

Бироқ ҳар қандай овқат учун бодиённинг илдизи, уруғи ва укропнинг уруғи ва седанадан кўшиб пиширишни вожиб билиш керак. Яна сутли сигирнинг ва сутли эчкининг елинини пишириб ейиш ҳам сутни зиёда қилишда бағоят фойдалидир.

Яна билмоқ керакки, қайси сабабдан сут кам бўлса ҳам эмчакни яхшилаб силаб уқалаш сутни зиёда қилишда ғоятда фойда қилади. Ҳаммасидан синалган даво шуки, офтобда қуритилган чувалчангдан бир дирамани эзиб, кашкобга кўшиб ичса ва буни бир неча кун тўхтатмай давом эттирса сутни ғоятда кўпайтиради ва бу тажрибадан ўтган.

Яна сутни кўпайтириш учун бир қанча даволар бор. Чунончи, ўн икки дирам сариеғни эритиб, бир коса тоза шаробга кўшиб ичса ёки тоза тупроқ билан кунжутни кўшиб, шаробга аралаштириб, яна тиндириб, шаробини ичса, эмчагига нордон қуйиқасини чапласа ёки эмчакнинг сутини зайтун ёғига кўшиб, эмчагига суртса ёки бақлажонни бутун ҳолида сувда қайнатиб, унинг мағзидан ўн икки дирамни шаробга кўшиб ичса ёки буғдойнинг кепаги ёки турпни шароб билан қайнатиб ичса сутни кўпайтиради.

Яна укропнинг уруғидан ўттиз олти грамм, ёввойи беданинг уруғи ва гандано уруғининг ҳар биридан ўн икки граммдан, беда уруғи ва қашқарбеда уруғининг ҳар биридан йигирма граммдан олиб, ҳаммасини янчиб, бодиённинг ширасига ёки асалга қориштириб, ҳар куни бир мисқолдан истеъмол қилинса сутни зиёда қилади.

Фитом (сутдан чиқариш) тадбири ҳақида

Билмоқ керакки, фитомнинг маъноси болани сут эмизишдан тўхтатишдир. Бунинг учун эмизишнинг табиий муддати тўлиши шартдир, яъни бола икки ёшга тўлгунча агар бир тўсиқ бўлмаса, эмизишни тўхтатиш сазовор эмас. Бола икки ёшга тўлиб, учинчи ёшга қадам қўйса, сутдан тўхтатиш учун бирорта монёлик бўлмаса, сўнг тўхтатиш дуруст бўлади. Агар бола табиий сутдан бошқа овқатга ҳам мойил бўлса, муносиб ва юмшоқ нарсадан оз-оз бериб туриш керак. Агар боланинг олди тиши чиқа бошласа аста-секин қувватлироқ ва қаттикроқ овқатларга ҳам рухсат берилади. Аммо чайналиши қийин нарса зинҳор берилмагайки, тиш моддаси эзилиб, тарқаб кетиши ва тиши тезда чиқмаслигига сабаб бўлади.

Демак бундай ҳолатда берилиши кўзланган овқат эмизувчининг майда чайнаб берилган нонидир. Сўнгроқ асал қўшилган сувга ёки шаробга ёки сутга ивитилган нон беришга рухсатдир. Қачонки болага сутдан бошқа овқат берила бошлаганда оз-оздан сув ичириш ҳам лозим бўлади. Хусусан, оз ва ҳаво иссиқ пайтларда буни вожиб билиш лозим.

Гоҳ-гоҳ сувга озгина шароб ҳам қўшиб ичириш керак. Лекин зинҳор овқат ва сув кўп берилиши керак эмаски, бўкиш ва чиқинди рутубатларнинг зиёда бўлишига ва ҳазмнинг бузилишига сабаб бўлади. Агар ҳазм бўлмаслик юз берса бунинг белгиси шуки, боланинг қорни каттароқ ва дам бўлади. Рангида оқлик ва камқонлик каби белгилар пайдо бўлади. Бундай пайтда бошқа ҳеч қандай овқат бермаслик лозим. Сут ҳам кам-кам эмизилади. Мумкин қадар болани кўп ухлатишга уриниш лозим. Уйку таом ҳазмига ва бошқа овқатларни ейишдан тийилишга сабаб бўлади.

Яна билмоқ керакки, болани сутдан ажратиш вақти нақадар қийинлашса болани шу қадар кам эмизиш ва бошқа овқатни кўпроқ едириш лозим. Кечалари болани уйкудан уйғотиб, гашига тегиб эмизиш керак, унинг гашига тегиш эмишдан қочишига сабаб бўлади. Эмчакни безарар рангларга бўяб, қорақуя суртиб, хунук қилиб кўрсатиш, эмчакни ёмонлаш ва ундан шикоят қилиш ҳам болани эмчакдан узоқлаштиришга сабаб бўлади.

Эмчакдан ажратгандан сўнг ҳазми осонроқ бўлган баъзи гўштлардан, чунончи, парранда ва барра гўштидан кам-кам бериш мумкин бўлади. Бироқ болалар учун ҳаммадан яхшироқ таом ширгуручдир, сўнг камёғроқ ва чала қовурилган ҳалвойтар, атала, барра гўштидан қилинган ҳалим ва майда чайналган нондир. Ҳозирги замонда хотинлар орасида ёйилганки, янги туғилган болага думба ёғидан овқат берадилар, улар ўз хаёлларида бу нарса болага фитом деб эътиқод қиладилар, лекин бу зарар қилади. Чунки ёғнинг ҳазми оғир, бунинг устига меъдани суст ва иштаҳани йўқ қилади. Бинобарин, эмган сутининг ҳазмига тўсиқ бўлади. Яна боланинг тез ўсишига тўсиқ ва бўкиб қолишига сабаб бўлади, чиқинди рутубатларни кўпайтиради. Демак думба ёғидан, албатта, болани асраш лозим.

Қачонки бола эмчакни тарк қилса, эздан чиқариш учун шакар қўшилган нонни бўғирсоқ каби майда тўғраб қўйиб, ҳар замонда биттадан қўлига бериб қўйиш керак. Шунингдек, ўйинчоқлардан олдига қўйиб, гоҳ-гоҳ уни ўйинга машғул қилиб қўйиш лозим. Шунда унинг чалғиши эмчакни ёддан чиқаришига ҳамда унинг ҳаракати чиқинди рутубатларни бадандан эритиб тарқалишига, ўзлари эса қувват ҳосил қилишларига, баданида мустаҳкамлик ҳосил бўлишига, таом тўлиқ ҳазм бўлишига, қони яхши қивом ҳосил қилиши каби фойдаларга сабаб бўлади.

Агар боланинг ёдига эмчак -тушиб, бетоқат бўлса сабри сакутариий каби безарар аччиқ нарсани эмчакка суртиб, сўнгра болани эмизиш керак, кўкракнинг аччиқлиги болани эмишдан қайтаради. Бундан бошқа болани эмишдан қайтарадиган ҳийлалар ҳам кўп, уларнинг қайси бири муяссар бўлса, ўшани қилиш раводир.

Огоҳлантириш. Билмоқ керакки, болани эмчакдан ажратишнинг энг яхши мавсуми баҳор ва куздир. Зарурат вақтида ёзнинг охирироғида ажратиш ҳам жоиз бўлади. Аммо ёзда иссиқ кучайган вақтда ва қишнинг шиддатли совуқ вақтида зинҳор ажратмаслик керакки, бу зарар қилади. Масалан, ёзда ҳавонинг ҳарорати кучли вақтда ажратилса болада кучли ич кетишнинг юз бериш хавфи бор. Қишда совуқ кучайган вақтда ажратилса ҳазм бузилиши ва шунга ўхшаш офатларнинг юз бериш хавфи бор. Бинобарин бу икки мавсумда ажратишдан сақланиш керак.

Агар баъзи зарурат сабаби билан ўз фаслида ажратиш лозим бўлса, бу тақдирда болани ажратиш мумкин. Бироқ ҳар соатда чанқашини сўндирувчи ва табиати қобизроқ нарсалардан совитиб бериб туриш зарурдир. Бунинг учун сигирнинг қатиғини кувада тортиб, ёғи тамом олингандан сўнг, ҳануз ачимаган айронидан совуқ ҳолда ичириб туриш лозим. Ёки баргизубнинг уруғини бироз қиздириб, сўнг совуқ сувда ивитиб, ширасини олиб ичириб туриш афзал. Овқатига ёғсизроқ палов ва гуруч оқшоғидан талқон ва кувада пиширилган айрон ва нон муносибдир.

Аммо ёғдан жуда эҳтиёт қилдириш лозим. Ҳар икки кунда бир марта бошнинг фарқига хина боғлаш ва крахмални сирка ва гулобда ивитиб, бошнинг фарқига суртиш боланинг ташналигига таскин бериш учун ғоятда фойдалидир. Бинобарин, агар зарурат зўр бўлмаса сиркани ишлатиб бўлмайди. Аммо кечалари боланинг қўли ёки оёғига хина боғлаш ва кундузлари ҳаво қизиган вақтда бир тоғорага айрон солиб, унинг ичига болани ўтқозиш ва қолган баданини айрон билан қўлда ювиш фойда қилади.

Агар қишда зарурат сабабли болани эмчакдан ажратиш лозим бўлса бунда болани ажратгандан сўнг овқатни ҳеч бир совитмай, иссиқ ҳолда бериш лозимдир. Совуқ сувдан ва совуқ таомдан парҳез лозим. Шунингдек, боланинг танасини қалин нарса билан ўраб, совуқ ҳаводан эҳтиёт қилиш лозим. Даво ва мевалардан вақтга муносибларнигина бериш керак. Масалан, ташналикда долчин ва занжабилни қайнатиб ичириш, офтобий гулқанд, хусусан, гулқанди асалийни ялатиш ва мевадан қорамайиз ва қуритилган анжир бериш муносибдир.

Болани муҳофаза қилиш, парваришлаш ва тишини осон ва тезроқ чиқариш тадбирлари ҳақида

Билмоқ керакки, бола ҳар қачон ўзи ўтиришга ва ҳаракат қилишга қодир бўлса уни покиза, қалин ва юмшоқ нарсани ёзиб, устига ўтқозиш керак, токи ернинг қаттиқлиги ва дағаллигидан бола озор топмасин. Чунки боланинг гавдаси ҳануз нозикдир. Думбасига озгина озор етса ҳам оқибатда болага ирқ ун-насо (қуймич асабининг шамоллаши) юз бериши мумкинки,

элда бу касаллик куёнчиқ дейилади. Агар кўпроқ озор етса, ҳатто думба эзилиб, зардоб тўпланиб, оқибатда оқма касалининг юз бериш хавфи бор. Яна паст ва текис жойга ўтқозиш керак, токи баланд жойдан пастга йиқилиш хавфидан омон бўлсин.

Ҳар бир нарса, агар ўткир ва нишдор бўлса боланинг кўлига бермаслик, агар кўлида бўлса, дарҳол кўлидан олиб кўйиш керак, токи унинг кесиши ёки санчилишидан омон бўлсин. Боланинг ўзи ўтиришга интилмаса мажбурлаб ўтиришга ўргатиш дуруст эмас. Чунки боланинг ўзи ўтиришга интилмаса унинг табиати, яъни табиий қуввати бу нарсага ожизлигини билдиради. Уни қийнаб ўтқозиш табиатига малол ва кулфат беришдан иборат бўлиб, албатта, табиатнинг малол олишидан зўр офатлар юз бериши маълумдир.

Бас, элда одат бўлган сунъий такаллуфлар, масалан, ҳануз ўтиришга қодир бўлмаган болани болишга суяб ўтқозиш ва ҳануз юришга қодир бўлмаган болани ғалтак аравага суяб юргизиш хатодир. Яна боланинг хулқини яхшилаш, унинг ҳузурида кўпол ва уят сўзларни сўзламаслик лозим. Доимо яхши сўзларни айтиш ва ўргатиш таълимига машғул бўлиш лозим. Зероки шу вақтда ҳосил бўлган одат кейинги пайтда йўқ бўлмайди ва завол топмайди.

Болага доимо лутфу марҳамат, мулойимлик ва розилик тариқасида муомала қилиш лозим, токи бола доимо хурсанд бўлсин, зероки хурсандликда юрак ва руҳ зиёда қувват ҳосил қилади. Бу қувват эса баданнинг тарбиясига диққатни қаратиб, ўсишига ва саломатликнинг муҳофазасига масъул бўлади. Руҳнинг ва дилнинг бақувватлиги бошқа ҳамма аъзоларга қувват беради. Натижада бола чаққон, ғайратли, жасоратли, фикри тез, табиати соғлом, бадани соғ, жисми ўсувчи бўлади.

Болага барча нарсдан зарарли нарса ғам ва ғуссадир. Зероки ғам ва ғусса таъсиридан руҳ ва табиий ҳарорат бадан ичига қочади ва юракда ҳарорат ғолиб бўлади, қонни куйдиради ва аслий рутубатни йўқ қилади. Руҳни куйдириши ва тарқатиши билан заифлик пайдо қилади. Натижада барча аъзо заиф бўлиб, бадан ориқ, мизожи куруқ, юрак заиф, қўрқоқ, оқибатда хафақон ва сил касали ва таби диққ касалларига мубтало бўлиши яқин эҳтимолардандир.

Замонамиздаги болани қўрқитиш учун айтиладиган жаҳолатлардан бири “ана, ола бўжи” дейиш ёки “сени адаштириб” ёки “сотиб юбораман” деб ғамга солишнинг нақадар зарарли экани ҳушёр кишиларга бешубҳа маълум бўлган бўлса керак.

Агар боланинг тиши чиқишга мойил ва аломати маълум бўлса қаттиқ нарса чайнашдан болани манъ этиш лозим, токи тиш моддасининг тарқаб кетишига сабаб бўлмасин. Қуённинг миясини ва товугнинг чарвисини тиш чиқадиган жойга суртиш керак, бу нарсалар тиш чиқадиган жойни юмшатиб, тешиқларни очиб, тиш моддасининг тезроқ зоҳир бўлишига кўмак қилади. Яна зайтун ёғини иссиқ сувга қўшиб, ҳўб чайқатиб, сўнгра боланинг бошига, гарданига ва бир неча қатра ёғни қулоғига томизиш керак. Агар зайтун ёғи мавжуд бўлмаса ўрнига бошқа ширин ёғлардан истеъмол қилиш мумкин. Қачонки боланинг тиши чиқиб, чайнашга қодир бўлса, у вақтда янги ва ҳўл чучукмиянинг илдизидан бир донасини олиб, пўстини артиб, боланинг қўлига бериб, унинг бир учидан ип боғлаб, боланинг билагига боғлаб қўйиш керак.

Чучукмиянинг уч хил фойдаси бор. Биринчи фойдаси шуки, бола ўз қўлини тишлашдан омон бўлади. Иккинчи фойдаси шуки, таъми ширин бўлгани учун бола ҳам уни чайнашга интилади. Натижада тиш милкни ёриб чиқишига ёрдами кўпроқ бўлиб, тиш тезроқ чиқади. Учинчи фойдаси шуки, чучукмия оғзининг ҳолини ислоҳ қилади ва оғиз оғриғи, милк оғриғи ва оғизга жароҳат чиқишидан сақлайди. Унинг шираси меъдани бақувват қилади, ортиқча рутубатни йўқотади, ўпканинг ҳам аҳволини яхшилади. Сувли балғамни даф қилади. Кўкйўталдан омон сақлайди.

Яна гоҳ-гоҳ асалга туз қўшиб боланинг оғзига суртиш лозимки, боланинг оғзи оқариб оғришидан омон сақлайди. Агар янги ва ҳўл чучукмия мавжуд бўлмаса қуруғининг пўстини тушириб, танасини иссиқ сувда ивитиб, уни ишлатиш ҳам мумкин. Қачонки бола сўзлашга бошласа томоғининг тагидан тилининг илдизини бармоқ билан доимо силаб туриш лозимки, бу нарса боланинг фасоҳатига, бурро ва тез сўзлашига кўмак қилади.

Бола чоғиб юришга қодир бўлса текис ва юмшоқ жойдагина оҳиста чоғиб ўйнашга рухсат бериш керак, йўқса, рухсатдан манъ этиш афзалдир, токи йиқилиши ва зарба ейишдан омон бўлсин. Яна азият ва озор тортишга сабаб бўлмайдиган ўйинларга рухсат бериш, балки таклиф ва тарғиб этиш сазовордирки, бола учун ўйин ҳаракати ҳам бадан ва нафс учун риёзатдирки, баданнинг ортиқча рутубати тарқайди ва бадан тозаланади. Овқати тўлиқ ҳазм бўлиб, баданга ва кучига куч қўшилади.

Боланинг нафсида юз берган ғам ва ғуссаси бўлса ўйин билан ёдидан чиқади, сўнг пайдо бўладиган ғамни эътибор қилмайди, ўз ўйинига машғул бўлиб, юз берган нарсдан беҳабар ва ғофил бўлиб, нафснинг зараридан омон бўлади. Ўйиндан ўзи фикр ва мулоҳаза билан тажриба олиш орқали нафснинг қувват олиши, ўйиннинг шавқи билан шод бўлгани учун руҳида қувват зиёда бўлиши қаби фойдаларга ўйини сабаб бўлади.

Қачонки таълим олиш учун қобилияти пайдо бўлса, муаллим ва муаддиб (одоб ўргатувчи)га топишириш лозим. Муаллим ҳам меҳрибонлик, мулойим сўз, марҳамат ва кўнгил олиш билан муомала қилиши керак. Шунда боланинг табиатига малоллик етмай, балки ўз хоҳиши ва шавқи билан таълим олишга машғул бўлади.

Билмоқ керакки, таълим учун қобилият аксарият боланинг тўрт ёшга тўлгандан сўнг ҳосил бўлади. Хусусан, олти ёшга қадам қўйгандан сўнг қобилияти зиёдароқ бўлади. Олтига тўлгандан сўнг қобилияти шубҳасиз комил бўлади. Бироқ ҳар икки имоми ҳумом Абу Муҳаммад ал-Ҳасан ва Абу Абдуллоҳ ал-Ҳусайннинг (Аллоҳ икковига раҳмат қилсин) илм мажлисида ўтиришларига ҳазрати Набий ус-Сақалайн (с.а.в.) ижозат вақтлари таваллуддан тўрт йилу тўрт ой ва тўрт кунлик муддат ўтган вақтга тўғри келди. Расулulloҳнинг бу марҳамати олиялари бошқа мўъмин ва мусулмонларга табаррукан суннат бўлиб, болаларнинг таълими учун ушбу муддатни “ифтитоҳ” (бошланиш) деб қарор берилган. Бу нарсага риоя қилиш, албатта, кўп баракатга эгадир.

Болалар учун умумий тадбирлар ҳақида

Билмоқ керакки, ёш болаларнинг мизожлари ғоят даражада нозик бўлади. Демак уларни даволашда жуда эҳтиёт бўлиш керак. Боланинг табиатига оғир ва малол келтирадиган таъсири кучли нарсадан иложи борича эҳтиёт бўлиш лозим. Болага кофур дорисини ичириш қатъиян манъ қилинади. Шунингдек, жуда иссиқ мизожли ва жуда совуқ мизожли нарсаларни бериш ҳам нораводир. Нордон таъмли нарсаларни беришдан ҳам қочиш лозим. Хусусан, сут эмадиган болани нордон нарсалардан эҳтиёт қилиш керак. Борди-ю сугдан ажратилган бўлса нордонлиги камроқ ва ширинлиги кўпроқ сиканжубинни оз-оздан бериш мумкин. Агар нордонлиги кўпроқ бўлса манъ қилиш керак. Ҳайвон сугини ичган боланинг меъдасидан то суг ҳазм бўлиб ўтгунча нордон нарсадан эҳтиёт лозим. Ҳагто катта одамлар учун ҳам суг билан нордон нарсани меъдада қўшиш раво эмас.

Билмоқ керакки, ёш болаларнинг мизожлари ҳўл ва бироз ҳароратга мойил бўлади. Демак уларнинг соғлиғини сақлаш учун ўз мизожларига мувофиқ ҳўл ва бироз иссиққа мойил мизожли нарсалардан бериш сазовор. Аммо мизож иссиқ ва қуруқ ёки совуқ ва қуруқ бўлган нарсалардан асло бериш мумкин эмас. Бироқ ташқи бир таъсир юз берса шу таъсирнинг мизожини ислоҳ қилиш учун ҳожатга яраша қуруқ мизожли нарсадан ғоят эҳтиётлик билан бериш мумкин.

Яна ёш болаларнинг баданлари ўсиш ва қувватлари камолот қилиш даврида бўлади. Демак уларнинг мизожларига мувофиқ нарсалар билан камол топишларини кучайтирадиган ва ёрдам берадиган нарсалардан берилсагина яхши бўлади. Бу ёрдам эса ёқутий шодлантирувчи (муфарриҳоти ёқутий) дориси билан ҳосил бўладики, унинг тартиб ва таркиби қорабодин китобларида берилган.

Яна муносиб мизожли мевалардан гоҳ-гоҳ бериб туриш ҳам камол топишига ёрдам қилади. Масалан, анор жигарга куч берувчи бўлиб, гоҳ-гоҳ анор истеъмол қилган боланинг жигари ғоят бақувват бўлади. Каймусий овқатни яхши ҳазм қилиб, кўп қон ва фойдали хилтларни ҳосил қилади. Баданнинг ўсишига ҳам ёрдам қилади. Ширин беҳи, нок, нашвати меъдани бақувват қилади.

Меъда ҳам каймусий овқатни яхши ҳазм қилиб, жигарга яхши каймус етказди. Жигардан қон ва яхши хилтлар ҳосил бўлиб, баданнинг ўсишига ёрдам қилади. Булардан табиий руҳ ва табиий қувватлар кўп ҳосил бўлади ва улар бадан тарбиясига диққат қаратади. Боланинг камол топиши тез ҳосил бўлади.

Олма юракка қувват берувчидир. Гоҳ-гоҳ олмадан еган боланинг юраги бақувват, шодлик ва хурсандчилиги кўп бўлиб, жасоратли ва ғайратли бўлиб ўсади. Ғайрат натижасида қилган ҳаракати мушакларини қотиради. Бадандаги ортиқча рутубатларни тарқатади.

Яна буйрак ва қовуқни танқия қилиш ва бақувват қилиш учун қовун уруғи, бодринг уруғи ва таррак уруғи бағоят фойдали бўлиб, янчиб, қайнатиб гоҳ-гоҳ ичириш ёки янчиб, дона латтага солиб, латтани бир бир коса қайноқ сувга ботириб, сиқиб, яна ботириб сиқиб такрор қилишда янчилган уруғлар айрон каби сувга қўшилиб, пўсти сузилиб латтада қолади, шу сув ичирилса таъсири янада кучлироқ бўлади.

Шунингдек, бодиёни янчиб, элаб, шакарга қўшиб едириш ҳам буйрак ва қовуқни тозалаш ва бақувват қилишда таъсирлидир. Буйрак ва қовуқ аслида тоза бўлса ортиқча рутубатларни тарқатишда яхши таъсир қилиб, баданни пок қилади. Ортиқча чиқиндидан тозаланган асл рутубат баданда кўпроқ айланади ҳамда боланинг истисқо ва тош келадиган касаликка мубтало бўлишдан сақлайди. Мисол тариқасида шунчалик баён кифоядир. Бошқа нарсаларнинг истеъмоли ҳам вақтга қараб фойдадан холий бўлмайди.

Огоҳлантириш. Билмоқ керакки, эмадиган болага илож қилишда аёлнинг ҳолини кўпроқ мулоҳаза қилиш лозимки, “аттифлу йўлажу би-илажи мурзаъатиҳи” деган ҳукм табибларнинг орасида қарор топган. Яъни эмадиган боланинг давоси эмизувчини даволаш билан бўлади, деб қарор қилганлар.

Тажрибадан ўтгандирки, аксар вақтда эмизувчига буюрилган парҳез даво билан боланинг касали йўқ бўлган. Чунки юз берган касалликлар аксарият овқатдан пайдо бўлади. Эмадиган болага ҳануз бошқа овқат ейишга қодир эмас экан, албатта, унинг овқати фақат сут бўлади. Касалликнинг юз беришига ҳам сутнинг бузилгани боис бўлади. Бинобарин,

боланинг касалига илож ва ислоҳ шу сутнинг соғломлигига боғлиқ бўлиб, агар эмизувчи аёлни даволаб, сути ҳам ярқоли ҳолга келтирилса боланинг касали ҳам йўқ бўлиши шубҳасиздир. Ҳатто эмадиган ва айни пайтда бошқа овқат ейдиган боланинг касали ҳам кўпинча эмизувчи аёлни даволаш билан зойил бўлади, хоҳ бу касаллик сут сабабли бўлсин, хоҳ бошқа овқатдан бўлсин, болани даволашга ҳожат қолмайди.

Болага дори бермасликдан мақсад шуки, дори овқат каби ҳазм бўлиб, унинг жавҳари баданга айланишга қобил эмас. Бинобарин, табиатнинг феъли ва тасарруфига ҳам қобил эмас, чунончи, бунинг сабабларини “Ейиш ва ичиш боби”да муфассал баён қилдим.

Давони эзиб, ундан керакли таъсири олиб, сўнгра моддаларини бадандан тўлиқ чиқариб юборишга бола заифлиги сабабли ожизлик қилади. Демак даво моддалари бадандан чиқиб кетолмайди ҳамда баданга қўшилиб, бадан гўштига айлана олмайди. Табиатга ноқобил ва бадандан бегона бир модда бадан қисмларига араллашиб туриши маълумки, оқибатда кўп офатларга боис бўлади. Аммо бу даво эмизувчи аёлга берилса, давонинг таъсиридан унинг сути фақат кайфият ҳосил қилиб борса, кутилган фойда азиятсиз ҳосил бўладики, сут асл овқатдир, кайфияти эса даводир. “Бу сир эмас”.

Давонинг кайфияти билан сутнинг кайфият ҳосил қилиши икки хил бўлади. Биринчи хили шуки, бадан бу давонинг кайфиятидан таъсирланиб, шу кайфиятга эга бўлади. Чунончи, иссиқ бўлса бу иссиқ баданни қизитади, баланда турган қон ва сут ҳам бадан билан баробар иссиқ кайфият ҳосил қилади.

Иккинчи хил шундайки, мазкур даво мутлоқ даво бўлмай, балки овқат даводир ва бундан ҳосил бўлган қон ҳам унинг мизожига мувофиқ хоҳ совуқ, хоҳ иссиқ кайфиятга эга бўлади. Бироқ бу кайфият кечикиб ҳосил бўлади. Негаки овқат даводан қон ҳосил бўлиши ва бу қондан сут ҳосил бўлиши анчагина вақтни талаб қилади. Аммо биринчи хилдаги кайфият тез ҳосил бўлади. Ҳатто баъзи

даво меъдага етган онда унинг таъсири ҳамма баданга таъсир қилади. Чунончи, мўмиё ичган кишига унинг таъсири ичиши биланоқ сингган аъзосида сезилиши ва заҳар ичган кишининг барча баданига ичган ондаёқ заҳар таъсир этиши кузатилган.

Билмоқ керакки, агар эмизувчи аёлда хоҳ табиатнинг ҳайдаши билан, хоҳ давонинг таъсири билан қусиш ёки ичкетиши пайдо бўлса, зинҳор болани эмиздирмаслик керак. Чунки ўша пайтда аёлнинг хилтлари қўзғолиб, ҳаракатга келган бўлади. Табиат ҳам хилтларни даф этишга киришган бўлиб, сутнинг тарбиясига киришолмайди. Бинобарин, сут хом ва нотайёр бўлиб, болага зарар қилади. Ҳатто ҳаракатга кирган хилтлар сутга келиб қўшилган бўлса, янада кўпроқ таъсир қилиб, болада ҳам қусиш ёки ичкетишни пайдо қилади.

Шунингдек, эмизувчи аёл дори ичган бўлса дорининг таъсири сутга ҳам таъсир қилади. Сут эмган болада ҳам қусиш ва ичкетиш юз беради. Маълумки, болага ҳожати бўлмаган қусиш ва ичкетишнинг зарари аёндыр. Аммо эмизувчи аёлга қилинган даво боланинг касалига кифоя қилмаса, у вақтда ночор катта одамларнинг касалини даволаш учун ишлатилган ва боланинг аҳволига муносиброқ ва мулойимроқ бўлган дорилардан ишлатиш мумкин.

Шундай қилиб, боланинг саломатлигини сақлашга тааллуқли бўлган тadbирларни баён қилишдан фориғ бўлдик. Бироқ бир неча хил касалликлар борки, баъзиси болаларга хос бўлиб, кўпинча бу касалликлар уларда юз беради ва бу касалликлар учун табиблар қанча тadbирлар ва синалган дориларни баён қилганлар. Гарчи буларнинг баёни касалликларни даволаш бобига қарашли бўлса-да; бироқ болаларни тарбияловчилар бундан ҳам хабардор бўлиб туришлари ва ҳифзи сиҳҳатига машғул бўлган вақтларида касаллик юз бериб қолса, табибга мурожаат қилишдан аввал даволашга ҳозир бўлишлари фойдадан холий бўлмайди, деб шу жойда мазкур касалликларни ва керакли тadbирларни ҳам баён қилиш лозим кўрилди.

БОЛАЛАР ТУТҚАНОҒИ, ШАЙТОНЛАШ (РИЙҲ УС-СИБЁН)

Бу шундай касаллики, бирданига юз беради ва болада беҳушлик пайдо бўлади, қўл ва оёқларини йиғиб, бир-бирига ўраб, нотабиий ҳаракатлар қилдиради ва оғзидан кўпик чиқаради. Бу касаллик баъзи табиблар назарида саръ, яъни куёнчиқ (тутқаноқ)дан бошқа касалликдир. Бинобарин, улар баёнда “саръга ўхшаш” деб баён қилганлар.

Бу касалликнинг сабаби рийҳи ғализ (қуюқ ел)дирки, сутда йиғилиб, сўнг мияга кўтарилади. Миянинг қаҳфини, яъни юқори томон суягини чўзади ва таранг қилади, ҳаттоки баъзи болаларнинг суякларини пайванд бўлган чокидан кўчириб, суякларни бир-биридан ажратади, деганлар. Баъзи табаблар уни саръ (тутқаноқ)нинг қисми, деганлар.

Бинобарин, бу касалликни умм ус-сибён, фазаъ ус-сибён ва умм уш-шаётин исмлари билан зикр қилганлар. Баъзилар зўр иситмалик бўлган хилини умм ус-сибён деб атаганлар, йўқса уни рийҳ ус-сибён демишлар. Баъзилар эса бу ҳолат тинимсиз юз берса умм ус-сибён, аксинча бўлса, рийҳ ус-сибён дейдиларки, бу аташлар мақсадга ҳалал берувчи эмас. Чунки касалликнинг номи қандай бўлмасин, унинг сабаблари ва белгиларини кўп марта текширгандан сўнг, қайси хилтнинг галабаси ва қайси сабабнинг белгиси зоҳир бўлса, шунга муносиб тадбир қилиш лозим бўлади.

Даволаш. Мазкур ҳолат болада юз берган вақтда дарҳол унинг қўл ва оёғидан ушлаб, доимий уқалаб ёки бир дағалроқ нарса билан ишқалаб туриш лозим. Болани изтиробга қўймай, қўлларининг елка қисмини ва оёқларини маҳкам боғлаш лозим, токи қўл ва оёқдан мияга кўтарилаётган ел ва буғлар тўхтаб қолиши керак. Боғлашнинг ўзи миядаги бухорот (буғ)ни тортиб олиб, мияга ёрдам беради.

Бас, шу билан агар тузалиш юз берса яхши, агар узоқ вақт давом этса ёки ўзига келгандан сўнг яна пайдар-пай давом этса, қараш керак. Агар қайси хилтнинг белгилари пайдо бўлса шунга муносиб тадбир қўллаш керак. Масалан, сафронинг белги пайдо бўлса ва ўткир иситма ҳам бўлса баданни совитиш

ва мияда рутубатни зиёда қилиш учун муносиб дорини ичириш, бурнига томизиш, бошига боғлаш йўллари орқали амал қилиниб, миясига рутубат етқазилади.

Хусусан, ўз онасининг сути бағоят тез таъсир қилади. Агар мазкур сугга латтани ҳўллаб бошига ёпилса таъсири тез бўлади. Шунингдек, қовоқни қириб, боланинг бошига боғлаш ҳам мияга рутубат етқзади. Болани салқин жойда сақлаш, агар ичи қотган бўлса, мулойим ҳўқна (қлизма)лар билан бўшатиш ёки фулуси хиёршанбар ичириш ва бошқа ични юмшатувчилар билан табиатини мулойим қилиб туриш лозим.

Чангакни йўқ қилиш учун гул ёғи ва маска ёғини исириққа аралаштириб, баданига суртиш ҳам касаллик тутганда ҳамда қўйиб юборган вақтида ҳам баробар фойда қилади. Агар балғамнинг белгиси пайдо бўлса, баданини иситиш учун ҳаракат қилиш керак.

Шайгонлаш болаларда кўпинча балғамдан содир бўлади. Бинобарин, кўпчилик табиблар балғамдан бўлган касалликларга фойдаси бўлган давони барча хилдаги касалликларга умумий зикр қилганлар, аслида бунинг фойдаси фақат балғамий касалга хосдир. Бу даво қуйидагича: саътар, жунди бедастар ва зиранинг ҳар биридан бир миқдор олиб, ҳаммасини кўшиб, эзиб, ғоят даражада майин ва мулойим қилиб, унда ўн икки арпанинг вазнига тенгини сугга қориб, боланинг оғзига солинса, дарҳол хушига келадики, рийҳ ус-сибён бошқа қисмларга қараганда яхши бўлишига умид кўпроқдир.

Яна иссиқ мизожли ҳўқна (қлизма), шамчалар ичиладиган сурги дорилари, суюқ балғамни ҳайдашга хос бўлиб, улар билан юмшатиб туриш керак. Истеъмол қилиш ёки болага тақиб қўйиш билан хосиятда наф қилувчи дорилар алоҳида зикр қилинади. Иншааллоху таъоло.

Огоҳлантириш. Билмоқ керакки, баъзи тадқиқотчиларнинг китобларида ёзилишича, умм ус-сибён фақат иссиқ мизожли болаларда кучли иситма билан пайдо бўлади. Бунинг иложи эса тезлик билан баданни совитишдир, дейдилар. Бу сўзни баъзи нодон кишилар хато тушуниб, бу касалликнинг барча хилининг иложи баданни совитиш билан бўлади, деб ва бу фикрлари билан барча хилида баданни совитиш тадбирини амалга ошириб, одамни ҳалок қиладилар.

Шунингдек, баъзи олимларнинг ўз китобларида рийҳ ус-сибён касали фақат балғамдан юз беради, деб ёзганларини кўрган баъзи жоҳиллар бу сўзни хато тушуниб, бу касалликнинг барча турининг давоси учун ҳам баданни совитиш лозим деб, хато даволаш билан кўп болаларнинг ўлимига сабаб бўладиларки, ҳар икки жамоа жоҳилларнинг раъйлари ҳам бузуқдир. Бу раъйдан сақланиш керак. Табибларнинг ҳукмлари умумий бўлмай, балки ўз истилоҳларига биноан ёзилгандир.

Юқорида айтиб ўтилдики, умм ус-сибён билан рийҳ ус-сибён бир-бирига хоҳ тўғри, хоҳ мухолоф бўлсин, аввало касалликнинг белгиларини чуқур ўрганиш, сўнгра сабабга қараб муолажа қилиш лозим.

Энди бу касалликнинг ҳамма турига баробар фойда қиладиган даволарни баён қиламиз. Бу даволар эса куйидагилардан иборат: эчкининг ширдони (елини)да ёки ўт қолида пайдо бўлган бир тош бўлиб, номи подзахр дейилади. Шундан озгина миқдорини сутга ёки айронга эзиб ичирилса барча хилига баробар фойда қилади. Яна қўл ва оёғини маҳкам боғлаш, қулоғига ва бурни ичига, қўл ва оёқ кафтига жанди бедастар суртиш фойда қилади.

Шунингдек, оёғининг кафтига камқувватроқ тезоб суртиш бағоят фойда қилади. Овруполиклар тилида горчица дейиладиган хардални ун каби майда қилиб, боланинг оёғи остига суртиш фойда қилади. Шунингдек, янги туғилган ва сутдан бошқа овқат тановул қилмаган куённинг меъдасини янчиб ё эзиб, ундан бир донаг, яъни бир мисқолнинг олти ҳиссадан бир ҳиссасини олиб, сувга аралаштириб ичириш фойда қилади.

Тажрибадан ўтгандирки, рийҳ ус-сибёнга мубтало бўлган ва касали тўрт мартадан ортиқ тутган болалар касали тутиб, беҳуш бўлиб ётганда маржон донасини оловда қиздириб, икки қошининг ўртасига босиб доғлаган эдилар, ўша онда бола ҳушига келди. Шундан сўнг касали қайталамади. Баъзилар маржон донасининг ўрнига қўйнинг тезаги ва шунга ўхшаш нарсалар билан доғ солганларида бу ҳам фойда қилди. Бироқ икки-уч кунгача касал бола шу касалликка мубталоликда ётган бўлса, кўзининг қизиллиги ва нури камайиб, умид узиладиган даражага етган бўлса, доғ солиб озор бериш керак эмас.

Фойда. Билмоқ керакки, рийҳ ус-сибён балоғатга етмаган болаларда кўпроқ пайдо бўлади. Чунки уларнинг мизождарида рутубат кўп бўлади. Агар яратилишларида уларда рутубат кўпроқ бўлган бўлса, бу рутубат албатта рийҳ ус-сибён касалини пайдо қилади. Бироқ рутубатга хос нарса шуки, бола ҳануз бачадонда эканлигида табиийдан ортиқча рутубат тарқаган ва покланган бўлади. Агар бачадонда тўлиқ тозаланмаган бўлса, қолгани туғилгандан сўнг шиш ва жароҳат билан чиқиб пок бўлади. Агар жароҳат ва шиш пайдо бўлмаса ёки пайдо бўлса ҳам, бироқ рутубатдан тозалана олмаган бўлса, яна қолдиги мавжуд бўлса, шубҳасизки, бу рутубат рийҳ ус-сибён касалини пайдо қилади.

Бола балоғатга етган вақтида аксар бу касаллик ўз-ўзидан ва давосиз йўқолади. Чунки кўн марта айтилдики, боланинг мизожи ҳўл мизождир ва ўрта ёшли одам мўътадил мизожли бўлади, қари одам эса қуруқ мизожли бўлади. Зероки, табиий қонундирки, бадан рутубати ҳар доим таназзулда ва нуқсон топишда бўлади. Демак ёшликда зиёдаликда бўлган бу рутубат тадрижий равишда нуқсон топиб, балоғат ёшига етганда табиий мўътадил даражага етади ва аввалда даволаш ишида хато юз бермаган бўлса йўқ бўлиб кетади. Агар ўргада рутубатни кўпайтирадиган тадбирларни хато фаҳм билан ижро қилиб, нуқсон топган рутубатнинг ўрнига мажбуран рутубатни кўнайтириб турилган бўлса, бу ҳукмдан ташқаридир.

Табиий қонун бўйича рутубатнинг тадрижий камайиши ва балоғатга етганда ўз-ўзидан йўқ бўлиши равшан ва аёндыр. Шунинг учундирки, ёш ва доимо эмадиган болада саръ (тутқаноқ) касали агар енгилроқ тутиб, тезроқ ҳушёрлик топса ва тез-тез такрорланиб турмаса уни даволашни баъзи табиблар манъ қилганлар. Зероки, кўпинча шундай бўладики, зотан бу касалликнинг моддаси гарчи енгил бўлиб, дард тутган вақтда яна тезда ҳушига келса ҳам, бироқ нотўғри даволаш билан янада қийинлашади. Аммо ҳар ҳолда эмизувчи аёлга даво қилишни зарур билиш ва даволашдан тўхтамаслик керак.

Болани доимо бу касалликни кўзғотадиган нарсалардан сақлаш керак. Чунончи, қаттиқ овозни эшитишдан, ойдин жойда туришдан, тўлган ойга қарашдан, ялтироқ нарсага ва

тез оқадиган сувга, тез ҳаракат қилувчи нарсага, масалан, чарх парраги ва тегирмон тоши каби нарсаларга қарашга, баланд жойдан паст томонга қарашга, шамол эсиб турган жойда турмасликка эътибор қилиб, бу нарсалардан уни асраш керак. Бу нарсаларнинг ҳаммаси касалликни ҳаракатга кирғизиб, такрорланишига сабаб бўлади.

Дояни эчки, сигир, от гўшти ва бошқа ел қўзғотувчи нарсалардан, хусусан, петрушка ва шунга ўхшашлардан, асосан жинсий алоқадан парҳез қилдириш лозим.

Махфий қолмасинки, бу касаллик ойнинг бошларида серҳаракатроқ ва бақувватроқ бўлиб, тезроқ ва шиддатлироқ тутади. Ойнинг охирларида ҳаракат ва қуввати камайиб, кечроқ ва энгилроқ тутади. Бинобарин, ойнинг бошларида болани асраш учун ҳаракат қилиш, жанди бедастар ҳидлатиб туриш, балки либосига ва бешигига жанди бедастар тақиб қўйиш, ҳатто озгина миқдорини кечалари болага тутқазиб қўйиш лозим.

Хусусан, агар бесабаб йиғлаш, аҳволи ўзгариши, нафас олиши табиийдан бошқача бўлиши каби касаллик бошланишининг белгилар сезилса, боланинг муҳофазасига қаттиқ киришишни лозим деб билиш керак. Ҳечқачон боланинг ичи қотишига йўл қўймаслик керак.

МУНДАРИЖА

Боситхон ибн Зоҳидхон Шоший.....	3
Ҳомиладор ва эмизувчи аёллар ва гўдакларнинг тадбири ҳақида...	8
Ҳомиладор аёлга қон олдириш мумкин эмаслигининг сабаби.....	8
Ҳомиладор аёл қачон қон олдириши мумкин?.....	10
Ҳомиладор аёлдан кўп қон олиш мумкин эмас.....	10
Ҳомиладор аёлга зулук қўйиш.....	11
Сурги дори бермасликнинг сабаби.....	12
Ҳикоят.....	12
Бинафша ва гулхайридан эҳтиёт лозим.....	13
Қусишдан манъ қилиниш сабаби	14
Ҳомиладорликдаги умумий тадбир	15
Ҳомиладор аёл ҳаммомга тушмасин	15
Ҳомиладор аёлларнинг соч парвариши	16
Ҳомиладор аёл амал қилиши зарур бўлган нарсалар	17
Ҳомиладор аёл ўта тўйиб емасин	18
Ўта шодликдан ҳам эҳтиёт бўлиш керак	18
Ўта ғазаб ҳам зарарли	19
Ҳомиладор аёл еб-ичишда парҳез қилиши керак	20
Кўнгил айнаш ва қусиш (бошқоронғулик) тадбири	21
Бузилган иштаҳани тузатиш тадбири	22
Иштаҳа йўқолишини даволаш тадбири	23
Ҳафақоннинг тадбири	23
Меъда ва ичакда юрадиган ел тадбири	24
Баъзи ҳомиладор аёлларнинг оёғи юзида пайдо бўладиган шиш тадбири	24
Аёллар жинсий аъзосидаги қичишиш ва оловланишнинг тадбири..	25
Қориннинг катталашуви ва таранглашувининг тадбири.....	25
Қон кетишининг тадбири.....	25
Эмизувчи аёл тадбири.....	26
Боланинг тадбири.....	27
Боланинг туғилган вақтидан то йўлга киргунча амалга ошириладиган тадбирлар ҳақида	27
Киндикни боғлаш учун яхши ип	28
Чақалоқни чўмилтириш	29
Чақалоқни йўргаклаш.....	32
Орқа тешикни очиш	33
Кўз тадбири	33
Бурун тадбири	33
Кўз муомаласи	34

Қовуқ ва пешоб тадбири	34
Дояларнинг хатоси	35
Йўргак боғичидаги фарқ	36
Бола сақланадиган уй	38
Болани қаттиқ йиғлашдан асраш	38
Бола олдида бақриб бўлмайди	39
Қирқ кунгача чўмилтириш	39
Чўмилтириш вақти	40
Бола баданини ёғлаш	40
Бешикка солиш	41
Қаттиқ тортиб боғлашнинг зарари	42
Бешикда эмизиш	43
Ёстиқни баландроқ қўйиш	44
Алла қандай айтилади?	44
Ҳидни йўқотиш	44
Бола эмизиш ва унинг тадбири ҳақида	45
Бола биринчи марта эмизилганда	45
Болани эмизиш вақти	46
Сутнинг энг яхшиси	46
Агар она сути кўп бўлса	48
Икки томондан эмизиш	49
Бола эмизувчининг шартлари ҳақида	50
Сут учун энг зарарли нарса	55
Эмизувчи аёлга муносиб овқатлар ва унга зарарли таомлар ҳақида	56
Камсутликнинг сабаби ва тадбирлари ҳақида	59
Фитом (сутдан чиқариш) тадбири ҳақида	63
Болани муҳофаза қилиш, парваришлаш ва тишини осон ва тезроқ чиқариш тадбирлари ҳақида	65
Болалар учун умумий тадбирлар ҳақида	69
Болалар тутқаноғи, шайтонлаш (рийҳ ус-сибён)	73

Боситхон ибн Зоҳидхон Шоший

**«ҚОНУНИ БОСИТИЙ»:
ҲОМИЛАДОР ВА ЭМИЗУВЧИ
АЁЛЛАР ҲАМДА ГЎДАКЛАРНИ
ПАРВАРИШЛАШ ТАДБИРИ**

**Нашрга тайёрловчи, сўзбоши, лугат ва изоҳлар муаллифи
Маҳмуд Ҳасаний**

Муҳаррир: Азиз Саид
Саҳифаловчи: Улуғбек Саидов
Мусаҳҳиҳ: Манзура Бекчонова

Теришга берилди: 16.05.2011 й.
Босишга рухсат этилди: 20.06.2011 й.
Бичими 60x84^{1/16} Офсет босма. Шартли босма табоғи: 5,0.
Алади: 1000. Баҳоси келишилган нарҳда.
707-сонли буюртма.

«TURON ZAMIN ZIYO» нашриёти.
100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

«SHOAKBAR» масъулияти чекланган жамияти.
100031. Тошкент, Тўғон Режаметов кўчаси, 1-А.